

ЁШЛУК

5 '95



Муассислар:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Тахрир хайъати:

Одил ЁҚУБОВ
ШУКРУЛЛО
Ғаффор ҲОТАМ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Йўлдош ЭШБЕК
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ
Абдул Ғани ЖУМА
Алишер ТЕШАБОЕВ
Абдусайд КЎЧИМОВ
Аслиддин КАЛОНОВ
Акбарали МАМАСОЛИЕВ
Дилшод НУРУЛЛОҲ
Тўхтамурод РУСТАМ
Вафо ФАЙЗУЛЛО
Турсун Бой МУҲАММАД
Шодикул ҲАМРОЕВ
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Жамол КАМОЛ
Бегижон РАҲМОНОВ
Тўра МИРЗО
Муҳаммад ИСМОИЛ
Аҳмад УСМОНОВ
Эргаш РИЗАЕВ
Ҳамроқул АСҚАРОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Аҳмад ОТАБОЕВ
Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ
Абдушукур АШИРБОЕВ

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ўзбекистон овози" таҳририяти
"Наشريёт уйи" компьютерларида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Гулшан РАҲМОН қизи

© "Ёшлик". № 5 (147) 1995 й.

Муқовада хонанда Мавлуда АСАЛХЎЖАЕВА
(А.Жумаси сурати)

Назм

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД..... 3
Сулаймон ШОДИЕВ..... 37

Наср

Шодикул ҲАМРОЕВ. Қора кун. Қисса..... 5

Саҳна

Тўра МИРЗО. Амир Темур. Драма..... 26

Маънавият сарчашмаси

Ал - ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор..... 30

Биринчи учрашув

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ..... 37
САҲОБИДДИН..... 44

Ташбеҳлар

Ҳамроқул АСҚАР. Изтироб чегараси..... 24

Олис-яқин овозлар

Шойим ШЕРНАЗАР..... 42
Ўктам ОЛИМ..... 42
Туроб ЮСУФ..... 43
Ғайбулла ҚУРОНОВ..... 43
Илҳом БОТИРОВ..... 46

Тарих. Давр. Муносабат

Тафаккур офтоби..... 33

Осойишталик посбонлари

Дарвозаси мустаҳкам юрт..... 38

Хотира

"Отамнинг васияти эди бу"..... 44

Одам, олам

Бу ажиб дунё..... 47

Маъзилми: 700017, Тошкент, Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй
Телефонлар: 33-40-83; 33-06-63.

Босишга 6.11.95 й.да руҳсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8
Шартли босма тобоғи 6,2. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,0
Буюртма 4529

Жўриқдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди, деб изохлашши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг
босмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

ОВОЗИНГДАН ЎЗГА МУЪЖИЗА ЙЎҚДИР...

*Рухият олами бепоён. Аммо ундаги одатий ҳислар калами стмаган оҳорли
лаҳзаларни ҳамма ҳам қўравермайди. Баҳром Рўзимухаммад шеърларида айнан
ўша онларнинг такрорсиз тасавури балқийди. Бу таҳайюлот муъжизасиз
юрмасликка қасд қилиб, япти фикр, япти туйғу тоинишга интилади.*




Кулсанг
қумурсқалар эшитадиган
овозда кул

Йиғласанг
девлар эшитмайдиган
овозда йиғла

Ўзингдан ҳам яшир кўз ёшингни
Ўзингдан ҳам яшир

Севгини
Ўзингни севмасликдан бошла сен

Ёнсанг
кулга айлангунингча
ёнганингни ҳеч ким билмасин



Фаришта билан Баҳорнинг
никоҳидан туғилган фарзанд
тилло сочларингни шамол ўйнайди
завқланиб завқланиб ўйнайди шамол

Осмон ерга ўргатади машғулотини
юлдуз сабоқ берар майсага
кулиб юборасан шайтон кўзига қараб

Нималарнидир улоқтирасан
уст-бошингни қоқасан
нурдан тозалайсан ўзингни

Баҳор сени қаттиқ қучоқлар
сийнасини тутар
ифорга тўлиғ



Қайрилиб қарамассан сен
Фариштага қўшилиб учиб кетасан
юм-юм йиғлайди Баҳор
юм-юм йиғлар кўзини юмиб

Кундуз жисмида
ковак бўлиб қолар сен ўтирган жой
ковак бўлиб қолар тўлиб оқ нурга
тунда-ой тушганмикан дейсиз
биливар билнимас жимирлар - тонгда

Булбул кўз ёшидан сиёҳ ясайман
ва ҳарф ясайман райҳон атридан
Ўқийман ям-яшил имлоларни сўнг
тақдир битиклари ила таққослаб

қўлвингни олсанг бас ўқиш шарт эмас
бунда тилга кирар имлолар ўзи
ёниб товланади қуйиб товланар
чулдирад қуш каби самандар каби

мўмиёдек қотади такаббур суқун
яна ишонмайсан яна азизам
рўпараиғда турар шайтон қилт этмай
сендан олдин хатни ўқиркан шошиб

ва яна мактубни йиртмоқ бўласан
бирок йиртилмас у сиёҳ ўқ янглиғ
визиллаб йўналар булбул кўзига
ҳарфлар-чи бир титраб ифор бўлади

шайтон ҳам жим турмас
юрагинга энди

уйиға киргандек
кирар хотиржам

Кундузин кемирма
эй кумуш сичқон
қушлар учиб кетмасин туйнукдан

Кафтимга оламан
мен сени
томримга кириб кетасан

Юраккача борасан оғриқ бўлиб
сўнг эса қайтасан
пароканда хаёл шаклида

Денгиз Икки наҳанг
Икки наҳанг устивда
иккига ҳўқиз

Ўша ҳўқизларнинг биттасига
суяниб турибди сен кемиряпкан кундуз
илма-тешик бўлур у ҳозир

Шувда қушлар учиб кетар туйнукдан
қушлар озодликка чиқади ва биз



уларнинг озод овозини эшита билмасмиз
кемпрма кундузни кумуш каламуш

• • •

Соқияликда шовқин бор
менга керак бошқача суқун
кўзларингдан кўз узмасам дейман
кўз дунёси теран бошқа дунё рангсиз

сен учун бу дунёда яшайман
овозингдан ўзга мўъжиза йўқдир
сўзла сен мунтазам сўзинг тугагач
рутубатли соат бошланар шаксиз



қадахларда арғувон бода
ичсак хушимизни йиғиб оламиз
ўз қонимни ичгим келади жуда
майдалагим келар суякларимни

ярмим фариштадир ва ярмим ҳайвон
ички олов ичра ёниб турибман
фаришта кўзи-ла қарайман сенга
сен менга қарама фариштам

тиззанга бош қўйдим ўйу хаёлим
гўзаллашиб кетди лаҳзага лаҳза
пардек енгил бошни кўтардим у сўнг
жасадимни учиб кетганини кўрдим

энди менга керак бошқача суқун
токи тўкилмасин гулларнинг қони

• • •

Бир кўз кузатади қуёшни
қуёшни қамаштирар чакнаса
қуёш ёруғлик сўрар шу кўздан

тепамда собитдир шу кўз
тушим-да кўриб билар у
хаёлни кўрмоққа етар қуввати

шу кўздан уялиб кетаман
ноқулай-да қараб турса мунтазам
қилт этмай қараб турса тепангда

кимга айтади у кўрганларини
кимнинг кўзи асли билмайман
ғашимни келтирар юмшоқ нигоҳи

кун келар ўларман ўша чоғда ҳам
кўз ўзгартирмас ҳолатини ҳеч
жасадимдан ўзин узмайди яъни

лошимни ер экан қуртлар завқланиб
ўша кўз бу ҳолни қилар томошо
сарҳисоб қилади қуртларни санаб

шунда чидолмайман кўзга қарайман
у эса имлайди мени ўзига
ва ўтиб кетаман кўзнинг ичидан
бир бошқа оламга
бошқа дунёга



кўз менга ўғрилар
кунгабоқардек

Чақалоқнимас
бир дона йиғини
туғадн аёл

Йиғини эмизар
қора сут бериб
шовқинга қўшилар яна бир шовқин

Кўзига қараманг йиғини зинҳор
Дажжол лаъини янглиғ тез улғаймасин

Сўргич сўриб ётади йиғини
томоша қилади қўлчаларини
тушиб кетабилмас ёғоч қабрдан

Ухласа кулади
майини жилмайдн ухласа йиғини

• • •

Сен кўм-кўк ҳавони кесиб
чирилдоқ саси ила қўйлак тикасан
думалаб кетади шабнам тугмалар
нинанинг ичига сиғиб билмасдан

Булбул ноласига шафақни қўйиб
нусха кўчирасан ундан уззу кун
Вақтга тақлид қиласан барибир
тақлид қиладирсан ўтмай турсанг-да

Кошкийдн овозинг бўғилиб қолса
безовта қиласан шуълаларни сен
тилла балиқчадек шуълани ёриб
кўриб биласан-ку ичак чавоғини

Сенинг ковушингни ким қияди айт
айтгани қайга кетсин яримта фасл
биз артиб қўямиз юрак сатҳини
шовқин либосини кийиб келавер

Ғадир-будир жойини дақиқаларнинг
спиллиқлаб қўямиз сен учун атаф
келавер нинангни ташлаб
эргаштириб келма ирмоқчаларини


• • •

Тиканлари учиб кетар қирпининг
сочилиб кетади тиканлари
чайқалади тун
юлдуз ҳадя этар мингта шуъласини

ғужанак бўлади
бир ҳовуч кумуш
энди уни кўриқлар илон

охирлаб борар экан тун
хўрсиниб
қўяди
қирпи

Сўнг ҳеч нима қилмас
сўнг бошни қўяди
тонг
кундасига



Баҳром Рўзимухаммад 1961 йилда Хоразм вилоят, Шовот туманидаги Ижтимоият кишилоғида туғилган. 1983 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тугатган. Ҳозирги кунда "Ўқитувчи" нашриётининг педагогика таҳририятида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

Унинг "Товушсиз қадам" (1987), "Теракка яқин юлдуз" (1989), "Икки нур" (1994), "Давсаман" (1995), рус тилида "Звезда над тополями" (1990) номли шеъррий тўплавлари чоп этилган.



Шодикул
ҲАМРОЕВ



Қисса

Гўё оламдан узилиб қолгандек чекка ва олисда жойлашган, ҳаёт тарзи ҳам илк қарашда худди ибтидоийдек нохуш таассурот уйғотадиган бу кичкина қишлоқда бирон-бир мусибатни ё кўргулик рўй бериб қолгудек бўлса, у албатта, кун оғиб, уфқ юзи қонталаш тус олган чоғ - айни шом маҳали ўғри мушукдек дафъатан соя ташлаб қолади.

Қадим-қадимдан шундай кечган, юз бериб ўтган ва ҳали-ҳануз қишлоқ аҳлининг ёду ҳаёлидан кўтарилиб улгурмаган: эски тегирмоннинг аллақасқдан ўт чиқиб, бир зумда ёниб кул бўлиши, масжиднинг нақшидор етти устунидан бирининг ўз-ўзидан қулаб тушиши ва шиҳоят, саксиз кишининг паймонаси тўлиши айни мана шу бехосият шому хуфтонда содир бўлиб ўтган эди.

Бундай қутилмаган фалокат куннинг бошқа пайти айтилик, тонгда ёки чошғоҳда эмас, нега айнан шом маҳали қишлоққа ёпирилиб киришини, бунда қув ва маккор фалакнинг қандай сир-саноати зоҳир эканини бирон кимса тузук-қуруқ билмасди, тўғрироғи, ғойибдан келадиган бало-қазонинг баттар қитиқ патига тегиб кетишидан чўчигандек,

*Кўнгил жаннатни истайди-ю, аммо
бўйинида гуноҳларим кўп-да...*

Александр Пушкин

одамлар бу ҳақида чурқ этиб оғиз очишмас, гўё ҳали олисларда юрган мусибатнинг ўзи бу ерларда етиб келмай туриб, унинг ваҳимали шарпалари ҳамманинг юрагини забт этиб қўйганга ўхшар эди.

Одатда, ҳар кун кун оғиб, уфқ бағри худди итнинг осилган тилидек яллиғланган пайт қишлоқни туйқусе мубҳам бир сукунат чулғаб олар, тирик жон зоти борки, бари худди қандайдир хавф-хатарнинг шарпасини илғаб қолгандек, бирдан жонсарак қиёфага кирар, ҳеч қаердан "тик" этган тонув қулоққа чалинмас, ҳатто кун узоғи аккиллайвериб жағи тинмайдиган итларнинг ҳам уни ўчиб қолар эди.

Одамларнинг назарида, бир лаҳзалик шом чўзилгандан чўзилиб кетгандек туюлар, қишлоқ устидан худди ғам-андух ортилган карвон имиллаб ўтиб бораётгандек ҳамманинг юрағи торикиб, жони бўғзига келар, аммо шунда ҳам бирон кимса дамини чиқаришга ботинолмасди.

Кўпинча шом бирон-бир фалокатсиз тинчгина ўтиб кетар ва қишлоқ аҳли ҳам гўё елкасидан тоғ ағдарилгандек бирдан

сепил тортиб колар эди. Аммо кутилмаганда, бирон кор-хол рўй бериб қолгудек бўлса, унинг совуқ овозаси шу захотиёқ қишлоқ узра ёйилар ва барчани бирдек кўркувга солиб кўяр эди.

Қишлоқда қисматнинг йўриғи қадимдан-қадим шундай кечган, бундан ўзгача бўлганини ҳеч ким эслай олмайди.

Ўша етти устундан бири ўз-ўзидан кулаб тушган масжид айвонида сақланадиган, олис бир йили қандайдир уста томонидан минг йиллик арча дарахтидан ясалган қишлоқнинг яккаю ягона тобути ҳам эҳтимол тунда, балки купча-кундуз куни ўз-ўзидан аллақайёққа ғойиб бўлган - бунини бирон кимса аниқ-тиниқ билмайди, аммо тобут ўрнида йўқ экани-ю, қайёқадир йўқолгани тағин мана шу шом пайти ошкор бўлди.

Шу кун қишлоқ ҳар доимдагидек тинч ва осуда эди, одатдан ташқари, кўнгилга шубҳа ва ғулгула соладиган бирон воқеа содир бўлмаган, четдан ҳам қандайдир нотаниш кишилар келиб-кетганига ҳеч кимнинг кўзи тушмаган эди. Куннинг ёйилиши ва ўтиши одатдаги икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш кунлардан деярли фарқ қилмаган, у қандайдир ғайритабиий аломати ёки белгиси билан қишлоқ устига мўру малахдай боестириб келаётган бало-қазодан лоакал бирон кимсани огоҳ этмаган эди.

Ҳа, дарвоқе, шу кун асалфурушнинг ўн кутига ин кўйган асалариларни нимадир бўлиб, ниларини тарк этганча, аллақайёққа учиб кетган эди. Бундан асалфуруш кун чошгоҳга етиб қолган пайт қандайдир юмуш билан куймаланиб боғ тўрига ўтгач, кутлар атрофида асаларилар эмас, қора пашшалар ғўнгиллаб учиб юрганига кўзи тушиб, сезиб қолган ва шу захотиёқ сайнхонада турган отига эгар уриб, асалариларини қидирганча қишлоқдан чиқиб кетган эди. Бу арзимасдек туюладиган воқеадан ҳам ҳали кўпчилик беҳабар эди. Шундан ўзга эсда қоладиган бошқа воқеа рўй бермаган эди шу кун.

Фақат қуёш ётоғи томон йўл олиб, ҳавога руҳни эркалайдиган намхуш салқинлик таралган пайт мойчелагини кўтариб, жувозкашиқига мойга кетаётган қишлоқ оқсоқоли масжид рўпарасидан ўтаётиб, ногоҳ тобут ўрнида йўқлигини пайқаб қолди. Йўқ, аниқроғи, оқсоқол аввалига тобут ўрнида турган ёки турмагани ҳақида сира ўйламаган, масжид қаршисидан ўтаётиб, у хайҳотдек кенг айвон саҳнига шунчаки бепарво кўз қирини ташлаб кўйган, ҳаёли буткул бошқа томонларда учиб юрган эди. Кейин жувозкашнинг ҳовлисига стай деб қолган чоғ боя масжид айвонига кўз қирини ташлаганда нимадир ўрнида йўқдек бўлиб туюлгани аллақайёқдан ёдига тушдию бирдан ҳаёли бўлинди ва беихтиёр юришдан тўхтаб, нима йўқолган бўлиши мумкин, дея ўйлай бошлади. Бу безовта ва ўжар ўй бир зумда бутун фикру ҳаёлини банд этиб олди, аммо ҳадеганда бирон бир жўяли фикрга кела олмади. "Тавба, нима ўрнида йўқ экан, а?!" - деди бир чоғ оқсоқол ўз-ўзига таажжубона овоз билан. Энди у ростаканига қизикиб қолган, йўл устида тик қотганича пешонасини тириштириб ўйлар, бироқ боягина ўзи кўз қирини ташлаб ўтган масжид айвонидаги манзарани қайта кўз олдига келтиролмай қийналар эди.

Бир кўнгли шартта изига қайтиб, масжид айвонини қайта кўздан кечирмоқчи ҳам бўлди, аммо бунга сира ҳафсаласи келмади, назарида, оёқлари толиқиб кетаётгандек туюлди. Ҳаёлида ғужғон тортиб айланаётган бояги ўй эса, ҳоли-жонига кўймай шунга ундагандек бўлар, у бундан қутулиб жимгина йўлига равона бўлишининг иложини тополмасди.

Кейинчалик орадан кўп сувлар оқиб ўтгач, оқсоқол қишлоқ бошига мўру малахдек бало-қазо ёғилган ўша, мусебатли кунни ўқинч билан қайта хотирларкан ичидан бир оз ҳўшиб-чатиб бўлса-да, шундай деган эди: "Эй шимакени айтмай, эсда,

ўша кун шом-у хуфтонда йўқолган тобутнинг ваҳмини худонинг ўзи кўнглимга солганкан, тобут ўрнига турган-турмагани менинг ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Мойчелагини кўтариб жувозкашиқига мойга кетаётсам, бир чоғ, кимдир қулоғимга, масжид айвонидан бориб тез хабар ол, тобутингларни ўғирлаб кетишди. Масжид айвонидан бориб тез хабар ол, тобутингларни ўғирлаб кетишди, деб қайта-қайта шивирлагандек бўлаверди. Бу гапни эшитиб, ишонсанглар, юрагим бирдан шиг-ғ этиб кетди, хушим бошидан учганча, дарров изимга қайтдим, ҳаллослаб масжид айвонига етиб келиб, не кўз билан кўрайки, ростдан ҳам, тобут ўрнига йўқ экан..."

Йўл ўртасида юришини ҳам, юрмаслигини ҳам билмай каловланиб турган оқсоқол ахирини ичидан бир оз оғришиб, ўзини ҳаёлпараст, дея койганча судралиб изига қайтди. У масжид қаршисига етиб келгач, уч поғонали тош зинадан инқиллаб-сикқиллаб айвонга кўтарилди-да, узок йиллардан буён саҳти-сумбахти ўзгармай келаёт-ган, фаслларнинг чапгу ғубори буткул қошлаб олган манзара-айвоннинг энсиз тоқчаларида териб кўйилган сопол кўза ва қосалар, бир четда ётган, ўша, анча йил бурун ўз-ўзидан кулаб тушган етти устун-барига бир кур ҳафсаласиз назар ташлаб чиқаётиб, туйкуе ҳар дони бурчакда турадиган тобутнинг ўрни бўм-бўш эканига кўзи тушди-ю, бирдан сергак тортиди, кўзлари ўз-ўзидан катта-катта очилиб кетди. "Бутун қишлоқда ҳеч ким қазо қилмаганди, чоғи?!" - унинг миёнига биринчи бўлиб шундай ўй урилди. Бироқ ҳаёл ўзини тутиб олгач, мен нималар деб валдираяпман, ўзи дея ўзини койган бўлди-ю, айвон юзасига қайта зингил солиб қарай бошлади. Унинг ўжар ва асабий нигоҳи бир зумда айвон юзасини ғўё остин-устун қилиб ташлади, аммо ҳеч қасрда тобутнинг қораси кўзига чалинмади.

-Ё, тавба, тобут қасрда қолдйкин?! - деди у биҳтиёр овозини кўтариб. Шу сўзини айтаётиб, баданига совуқ титроқ ораляб, эти бирдан сесканиб кетгандек бўлди. У кўзлари жовдираб айвон юзасига қараркан, кўркувга тушиб бораётганини ҳис этди. Аммо нимадан бундай туйкуе кўркувга тушиб қолганини унинг ўзи ҳам тузук-курук билмас, фақат тобут ҳақида ўйлагани сайини кўнглида бир-бирдан ваҳимали ўйлар бош кўтариб кела бошлаган эди.

У бир муддат айвон ўртасида сўппайиб туриб қолди, сўнг беихтиёр ўнг томондаги анчадан буён бирик жўшнинг пойқадами тегмаганидан буткул зах ва чиркин ҳиди қошлаб олган қоп-қоронгу хужраларга бир-бир бош суқиб чиқа бошлади. У бир пасда ўзини йўқотиб кўйган, худди эси оғиб қолган кимсадек ҳансираб нафас олганича апил-тапил хужрага кириб кетар ва орадан нафас олгудек фурсат ўтиб-ўтмай қайтиб чиқарди-да, бошқасига ўзини урар эди.

Кўп ўтмай оқсоқол нариги четдаги охири хужрадан кўзлари олайиб, бўшашган кўйини чиқиб келди-да, айвон устунларининг бирига беҳол суянди.

-Ё, тавба, тобутни ким ўғирлаб кетибдийкин?! - У худди ўз-ўзини сўроққа тутаетганидек беҳол шивирлади. Овози ўзига қалтираб, аллақандай ваҳимага тўлиб эшитилгандек туюлди. Устига-устак, бу яқин атрофда бирон-бир тирик жоннинг қораси кўринмаётгани ва айни чоғда, қандайдир сирли ва маҳобатли тусга кирган хайҳотдек масжид айвонида ёлғиз ўзининг сўппайиб туршини вужудини илон каби аста-секин ўраб-чирмаб келаётган кўркувини баттар зўрайтириб юборди. У масжид айвонидан тобутни қайта излашга ўзида на журъат ва на иштиёқ сезди, саросима ичидан шўшиб йўликка тушди-да, ортига қарай-қарай жувозкашнинг ҳовлиси томон жўяди.

У жувозкашнинг ҳовлисига қандай кириб борганини ўзи ҳам сезмай қолди, унинг юзи тим оқариб кетган, қўл-оёғи ўзига буйсунай дағ-дағ қалтирар эди. Унинг қадам товушини илғаб, ҳовли чеккасида ётган эшакдай бахайбат қора ит отилиб ўрнидан турди-да, бўйнидаги занжирни узгудек важоҳат билан кутуриб хуришга тушди. Шу чоғ, итнинг аккиллашини эшитибми, уй ичидан жувозкашнинг пакана бўйли хотини бошидаги румолини тузатган кўйин чиқиб келди ва дарвоза олдида ранг-рўйи бир ҳолатда турган оқоқолга туйкус кўзи тушиб, чўчиб кетгандан, "вой..." деб чинқириб юборди-да, ўзини орқага тортди. Аёл бир муддат анграйган кўйин тикилиб қолди, сўнг кутилмаганда, қичқиргандек овозда сўради:

— Вой, ўлмасам, сизга нима қилди?! Изингиздан кучук-пучук кувладими?!

Оқоқол буткул эсанкираб қолган эди, аёлга жавобан ломим дея олмади, тили худди танглайига ёпишиб қолгандек, сира айланмасди, фақат у гўё ўзининг айни дамдаги аҳволдан ўнғайсизлангандек, зўраки жилмайишига уринар, аммо бу жилмайиш ўзига сира ярашмас, аксинча, қиёфасини баттар nochор ва ожиз қилиб кўрсатар эди.

Бир оз муддат ўтган, у ўзини пича тутиб олди, шекилли, кўлидаги мойчелақни аёлга узата туриб, тутила-тутила шундай деди:

— Мойга келувдим, мойга... Эринг уйдаими?! Уйда бўлса, буюққа чақириб юбор.

Аёл ҳамон ҳеч нарсага тушуниб етмаган эди, у оқоқолнинг афти-ангориға чўчинқираб тикила-тикила кўлидан мойчелақни олди-да, пилдираб қадам олганча, жувозхона томонга ўтиб кетди.

Оқоқол оёқларидан мадор қочганидан ўзини беҳол ҳис этди, у атрофига аланглаб қараркан, дарвоза қабатида кўйилган тахта ўрнидиққа кўзи тушди ва шу томонга судралиб қадам олди-да, аста чўкди.

Афтидан, хотини алланималарни ошириб-тошириб шип-шиган кўрилади, шекилли, орадан кўз очиб юмгунча фурсат ўтмай дарвоза олдида эгинга оқ яқтак кийган яғиндор жувозкаш пайдо бўлди. Жувозкашнинг ҳам кўзлари хавотирга тўла эди. У кела солиб, оқоқолнинг худди жонсиздек осилиб турган кўлларидан тутаркан: — Сизга нима қилди? Тобингиз қочдими? — деб сўради.

Оқоқол кўйи эгилган бошини шошиб кўтарди ва алақандай безовта нигоҳ билан жувозкашнинг юзига тикилди: у гўё айни дамда ич-этини кемираётган шубҳа ва гумонларга исбот қидираётгандек киприк қокмай тикилар, тобут қаяққа йўқолгани ёки уни ким ўғирлаб кетгани жувозкашнинг баркашдек катта ажин босган юзига ёзиб кўйилгандек, ҳеч нарсаи кўздан қочирмасликка уринар эди.

— Бугун масжиднинг қаршисидан ўтгандингми?!-дея кутилмаганда сўради оқоқол энди жувозкашнинг кўзларига тик қараркан. Унинг овози шунчалик шубҳа ва хавотирга тўла эдики, жувозкашнинг дафъатан юраги орқага тортиб кетди ва рапги оқарганча, беихтиёр орқага тисариларкан: — Йў-ўк, -дея базўр гўлдиради. Сўнг, чамаси, кўнглига оралаган гулгулага тоқат қилиб туролмади шекилли, кўрқа-писа сўради: — Нимага эди?!

— Тобут жойида йўк!

— "Тобут жойида йўк", — жувозкаш оқоқолнинг сўзларини қайта такрорларкан, кутилмаганда, бирдан енгил тортди, юз-кўзидаги кўркув шарпалари бир зумда алақаяққа гойиб бўлди.

— Турганди ўрнида? — деди у овозини кўтариб.- Кимга керак ўша зорманда қолгур...

— Йўк! — оқоқол туйкус зардали овоз билан унинг сўзини бўлди. У жувозкашга қараган сайин негадир яноқлари пир-пир учиб, хақли кўзий бошлаган эди.

— Унда мен билмадим, — деди жувозкаш оқоқолнинг ўқдек нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб қочаркан. Кейин худди ўзини оқлаётгандек кўшиб кўйди: — Бугун кун узоғи жувозхонадан бир қадам ҳам ташқарига чиққаним йўк...

Шу пайт жувозкашнинг хотини мой тўла челақни кўтариб келдию ўртадаги гап-сўз узилди қолди. Оқоқол худди ичида аёлининг келишини сабрсиз кутиб тургандек, шошиб ўрнидан турди ва мойчелақни кўлига олиб, индамай-нетмай ҳовлидан чиқа бошлади.

Жувозкаш нималар бўлаётганига сира ақли етмай қараёт

тортиб қолган эди, у бир муддат ўртага серрайиб туриб қолди, сўнг беихтиёр пойинтар-сойинтар қадам ташлаганча, оқоқолнинг ортидан эргашди.

Аёл оқоқол ва эрининг алақандай гуссага ботган авзойини кўриб қандайдир нохуш воқеа рўй берганини кўнгли сезган, аммо буни сўрашга ботинолмаган эди. У дарвоза остонасигача юриб келди-да, лабици қаттиқ тишлаб, тикилиб қолди.

Оқоқол ва жувозкаш изма-из қадам олганча, масжид қаршисига етиб келишгач, худди олдиндан келишиб кўйилгандек, икковлари ҳам тўппа-тўғри тагин айвонга кўтарилди.

Жувозкашнинг кўзлари ўйнаб турар эди, у тобутни кимдир ўғирлаб кетганига зиғирча бўлса-да, ишонмас, ичида оқоқолни элдан бурун вағво кўтарадиган ваҳимачи, дея сўкиб қўяр эди. У айвонга кўтарилгач, худди оқоқолнинг барча шубҳа-гумонларини бир пасда чиппака чиқариб юбормоқчидек бир важоҳат билан тобутни излашга тушди: у айвон юзасига шунчаки кўз қирини ташлаб олди-да, сўнг димоғида алланималар деб мингирлаганча, қоп-қоронғи хужраларнинг бирига кириб кетди.

Оқоқол афтидан, тобут без йўқолганига энди масжидни остин-устин қилиб ҳам топиб бўлмаслигига мутлоқо шубҳа қилмай кўйганди, шекилли, уни шунчаки излашга ҳам уриниб кўрмади, балки айвон ўртасига қаққайиб турганча, шошиб-пишиб хужраларга бош сукиб чиқаётган жувозкашдан кўзини узмай қолди. Жувозкаш тобутни бундай зўр бериб излаши ҳам унинг эпсасини қотирарди, чоғи, лабларида сезилар-сезилмас истетхэоли кулги ўйнаб турар эди.

Ниҳоят, боя оқоқол чиқиб келган нариги чеккадаги хужра остонасида жувозкашнинг қораси кўринди: у худди энди қандай кўргулик рўй берганини англаб етгандек, бирдан шалвирабгина қолган, кўзлари олайиб, бежо боқар эди.

— Йўк экан, - деди у паст овозда бошини кўтариб оқоқолга тик қараёлмай.

Оқоқол унга жавобан сўз қотмади, фақат бир муддат боя сенга айтгандим-ку, -дегандек зардали нигоҳ билан тикилиб турди-да, сўнг кутилмаганда, ортига терс ўғирлиб, зиналарини бир-бир босганча, йўлакка тушди ва уйи томон равона бўлди.

Жувозкаш ўрнида тошдек қотиб қолди, у қадамини судраб босганча имиллаб кетиб бораётган оқоқолга алақандай кини ва адоват билан тикиларкан, ўзининг ҳам кўнгли тобора ғаш тортиб, елкасида алланиманинг ваҳми босиб келаётгандек бўлди.

Йўк, у тобутнинг биз йўқолганию энди бунинг оқибатида қандай кўргуликлар рўй беришини ўйлаб таҳликага тушаётгани йўк эди, аксинча, оқоқол тобутнинг йўқолганини мендан гумонсераяпти, деган хаёлга борган ва шуидан тинчнини йўқотиб кўйган эди.

Аммо у табиятан юраги тор, бир нарса устида узоқ бош қотириниша ҳафсала қилмайдиган беқарорроқ киши эди. Айни дамда ҳам, у йўқотилган тобут тўғрисида узоқ ўйлаб ўтirmaди, фақат ичида оқоқолни жуда ёмон кўриб қолган, шу ўй фикру хаёлини буткул банд этиб олган эди.

— Тобутнинг ичида тилло яшириб қўйганимдингми, мен орқалаб кетсам. Ҳей, тобутинг ҳам, ваҳиманг ҳам бошингдан қолсин, - деди у бир чоғ захарханда овоз билан. Сўнг хунук сўкинганча йўлакка тушди-да, шошиб уйига томон кетди.

Қишлоқда шом кечиб бўлган эди бу чоғ. Туси тобора қорайиб бораётган осмоннинг у ер - бу ерида юлдузлар йилт-йилт этиб кўзга ташланиб қолар, ҳаво салқин тортган, кишининг тўйиб-тўйиб смирғиси келар, айниқса, кундуз кунги тинка-мадорни куритадиган жазирамадан сўнг бундай ҳаво жуда роҳатбахш туюлар эди. Қишлоққа оқшомги осойишталик чўккан эди: мол-қоллар алақачон даладан қайтган, кун бўйи кимири-кимиру югур-югурдан дайди итдек қаттиқ толиққан одамлар энди оёқларини хотиржам узатиб, жонлари ором олаётган эди. Қишлоққа фақат оқшомдагина чўкадиган бундай осойишталик ҳаммага бирдек ёқар, дам-бадам алақадан эшитилиб қоладиган бақирик-чақирғу итларнинг гингишиб аккиллаши ҳам кишининг гашига тегмасди.

Бироқ бу оқшомги ҳузур-ҳаловат ҳеч кимга татимади: аста-секин оғиздан-оғизга ўтиб, шишиб ваҳимага тўлган ва кутилмаганда, момақалдироқ каби гумбураб садо берган нохуш хабар ҳамманинг эҳсонасини чиқариб юборди: нима эмиш, масжид айвонидаги қишлоқнинг яккаю ягона тобутини кимдир

Ўғирлаб кетганимиш! Қишлоқ энди тобутсиз қолганимиш!...

О, йўқ, аллақандай таҳдид ва ваҳиманинг нафаси бурқсиб турган бу хабар эмас, балки нақ ажалнинг ўзи кутилмаганда, эшик қоқиб келиб, ҳамманинг бир-бир бўғиздан тутгандек, одамлар туйқус қарахт тортиб қолди.

Йўқ, аксинча, қишлоқ аҳли ёлпасига гўё ўзалари анчадан буён қўрқув ва ҳадик ичида кутиб юрган қандайдир мудҳиш воқеа дафъатан рўй бергани бундан ҳамма гафлатда қолгандек бир кўйга тушган, аёллар ваҳима боғанидан ўзаларини тутолмай дағ-дағ қалтирар, эркаклар эса, асабийи қиёфада ҳовли юзасида у ёқдан-бу ёққа юрар ва дам-бадам уф тортиб кўйишар эди. Кўплар эса худди хавф-хатардан ўзаларини химоя этгандек, апила-тапил дарвозаларини тамбалаб олишди.

Ким билади, эҳтимол биргина шу нохуш ва совуқ хабар таъсирида бунчалик қўрқув ва таҳликага тушиш жуда кулгили ва гайритабiiий туюлар! Ким билади, балки, қишлоқ аҳли фақат кулоқларига мана шу нохуш хабар чалинган лаҳзадагина умр йўллари тобут билан қанчалик чамбарчас боғлаиб кетганини, тобутсиз бир зумда ҳамма нарсга ўзининг исми, ранг-туси, маъно-мазмунини ва лаззатию оромини йўқотиб кўйишни тўйқус аллақайси оиғ-шуурлари билан англаб қолиб изтиробга тушаётгандир.

Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, тобут йўқолгани тўғрисидаги совуқ хабар аллақачон қишлоққа ёйилган, энди унинг изидан юракни ларзага соладиган қандайдир мудҳиш ва даҳшатли воқеа содир бўлиши керак эди. Ҳамма негандир дафъатан шундай фикрга келган ва саросима ичида шуни кутар эди.

Аммо тун имиллаб иккинчи ярмига оғди ҳамки, бирон-бир кўнгилсиз воқеа рўй бермади. Фақат қайсидир ҳовлида бир аёл юраги ваҳимага тўлиб кетганиданми, ўзини тутолмай кутилмаганда, дод солиб юборди: унинг аянчли ўқирити тун кўйинда жуда қўрқинчли эшитилди. Қишлоқ итлари ҳам худди қандайдир хавф-хатарнинг шарпасини илғаб қолгандек, бирдан кутуриб хуришга тушди. Аёлнинг йиғиси билан итларнинг бетартиб аккиллаши қориниб кетди. Энди қишлоқни тўс-тўнолошу бақирик-чақирик босиб кетгандек бўлди, гўё ҳар бир ҳовли, ҳар бир уйдан оҳ-воҳ, дод-вой кўтарилётгандек, дафъатан кулоқ қоматга келар эди.

Бир чоғ, қишлоқ ўртасида жойлашган чойхонанинг ўнг томонидаги ҳовлидан икки киши чиқиб, масжид томонга йўл олди. Уларнинг бири кўлида хира нур таратиб бурган чирок тутиб олган ва иккөөллари ҳам ёп-атрофларига алаиғ-тажанг назар ташлаганча, тез-тез қадам олиб боришар эди.

Бироқ улар негандир масжид яқинигача боришга журъат этишмади, ярим йўлдан изларига қайтишди-да, тагин бояги ҳовлига кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шундан сўнг қишлоқ бирдан худди сув куйгандек жим-жит бўлиб қолди: итларнинг аккиллаши ҳам тинган, гўё тирик жон зоти борки, бари чуқур уйқуга кетгандек эди. Аслида эса, уйқу ҳали ҳеч кимни ўзининг гафлат домига тортиб кетмаган, ҳамма хаёлида бетиним айланаётган бир ўй таъсирида тўлғаниб ётар эди: Тобутимизни ким ўғирлаб кетди экан?!.

* * *

...Ўша кезларда ҳали кеч куздаёқ бор-йўқ егулигидан моевуо бўлиб қолган қишлоқ аҳли тезроқ киш ўтиб, баҳор кириб келишига интиқ кўз тикиб яшар, кўпларни эса, танларига зулукдай ёпишиб олиб, тинимсиз тилка-мадорини сўраётган очлик балоси сароб каби шу умиддан ҳам маҳрум этган, уларнинг кўказак тортган юзига ўлимнинг совуқ суратини чизиб кўйган эди.

Қишлоқ аҳли шу кунга қадар кузакда мўл-кўл ғамлаб олган ошқовоқни қайнатиб сб, қоринларини алдаб келган, энди, қиш айни чиллага кирган паллада бу хўрақнинг ҳам таги кўриниб қолган эди. Фақат ҳали-бери қишнинг адоғи кўринмай демасди, чор-атрофни кишининг белига урадиган қор босиб ётар, совуғи ҳам шунга яраша-аччиқ захардек аъзойи-баданни тилкалаб ўтар эди.

Бу йил қиш жуда оғир келган эди, у худди аламзада ва мустабиб ҳукмдор каби қишлоқни ўбдон иҳоталаб, ўзининг темир маҳбусхонасига айлантириб кўйган, бу ердан бирон кимса бош олиб чиқиб кетолмас, азбаройи очлик кутқусига чидаёлмай шунга уринганлар ҳам узоққа боролмай ярим йўлда совуқда тунгиб

қолиши тайин эди. Қор босиб ётган кўчаларда изғирин худди газабга минган соқчи каби чийиллаб югуриб юрар, ҳар бир уй, ҳар бир гўшага ўзининг совуқ нафасини уфуриб ўтар эди. Одамлар аллақачон зах босган уйларидан ташқарига чиқмай кўйишган эди, улар кечаю кундуз нафасларини ичлариға ютганча худди ўз қисмату аъмоли қандай ҳал бўлишини кутаётган маҳбус каби аёз турли-туман безак солган деразага унсиз тикилиб ўтиришар эди.

Шу кун нимадир бўлдию кутилмаганда, ҳавонинг тунд авзойи хиёл юмшаб, анчадан буён юз кўрсатмай кўйган қуёш муаллақ қотган булутлар ортидан мўралаганча, тафтсиз нур соча бошлади. Изғириннинг ҳам захри кесилиб, бир зумда қишлоқдаги ўлик ва руҳсиз тусга кирган ҳаёт қайта жонланди: у ер-бу ердан одамларнинг ўпкаси тўкилиб тушгудек алфозда "пўк-пўк" йўталганию қор кураётган куракнинг "қарт-қарт" этган дағал товуши кулоққа чалиниб қолди. Кўчаларда ҳам увадаси тўзиган чопонга ўралиб олганча, аллақандай юмуш билан куймаланиб юрган кишиларнинг қораси тез-тез кўзга ташланиб турар эди.

Ҳавонинг тафти илб қолганиданми, кун чошгоҳга етганда анча пайтдан буён қорасини кўрсатмай кўйган сартарош эшагини кичаб ҳайдаганча қишлоққа кириб келди. У киш қиличинин яланғочлаб келгандан буён бу чекка қишлоққа қадам босган биринчи киши эди. Шу босе, ҳамма уни нақ Ҳизрнинг ўзи ташриф буюргандек, кўзларида ёш билан қарши олди.

Аслини айтганда, сартарошнинг вақти жуда зиқ эди, у беш олтита қариянинг соч-соқолини эпакага келтириб, тезда изига қайтиш мақсади-да қишлоққа бир зумгинага бош суққан эди. Шу босе ҳам, у ҳаво совуқ тортиб турганига қарамай эшагини яланг кўчада, чойхона ёнидаги дарахтга боғлаб қўйди-да, ўзи кичкина жамодончасини кўтариб, қишлоқ оралаб кетди.

Сартарош табнотан жуда қувноқ, ҳазил-мутойибага ўч киши эди. Бурун у қишлоққа овозини баралла кўйиб қўшиқ айтганча кириб келар, биргина унинг пой-қадами тегиши билан бу ердаги аллақандай маъюс ва зерикарли туюла бошлаган ҳаёт оқими бирдан ўзгариб, байрам тусини олар, болалар тўда-тўда бўлиб кун узони унинг изидан югуриб юрар, катталар эса унга кўзлари туштиши билан ўз-ўзидан кайфияти кўтарилиб кетар эди. Сартарош ўзи кулиб туриб, бошқаларни кулдираб, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ғаройиб гапларни ўйлаб топиб, ҳаммаини ичагини узгудек аҳволга солиб кўяр эди. У қишлоқ аҳлининг табиатиға шунчалик сингишиб кетгандики, бир қарашда азал-азалдан шу одамлар орасида яшаб келаётгандек туюлар, ҳеч ким унга бегона деб қарамас, ҳамма худди ўз инисидек яхши кўрар эди.

Сартарош ҳар гал қишлоққа янги бир гап топиб келар, у дунёнинг аллақайси бурчида рўй берган ғаройиб воқеаларини айтиб берар ва бу воқеаларни гўё ўз бошидан кечиргандек, шундай кифтини келтириб сўзлардики, ҳамма маҳлиё бўлиб, унинг оғзига тикилиб қолар эди.

Айин мотамсаро кунда ҳам уни мана шу кайфият тарк этмаган эди: у жамодончасини кўтариб қайси ҳовлининг эшигини қоқиб борса, хонадон эгаларининг чехрасида бирдан аллақачонлар унут бўлиб кетган ўша , майини ва бегубор табассум қайта зоҳир бўлар ва улар бир дамгина бўлса-да, кўнгилларини қоп-қора булутдек босиб ётган ғам-ғуссани унутиб, яйраб қолишар эди. Ҳамма унга меҳри тобланиб қарар, унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар эди.

Фақат кексаларгина ўзаларини алдаёлмас эди, улар сартарошга кўзлари тушиши билан худди ноҳақ хўрланган ва ҳақорат қилинган гўдак сингари ўзаларини тутолмай бирдан пиқ-пиқ этиб йиғлаб юборишар ва уни бағриларига босиб, узоқ пайт кўйиб юборишмасди. Кейин ўртага чўккан жимликни қимтиган овозда бўзиб, уни адоқсиз саволларга кўмиб ташлашар эди. Уларнинг назарида, гўё сартарош ҳамма нарсанинг ипидан-иптасингача биладиган, бир оғиз сўзи билан қишлоқдаги захар-заққумга тўла ҳаётини тескари ўгириб юборишга қодир кимсадек туюлар эди.

Сартарош одамларнинг кўнгилдан нималар кечаётганини ич-ичидан сезиб турар, аммо сира сир бой бермасди, у ҳеч кимнинг юзига тик қараёлмас ва саволларига ҳам тайин жавоб қайтармасди, эеро, унинг кўнгилда тайин жавобнинг ўзи йўқ эди. Фақат у одамларини алланималар деб юпатган бўлар, кўпинча эса, ўзини юмуш билан банд қилиб кўрсатишга уринар эди.

Бу сафар мижозлари унга хизмат ҳақи тўлашмади, тўғрироғи, уларнинг бисотида сариқ чақа ҳам қолмаган, чўнтаклари худди қароқчи тунаган уй каби бўм-бўш эди. Шу боисдан, кўпчилик гарчи, сөч-соқоли ўсиб кетиб, қиёфасига ёввойи тус бериб турган эса-да, унинг олдига боришга унча ошиқмас, бир четда қисиниб-қимтиниб турар эди.

Бироқ сартарош жуда сезгир киши эди, у мижозининг кўнглидан қандай ўй кечаётганини олдиндан сезиб турар ва хизматини тугатар маҳал майин жилмайиб, уста ҳақи тўлайман деб овора бўлманг, мен бу гал ҳеч кимдан пул олмайман, фақат эсингиздан чиқарманг, вақти келганда, икки хисса қилиб ундириб оламан, деб мутлақо ҳолис овозда хижолатдан кутқариб юборар эди.

Қисқаси, шу кун сартарош ўзи ўйлаган вақтда қишлоқдан чиқиб кета олмади, мижозлари кўплигидан шомга қадар ушланиб қолди. Атрофга шом қоронғисини тушиб келаётган пайт у толиққан қиёфада жамодончасини кўтариб, эшагини қолдирган жойга келди. Келдию, қорни гўпдек шиниб, қорда кўмилиб ётган эшагига кўзи тушиб, турган ўрнида таёқдек қотиб қолди: аёз эшакнинг суяк-суягига ўтиб адоён-тамом қилган, у оёғи осмондан келиб, ўлиб ётар эди. У сартарошнинг бисотида яккаю ягона улов эди, уни узоқ йиллардан буён у қишлоқдан-бу қишлоққа олиб юрган, бўйни жуда ювш эди жониворнинг.

Сартарошнинг эшакка юраги туз сепгандек ачшар, уни кўра-била туриб, шундай изғиринда кўчада қолдиргани учун ичида ўзини койир эди. У эшакнинг лоши устида анча пайт серрайиб туриб қолди, сўнг унинг тўқимини счиб олди-да, ўзи орқалаганча, пойни-пиёда қишлоқдан чиқиб кетди.

Қишлоқ аҳли аллақачон уй-уйига қамалиб олган, аста-секин тун оғушига кириб бораётган кўчалар бўм-бўш ва жим-жит эди. Шу кун сартарошнинг эшаги совуқда тунгиб ўлганию унинг ўзи қишлоқдан пойни-пиёда чиқиб кетганидан ҳеч ким хабар топмай қолди.

Фақат эртаси кун билниди. Аммо эшакнинг лоши тагин уч кун чойхонанинг ён томонидаги дарахт остида ётди. Кейин, очикқан итлар ҳид олиб айлана бошлағач, одамлар кўплашиб, уни кўздан йироққа-қишлоқ четидаги Оқтепа остига олиб бориб ташлашди.

Оқсоқол тобут ҳақида ўйлаган сайин дарду дунёси баттар қороғи тортиб, ўзини худди бош-адоғи йўқ кўчага адашиб кириб қолиб, қандай чиқиб кетиши билмай овора-ю сарсон бўлиб юрган кимсадек, ожиз ва ночор хис этар эди. Бошқа нарса айтмайлик, бировнинг моли ёки бирон-бир буюми эмас, айнан тобутнинг йўқолишини у сира ақлу шуурига сиғдиролмади қийналар эди. Устига-устак йўқолган тобутни энди қайси хилват гўшадан излашини ёки кимни ўғри, дея ёқасидан тутушни билмай боши қотар эди.

Йўқ, тўғрироғи, бу ақл бовар қилмайдиган ўғриликда одамзот боласининг қўли борлигига унинг ўзи ҳам унчалик ишонмай турар эди. "Ғофил балда бўм-бўш тобутни бошига урадимми?! Қолаверса, дийдаси тош қотган ўғри ҳам кела солиб, тобутни орқалаб кетишга юраги дов бермас керак. Бу ерда..." безовта ўй-хаёллари шу жойга етганда дафъатан унинг ўзи ҳам қуркувга тушиб қолар ва шу захотиёқ ва ҳақида ортиқ ўйламасликка тиришар эди. Унинг назарида, тобутнинг қутилимаганда, бундай ўз-ўзидан ғойиб бўлиши қандайдир фалокатнинг аломати бўлиб туюлар ва мана шу лаънати ўйгина ич-этини итдек таталаб сира тинчлик бермасди.

У боя масжид айвонидан тобутни излаётган пайт бу ўй аллақайқдан лоп этиб миёнга урилган ва аста-секин бутун вужудини ўраб-чирмаб олган эди. У бу совуқ ўйда худди ажалдан чўчигандек чўчиб турар, аммо ундан қутулишини, бошидан нари қувиб юборишининг сира иложини топа олмади.

У шундай ўй-хаёллар гирдобига фарқ бўлганча, мойчелагининг кўтариб ҳовлисига кириб келганда ўзини буткул олдириб қўйган, оёқда базўр турар эди. Унинг ранг-рўйини кўриб, хотинининг бирдан хуши бошидан учиб кетди ва шанғиллаган овозда нима бўлганини сўраб-суриштиришга тушди. Оқсоқол ўзининг ахвол-рухияси ҳақида ҳеч нима демади, у хотинига бир муддат паришонхаёлдек тикилиб турди-да, сўнг кўзларини олиб қочаётди: Хотин, тобутинизни ўғирлаб кетишибди, - деди. Ҳа, айнан шундай деди. Унинг овози шунчалик қайғули ва анқ бир манзарани ифодалаб эшитилдики, хотини худди ҳамма-

хаммасини шу лаҳзанинг ўзида тушуниб етгандек, бирдан дами ичига тушиб, бўшашиб қолди.

-Йўғ-ей,-дея олди у қўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб.

Оқсоқол хотинига бошқа ҳеч нарса демади, мойчелақни ошхонада қолдириб, ўзи индамай уй ичига кириб кетди.

Жувозкаш масжид саҳнидан йўлакка тушгач, ит қувлаган гадодек ҳаллослаб югурганча, ҳовлисига кириб келди: у йўқолган тобут ҳақида аллақачон ўйламай қўйган, хаёли бошқа бир нарса билан банд эди. У дарвозадан ичкарига киргач, ҳовли юзасида аллақандай юмуш билан куймаланиб юрган хотинига кўзи тушдию бирдан ўдайғайлагандек овозда сўради:

- Оқсоқолга қайси мойдан бердинг?

Аёл ноҳос эшитилган овоздан чўчиб тушди ва шошиб бошини ўғираркан, шундай қаршисига турган эрига кўзи тушиб, бирдан нима гап эканини англади, шекилли, қўрқа-писа жавоб қилди:

- Пахта мойи аралаштирилмаганидан...

Жувозкашнинг важоҳати ёмон ўзгарди, кўзлари шокосадан отилиб чиққудек каттариб, ёноқлари пир - пир уча бошлади.

-Ҳойнаҳой, тагин мойнинг пулини бериб кетмагандир?!-деб сўради у ўсмоқчилагандек овоз билан.

Аммо хотини худди айбдордек кўзларини олиб қочганини кўргач, ҳаммасини сўзсиз тушунди.—Текинга олиб ўрганганда, нокас. Яна оқсоқол эмиш, ҳей...— у хушук сўкинди Сўнг хотинига қараб, дағдага билан кўшиб қўйди:— Буидан кейин челақ кўтариб келганларга фақат пахта мойи аралаштирилганидан бер. Тоза зигир мойига қўлингни теккиза кўрма!

У хотинига бир муддат еб қўйгудек важоҳат билан тикилиб турди-да, сўнг жувозхона томоғига ўтиб кетди.

Қишлоқ аҳли уни жинни қиз деб атар эди: унинг куракка турмайдиган гап-сўзларини телба-тескари қилиқлари ҳеч кимга эриш туюлмас, ҳамма ақли ноқис бўлгандан кейин шу-да, дея индамай кулиб қўярди. Бир бошига бу дарду бало етмагандек, у ота-онаси йўқ сағир эди, тоғасининг уйида сиғинди бўлиб яшарди. Тоғасининг икки ола сиғири унинг бўйида эди, у уззу кун молларнинг изидан юриб, кунийн ўтказар, ичадиган бир коса ёвғонни эғнидаги қўйлақ-лозини ҳам шу хизматлари эвазига келар эди.

Унинг тенг-тўшлари аллақачон бир йигитнинг бағрини тўлдириб, рўзғор тебратиб кетган эди, у эса ҳали-ҳануз мол боқар, кунини кимсасиз дала-даштда ёлғиз ўтказар эди. Бироқ у умри бино бўлиб, бирон марта, энди мол боқмайман, дея хархаша қилмаган, гўё ўзининг ўрни одамлар орасида эмас, балки кимсасиз даштда эканини шу ноқис ақли билан англаб етгандек, тоғ-саҳарда сиғирларини ҳайдаганча қишлоқдан чиқиб кетар ва оқшом чўққанда уйга қайтар эди.

Аслини айтганда, табиат уни ҳамма нарсадан қисиб яратган эди: у жуда хушук эди, бижғиган хамирдек юзини қуюқ сепкил боғсан, нимпиёладек катта-катта кўзларида доим қон қуйилиб турар, семизлигидан юрганда бутун аъзойи-тани лорсиллар эди.

Тоғасининг писмиқ хотини-янғаси ундан очик-ошкор иргатар эди: уни ошхонага яқин йўлатмас, болаларини қўлига олгани қўймас ва унинг бир кунлик ризқу насибаси-бир коса ёвғон билан яримта қотган ношин минг марта мамомату дашном ёғдириб, сўнг берар, гўё жинни қиз уйда ҳаммадан кўп овқат сийдигандек, жағи-жағига теғмай жаврар эди. Янғасининг-ку, ихтиёри ўзида бўлганида уни остона ҳатлаб уйга киргани қўймасди, аммо у эрининг муштидан қўрқар ва базўр дамини ичига ютиб юрар эди.

Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, қишлоқда барча қатори жинни қизнинг ҳам ўз ўрни бор эди, баттол янғасини айтганда, ҳеч ким уни росмана ёмон кўрмас, беҳуда ранжитиб қўнглига озор бермасди. Қайтага унинг қишлоқда яшаш, кўчалардан бақириб-чақириб сиғирларини ҳайдаб ўтиши ва телбавор қилиқлари бу гўшадиги ҳаётни янада қизикрөк қилиб кўрсатар эди.

Айниқса, болалар унга қаттиқ ўрганиб қолишган эди: улар баъзан кўчада соатлаб ўтириб, унинг йўлини пойлашар, мабодо у ўтиб қолгудек бўлса, бирдан жўр овозда ўша, ҳаммаларига ёд бўлиб кетган эски қўшиқларини бошлаб қолишар эди:

Жинни, жинни
Эшакка минни.
Эшакдан йиқилиб,
Оёғи синни...

Кейин улар шу кўшиқ завқида маст бўлишгандек, жинни қизга тегажочлик қилишга тушар, гоҳ унинг сочидан тортиқлаб қочилар, гоҳ эса сигирларининг бошини бошқа томонга буриб юборилар эди.

Бундай дамда жинни қиз ҳам буткул қуюшқонидан чиқиб кетар, алланималар, дея бобиллаб қаргаганча, болалар билан теппа-тенг айтишар, уларнинг биронтаси кўлига тушиб қолгудек бўлса, аямай дўппослар эди.

У фақат қишлоқнинг кунчиқар томонидаги кимсасиз жарликда сигирларини ўтлатиб юрган кезлардагина ўзини эркин ва бахтиёр хис этар эди: бундай пайтда у жуда очилиб-сочилиб кетар, кўнгли тоғ каби юксалганидан кулгичалари ўйнаб турар ва димоғидан аллақандай кўшиқни чўзиб-чўзиб хиргойи қилар эди. Баян эса, сигирлари билан худди қадрдон дугонасидек, қикир-қикир кулиб гаплашар, уларнинг бўйин ва баданларини силлиб-сийпалаб эркалар ва ҳатто, сирлашар эди...

Тобут йўқолгани ҳақидаги совуқ хабар қишлоққа ёйилиб, ҳамманинг ичига гулгула кириб қолган тунинг эртаси-тонг-азоидида жинни қизни янгаси одатдагидек, супурги дасти билан савалаганча уйқудан уйғотди.

-Тур ўрнидан жувонимарг ўлгур! Сигирларни соғиб бўлганим қачон эди, бу ойнимпоша бўлса, халиям сасиб ухлаб ётибди. Ҳа, илоё, ўлигининг тезроқ мурдашўй ювсини, тезроқ сигирларини ҳайда!-янга лаби-лабига тсмай қаргаганча уни супурги дасти билан аямай савалар ва азбаройи қутуриб кетганидан оёғи билан тепиб-тепиб кўяр эди.

Жинни қиз жони оғриганидан оғзини катта-катта очиб дод солганча ўридан туриб кетди ва бошини кўллари билан папа қилганча, ўйнинг нариги бурчагига қочиб ўтди-да, қисилиб туриб олди. Янгаси эса, унинг бошидан нари кетай демас, жазавага тушган кўйи аямай савалар ва оғзидан тупук сачратиб қарғар эди. Жинни қиз ҳар гал супурги дасти баданига келиб текканда ўзини отиб-отиб юбориб, дод солар ва судралиб уйнинг у бурчагидан- бу бурчагига қочиб ўтар эди.

Охийри, у бир амаллаб уйдан қочиб чиқди: хали онг-шуурини уйку қарахтлиги буткул тарк этмаганиданми, ҳовли юзасидан бир муддат гарансиб туриб қолди, сўнг чамаси, тонг отганини сигирларни далага ҳайдаши кераклигини, янгаси шунга зугум қилаётганини туйқус англади шекилли, ўзини апил-тапил оғилхонага урди ва кўз очиб, юмгунча сигирларини олдига солиб, қувлаганча ҳовлидан чиқиб кетди.

Қишлоқ кўчаларида ҳали тонг соқиллиги тўшалиб ётар эди. Бу осудаликни биринчи бўлиб жинни қизнинг "хўнг-хўнг" йиғлашюни сигирларнинг тапир-тупур туёқ товуши бузиб ўтди. Жинни қиз сира ўзини босолмас, супурги дасти теккан бадани қақдаб оғрир ва у аламидан сигирларини аямай савалаб, қувлаб борар эди. У жар бошига етиб келганга қадар бир дам бўлса-да, сигирларини тиндирмади, ўзи ҳам улар қатори елиб-югурди.

Тонгги шабнамга чўмилиб ётган жарга етиб келгач, у сигирларини ўз ҳолига қўйиб юборди-да, ўзи ерга оёқларини узатиб, ястаниб ўтириб олди: унинг юрак-бағри аламу хўрликка лим-лим тўлиб турар, гарчи, янгасининг бундай зугуму ғазабини ҳар кун кўравериб, дийдасини тош қотиб кетган эса-да, бу галгиси ҳаммасидан охиб тушган эди: О, йўқ, у бу дунёю очунинг юзини кўргандан буён кўча-кўйда, тоғасининг уйида ҳар кун, ҳар лаҳза эшитавериб қулоғи том битган қарғишу маломат, очик-ошкор ирганиш ва нафақат аъзойи-баданнинг балки, қалбини ҳам қабартириб юборган таёқлар зарбига. Бугун тоқат қилолмай қолди: бутун вужуди жунбушга келганидан зорикқан овозда дийдиё қилганча, ер муштраб янгасини ва унга қўшиб яна аллакимларни қарғай бошлади. У гуё янгаси шундай қаршисиди ётибдию уни тупроққа қорштириб ташламоқчидек бир важоҳат билан силтаниб-силтаниб ер муштраб ва оғзидан тупук сачратганча, бобиллаб-бобиллаб қарғар, қарғай туриб, ўзи ҳам из-из йиғлар эди. Унинг овози ҳасрат ва аллақандай ёввойи шиддат билан тўла эди.

У анча пайт шундай ер муштраган кўйи қарганиб ўтирди, бироқ фақат шу билангина ич-ичидан тошиб-кўпириб келаётган ва бутун жисму жуеасини силлиб-силлиб ташлаётган изтиробу алами босилмади шекилли, ҳолати тағин ёмон ўзгарди: у гуё

аллақайси ақлу шуури билан ўзини бу кенг дунёю дунда ортиқча эканини, фақат одамларнинг оёғи остига қолиб, хўрланши ва ҳақорат қилиниш учун туғилганини, умр йўли тоабд шундай кечиниши ва ундан қочиб ҳам, тониб ҳам қутула олмаслигини англаб, бирдан ўз-ўзини ёмон кўриб кетгандек, баттар жазавага тушиб қолди. Унинг юзи худди тутқанок дарди хуруж қилган дамдагидек қум оқариб, кўзлари кўрқинчли тусга кирди ва у қутуриб ҳансираган кўйи гоҳ эғиндаги қўйлак-лозинини дала-далва қилиб йиртар, гоҳ эса, сўйлоқ тишларини иршайтириб, қўл-оёқларини ғажиб тишлар эди. Алам ва хўрлик ҳисси уни шунчалик жунбушга солиб қўйгандики, у ҳеч нарсага пайқамас, тишларини аламди ғижирлатиб ўз-ўзи билан олишар, ора-сирада алланималар деб қарганиб кўяр, гоҳ эса, ўзини дам у ёнга, дам бу ёнга отиб-отиб юборар эди. Унинг тишланган қўл-оёқларидан тиркираб қон оқар, бутун вужуди эса, худди айни дамдаги ҳолатидан лаззат олаётгандек, зир-зир титраб эди. У худди ўзига қарши исён кўтарган кимсага ўхшар, ғайирлик билан ўз танини бурда - бурда қилиб ташлашга уринар эди.

У узок пайт шундай алфозда ўз-ўзи билан олишиб ётди. Охийри, силласи қуриб қолди шекилли, оғзидан паға-паға қўпири келиб, қимир этишга ҳам ҳоли қолмади. У буткул тупроққа қоршиб, ўликдек қотиб ётар, хариллаб оғир-оғир нафас олганидан кўксен қалқиб-қалқиб тушар эди.

Кўёш тоғ ортидан кўтарилиб, гуррос нур соча бошлади. Ўт-ўланларнинг юзиди йилтираб турган шабнамлар бир зумда қуриб битди, ҳаводан тошги намхушлик кўтарилди. Бир чоғ жинни қиз кўёш нури жилваланиб урилаётган кўзаларини йириб очди: уни боя жазавага солган алам ҳисси энди босилган, қон ва кўзёш қотиб қолган юзиди соқини бир ифода кезинар эди. У ўридан кўзгалгиси келмади, ўт-ўланлар устида шундай қўл-оёғини эмиш-эркиш узатиб ётиши ўзига жуда ёқиб турар ва узок-узок ёттисен келар эди. У шундай алфозда ётганича, бошини ўнг томонига хиёл ўгириб, хув нарида ютоқиб ўтлаётган сигирларига ўйчан назар ташлади: анани катта ола сигирининг елини ёрилгудек бўлиб тўлиб турибди, бугун ё эрта албатта, болалайди...

У шу уйин хаёлдан ўтказа туриб, беихтиёр меҳри ийиб кетди ва ётган жойидан отилиб туриб, сигирининг олдига югуриб борди-да, бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Шу тобда у сигирини бирдан яхши кўриб кетган, унинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб, қулоғига алланималар деб шивирлаб эркалар ва дам-бадам слкасидан силаб-сийпалаб кўяр эди.

У ҳар кун яримта қотган нонни рўмолига туғиб, ўзи билан далага олиб келар ва шуни сувда увитиб тамадди қилар эди. Бугун янгаси шу насибасини ҳам ҳаром қилди. Аммо айни пайтда уни оқлик сира безовта қилмаётган эди, унинг бутун фикру хаёлини елини тўлиб турган она сигир банд этиб олган эди.

Жинни қизнинг кўнгли сезган экан, ростдан ҳам, кун чошгоҳга етиб-етмай елини тўлган сигир ўтга лаб урмай қўйди, дам ётиб, дам туриб безовта бўкира бошлади. Буни кўриб жинни қиз дарров таралдудга тушиб қолди: она сигирини ҳамроҳидан айириб жар ўртасидаги шохлари тарвақайлаб ўсиб, баҳайбат тортган ёнгоқ остига ҳайдаб борди-да, ўзини тезда четга тортиди.

Кўп ўтмай сигирининг кўзи ёриб бошлади: унинг томоқ йиртиб бўкириши бутун жарни тутиб кетди. Жинни қизни қаттиқ ҳаяжон чулғаб олган эди, унинг вужуди қизиб кетган, гуё сигир эмас, жондек азиз дугонаси тўлғоқ азобини бошидан кечираётгандек, у ёқдан-бу ёққа юриб тоқатсизланар, дам-бадам худди аллакимдан мадад сўраётгандек, ёлворган овозда пичирлаб кўяр, ёнгоқ остига қарашга эса, сира юраги дов бермасди.

Ҳадемай янги меҳмонча дунёга келди, сигирининг бўкириши тинди ва у дилдираб оёқда базур турган боласини ялаб-юлқаб қурита бошлади. Буни кўриб жинни қизнинг ғариб боши осмонга етгандек бўлди, унинг чехраси худди ўзига чекенз бахт насиб этгандек буткул ёришиб кетган, кўзларида беғубор бир қулги ўйнаб юрар эди. Сигирининг кўзи ёриши уни шунчалик қувонтириб юбордики, азбаройи шу севинчин ичига сигирдолмай овозини баралла қўйиб қийқирганича хув йироқ-йироқларга қараб югуриб кетди, баҳмалдек тўшалган майсалар устига ағанаб-ағанаб ўйнади. Унинг эрталабки қайғучил қайфиятидан асар ҳам қолмаган, гуё бу кўргуликларни ҳеч қачон бошидан кечирмагандек, аллақачон унутиб юборган эди, айни дамда у худди илк марта муҳаббат лаззатидан татиб кўрган ўн саккиз ёшли қиздек сархуш ва бахтиёр эди.

Унинг юраги нега буича қувончга тўлади?! Унинг далли қўнглини жўштирган ва хаёлларини узоқ-узоқларга олиб кетган қандай ўтли ҳис ўзи?! Йўқотган бахтини қайта топиб олдим, бу телба қиз?! Эҳтимол, бу шодлик ва қувонч унинг ноқис ақлининг аломатидир?! О, йўқ, аини лаҳзаларда у булар ҳақида ўйламасди, ўйлашни-да, нисамасди, у фақат бир нарсани билар ва уни бутун вужуди билан ҳис этиб турар эди: аини сонияда у бахтиёр, қўнгли тоғдек юксалган, бас, унга шунинг ўзи стади, бошқа ҳеч нарса керак эмас.

У қўзларини феруза осмонга тикиб, чексиз ва сирли хаёлларга чўмиб ётар эди. Мана шундай ширин ва осуда дамларда ўзга бир нарса туйқус қалқиб юзага қўтарилар ва унинг хаёлини гумбур-гуре ўз домига тортиб кетар эди: унинг шундай кўксини остида тирик бир мумда безовта тортиб типирчиллагандек бўлар ва аъзойи-танига ёқимли оғриқ таралар эди, хаёлида эса, тошга ўйилган битик каби мухрланиб қолган ўша воқеалар қайта жонланар эди...

... Бу воқеа чамаси, тўрт-беш ой муқаддам рўй берган эди. Ўшанда, у одатдагидек, куёш ётоғи томон йўл олган маҳал елники сурта тўлган сигирларни ҳайдаб уйга қайтган эди. Сигирларнинг изидан остона хатлаб, ичкарига кираркан, қўзларни алағ-тажағ ўйнаб, ҳовли юзасидан янгасининг қидирган эди. Аммо бирон жойда янгасининг на қораси кўринган ва на овози эшитилган эди. Фақат айвонда тоғаси кичкина ҳовончани оёқлари орасига олиб, нимадан тўйар ва ҳовончадан чиқаётган товуш ҳовли бўйлаб бир марома таралар эди: тўқ-тўқ, тўқ-тўқ...

У ҳовлида янгаси йўқлигини кўриб пича снгил тортганча, ичкарига бош суққан эди. Тоғаси уни кўриб, ҳовончани тўқиллатишни бас қилган ва унинг қўйлагини буртиб турган сийнасига, тарам-тарам ёрилиб кетган оёқларига одатдагидан бошқача-ғалати нигоҳ билан узоқ тикилиб қолган эди. У тоғасининг қаршисидан ўтаётиб, ўнғайси зангандини, оёқлари чалишиб кетиб, йиқилиб тушишига бир баҳя қолган, аммо шоша-пиша ўзини олган эди. Шу чоғ тоғаси ҳам негадир бирдан тесканиб тушгандек бўлган, бироқ у ҳам сир бой бермай зўраки томоқ қириб йўталганча, молларни оғилга ҳайда дегандек боши билан ишора қилган эди. Тоғаси у билан ҳеч қачон бундай очилиб гаплашмас, улар гарчи битта ҳовлида яшашса-да, худди етти ёд бегонадек туюлар эди.

У сигирларни "бош-бош" дея оғилхонага ҳайдаб кирган ва имиллаб уларнинг шохига бошбоғини сола бошлаган эди. Бир пайт кутилмаганда, қия очик эшикдан тушаётган куёшнинг қизғин нурлари узилди, ичкари қоп-қоронғи тус олган эди. Жинни қиз чўчиб тушиб, бошини эшик томонга ўғирган ва остонага серрайиб турган қора гавдага кўзи тушиб, ўрнида қотиб қолган эди. Кейин хушини пича йнғиб олгач, қора гавдадан кўз узмай сигирнинг шохига бошбоғини солишига уриган, аммо ҳар гал бошбоғ мўлжалга тўғри бормай ерга тушиб кставерган эди.

Қора гавда унинг саросимага тушган ҳолатини бир муддат кузатиб турган, сўнг ордидан эшикни зичлаб ёпиб, тўппа-тўғри унинг устига бостириб кела бошлаган эди. Жинни қизнинг юраги бирдан гупиллаб тез-тез уриб кетган эди, йўқ, у аввалга ҳеч қандай ёмон хаёлга бормаган, фақат қора гавда ҳозир мени дўппосласа керак, деган ўй миёсига урилгандан беихтиёр қочиб нариги бурчакка ўтган ва деворга қапишиб олган эди. У юраги пуккилаб қоп-қоронғи бурчакка қанишиб тураркан, бошига ё биқинига мушт келиб тушишини кутган, қора гавданинг бадхўй нафаси юзига урилганда ҳам, у биллагидан маҳкам сиқиб ушлаб, оғилхонанинг нариги томонидаги ўтган йилдан қолган сомон уюми томон стаклаганида ҳам унинг хаёлини мана шу ўй тарк этмаган эди. У ўзини орқага ташлаб-ташлаб ожизгинга қаршилиқ кўрсатганча, қора гавданинг изму ихтиёрига бўй-суниб борган эди.

Кейин у ҳеч қачон кутмаган ва ўйламаган шундай воқеа рўй бергандики, оқибатда, куллагини ҳам, йнғлашини ҳам билмай қолган эди.

Қора гавда туннинг қайси палласида оғилхонани тарк этганини у тузук-қуруқ эслай олмаган, сомон уюми устида хаёллари буткул айқаш-уйқаш бўлиб, ўликдек чўзилиб ётган эди. Эртаси кун ҳам у оғилхонадан ташқарига чиқмай кун узоғи сомон уюми устида қотиб ухлаган, уйда янгаси йўқлиги туфайли унинг оромини ҳеч ким бузмаган эди.

Шу воқеадан сўнг унинг сас-садосиз кечаётган хаёти туйқус ўз оқимини ўзгартириб, мутлоқ нотаниш, аммо оҳанграбо каби

бетиним ўзига тортиб турадиган йўлга кирган эди. У ўзини худди бу кеска дунёнинг энг катта сиридан воқф бўлиб қолгандек ҳис этган ва назарида, энди кунлар ҳам бурунгига караганда, тез ва шиддат билан ўтаётгандек туюлган эди. Янгаси ҳам худди атай қилгандек, болаларни эргаштириб, бот-бот аллақасёққа ғойиб бўладиган одат чиқарган, у эса қора гавда билан тун бўйи сомон уюми устида қолиб кетар эди.

Бир сафар шундай воқеа рўй берган эди: у ораларндаги ўша, илк тундан буён ҳам ҳали бузилмай қад ростлаб турган кўркув ва ваҳм деворидан аллақандай журъат билан ошиб ўтиб, қора гавдага ўзи суйкалган, унинг кўксига бошини қўйиб, узоқ хаёлга чўмишни нисаган эди. Бироқ кутилмаганда қора гавда худди чаён чакқандай чўчиб тушган ва уни жирканч махлуқдек ўзидан нарига итариб ташлаган ва сўнг юзига снгилгина шапалоқ торта туриб, жинни, дея ташқарига чиқиб кетган эди. Жинни қиз худди ўйнаб турган ўйинчоғини кимдир юлқиб қўлдан тортиб олган гўдакдек бирдан бўшашиб кетган ва лаблари осилиб қора гавданинг орқасидан термулиб қолган эди. У бундай бўлишини сира кутмаган, аксинча, қора гавда ҳам мени бағрига босиб эркалайди, деган ўйга борган эди. Шундан унинг қўнгли ўқсиб йнғлагиси келган ва юзини сомонга босиб тўйиб-тўйиб йнглаб олган эди. Фақат ўшанда қора гавда нега туйқус ўзгариб қолиб, уни ўзидан нарига силтаб ташлаганини сира тушинмаган эди. О, нима ҳам тушнар эди бу далли қиз? Нимани ҳам англаб стар эди бу телба хаёл?! Уни кўр қисмат ҳамма-ҳамма нарсадан махрум этиб қўйган, у бу жоҳил ва шартки, ўзганинг эмас, ўз умрини пою пайҳон этаётган одамлар орасида қуруқ сахту сунбати билан кезиб юрган арвоҳ эди. О, йўқ, у тақдир хўрлаган, қув фалак барча жабру зулминин бошига тўкиб солган бахтиқаро эмас, балки фариштадек хур қиз эди. Йўқ, йўқ, у бу дунёнинг бағрига жуда усталик билан ташлаб қўйилган хилқат эди...

У ўтаётган кунларида сира ёмонлик аломатини сезмасди, аксинча, худди ҳаётга ташна киши каби умр йўли шундай алфозда узоқ-узоқ давом этишини истар эди.

Кейин кунларнинг бирида у жисму танида ғалати ўзгарини содир бўлаётганини пайқаб қолди: қўнгли ўқтин-ўқтин беҳузур бўлиб, қайт этгиси келар, оғзи нордон тортганидан ҳеч қандай таом ёқмас эди. Аввалига у бунга қўнқолмай узоқ қийналиб юрди, юраги худди қафасга тушиб қолган қушдек тинимсиз потирлар, ичнини алланима кемириб кетаётгандек туюлар эди. Йўқ, кейин — аллақайси бир кун шундай кўксини остида нозик типирчилар, ўзини яралганидан дарак бераётган муждани сезиб қолди бирдан ҳамма-ҳаммасини унутди, гўё анча вақтдан буён жонини халак бўли излаб юрган муқаддас нарсасини тасодифан топиб олгандек, қувончдан ҳам дунёга снғмай қолди.

Қора гавда гарчи, ётганда ҳам, турганда ҳам шунини ўйлаб, ўзини кўярга жой тополмай юрган эса-да, жинни қиз бу ҳақида ҳеч кимга валдираб гапириб қўймаган, гўё унинг ўзи ҳам бу тилга олиб бўлмайдиган жирканч ва мудҳиш нарса эканини жуда яхши билгандек, юрагининг туб-тубида яшириб келар эди.

Тўғри, бир гал у кўксини остидаги нозик типирчиллашга узоқ кулоқ тутиб тургач, азбаройи жўшиб кетганидан бошидан нималарни кечирган бўлса, барини оқизмай- томизмай снгирларига сўзлаб берган, шунда ҳам шунчалик оҳиста ва шивирлаб гапиргандики, айтганларини ўзи ва сигирларидан бўлак бирон тирик жон эшитмаган эди.

... Ўтга лаб урмай қўйган снгирларнинг чўзиб-чўзиб бўқириши жинни қизнинг хаёлини тўзғитиб юборди. У эринибгина ўридан кўзгалди-да, бошини кўтариб, уфққа қаради: куёш ботинига етишига ҳали анча бор эди. Аммо у ҳали вақт эрта бўлишига қарамай уйга қайтиш тарадудига тушди: бузоқчани опичлаб уйга кириб борса, янгаси гарчи суюнмаса ҳам, гавго тармаслигини у яхши билар эди.

У янги туғилган бузоқчани бағрига босиб кўтариб олди-да, уни алланималар деб эркалаганча йўлга тушди. Сигирлар ҳам бошини сарак-сарак қилиб бўқирганча унинг ордидан эргашди.

Ўша кун одамлар сартарошининг совуқда қолиб ўлган эшагининг лопини судраб, Октепа остига олиб бориб ташлашгач, орадан уч кун ўтибми, қишлоқда икки нотаниш ўспирин кириб келди. Ўспиринларнинг эгни-боши жуда юпун ва ғариб эди: қоқсуяк жуссаяларини эскигинга тўн базўр ўраб турар, қор

тизаларига довр кўмгандан оёқларига нима кийишганини билиб бўлмасди. Уларнинг юзи совуқда кўкариб кетган, някларни худди безгак тутгандек тинимсиз шакиллари ва ҳамроҳига нисбатан новчароғи эса, ўзини босолмай қув-қув йўталар эди.

Қишлоқ эса, ўлик сукунатта гарк бўлиб ётар, ҳаммаёқини қор худди кафан каби ўраб чирмаб олган, фақат ҳавода изирини чийиллаб югуриб юрар эди.

Ўспиринлар мана шундай ҳиссиз манзарага тикила-тикила қор кечиб боришаркан, қайсидир бир муюлишга етишганда ногоҳ масжиддан қайтаётган муаззинга тўқнаш келиб қолишди. Уларга кўзи тушиб, муаззин ҳам юришдан тўхтади ва қо-воқларини очмай тикилиб қолди. Аммо у қанча синчков назар солмасин, барибир, ўспиринларни таний олмади, фақат уларнинг юлун эгин бошию совуқдан дилдираб туришига қараркан, худди ўзининг ҳам эти увишиб кетгандек бирдан юз ифодаси ўзгарди.

Аслида икковлон қишлоққа бош суқнишгандан буён бирон кимсанинг қораси кўришиб қолармикин, деган ўйга гирди-атрофларига аланг-тажанг кўз ташлаб келишгаётган эди. Шу боис ҳам, улар муаззинни кўришлари билан бирдан кўзлари йилтираб кетди ва илдам-илдам қадам олганча, унга томон опшиқашди. Етиб келишгач, уларнинг бири худди томдан тараша туш-гаидек, дабдурустдан сўради:

— Утган кунни шу қишлоқда сартарошнинг эшаги совуқда қолиб ўлган экан. Ҳозир шунинг лоши қасрда?!

Оғир ўйга чўмгандек бир қиёфада тикилиб турган муаззин унинг гапини эшитиб, бирдан сергак тортди, кўзлари ўз-ўзидан катта-катта очилиб кетди ва беихтиёр бўғзидан: — Нимага эди? — деган савол қандай узилиб чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бир уй бола очликдан шишиб ётибди, шунга ... — киприк қоқмай жавоб берди бояги ўспирин.

Муаззиннинг ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди, унинг туйқус юзи буришиб, кўзлари аяғчи қисилди ва у худди йиқилиб тушишдан чўчигандек икки қўли билан ҳассасини чангаллаб ушлаб олди. Унинг бутун тани сезилар-сезилмас аснода қалтирар ва у бошини кўтариб, ўспиринларга қарашга ўзида куч тополмай турар эди.

Ўспиринларни эса, айни дамда унинг аҳвол-руҳиясию кўнглидан нималар кечаётгани мутлоқо қизиқтирмас, хатто бу ҳақида ўйлашни ҳам исташмасди, улар эшакнинг лоши қасрда эканини эшитишлари билан оёқларини қўлларига олиб, йўлга тушадигандек бир қиёфада тоқатсизланиб туришар эди.

Аммо орадан имиллаб бир печа дақиқа ўтди ҳамки, муаззиндан миқ этган садо чиқмади, у буткул ўз-ўзи билан овора бўлиб қолган ва қаршисида совуқда гезариб турган икки ўспиринни гўё унутган эди.

Бир чоғ, у қийналиб бошини кўтарди, аммо ўспиринларга қарашга ботинолмади.

— Оқтепанинг остида... — деди хирқираган овозда ва ҳассаси билан ўша томонга ишора қилиб кўрсатди.

Икковлон худди муҳим сирдан воқиф бўлишгандек бирдан жонланишди ва хайр-маъзурни ҳам пасия қилганча, ҳовликқан қўйи муаззин кўрсатган томонга қараб югуриб кетишди. Муаззин уларнинг изидан мунгайиб термулиб қолди.

Икковлон хансираб-хансираб нафас олганча, югургилаб боришар, йўл аёзда тунгиб музлаб ётганидан гоҳ сирпаниб-сирпаниб кетишар, гоҳ эса, оёқлари тойиб, гурс-гурс йиқилиб тушишар, аммо шунда ҳам бир нафас тўхтамай олдинга қараб илгарилашар ва дам-бадам хушнуд овозда бир-бирларига алланамалар деб шивирлаб қўйишар эди. Улар айни дамда ҳеч нарсани писанд этмай қўйишган эди: тобора авжга чиқиб, суяк-суякларига санчилаётган изиринининг аччиқ захрини ҳам, очикликдан бошлари гир-гир айланиб, кўз олдилари қоронғи тортди бораётганини ҳам хаёлларига келтиришмасди, фақат тезроқ Оқтепа остига етиб боришни ўйлашар ва жон-жаҳдлари билан шунга уринишар эди.

Улар ўтган кун одамлар эшакнинг лошини судраб ўтишган пайт босилиб қолган қорни мўлжал олиб юришди-да, кўз очиб юмгунча Оқтепанинг остида пайдо бўлишди. Аммо бахтга қарши кутган ва уинду илинжда шунча йўл босиб келишган "ўлжа" ўрнида қорга сингиб қолган қип-қизил қонга кўзлари тушиб, дафъатан, ҳамма-ҳаммасини англаб етишди — кимлардир аллақачон эшакнинг лошини талон-тарож қилиб кетишган эди — ва азбаройи хўрлик ва алам ҳисси босиб келганидан ўзларини туюлмай ўкраб йиғлаб юборишди.

Кеча оқшом улар қандайдир ўткинчи йўловчидан сартарошнинг эшаги совуқда қолиб, ўлгани ҳақида хабарни эшитишган ва ниҳоят, ич-этларини таталаб азоб бераётган очлик балосига чора топишгандек туни билан ухламай чиқиб, тоиғ-сахардаёқ йўлга тушган эди. Йўлга тушаётиб, қоронғи ва зах босган уйда очликдан инграб ётган ўн чоғли болани бугун сизларга албатта, бирон егулик олиб келамиз, дея қайта-қайта ишонтиришган эди. Гўдақлар ҳам маъюс жилмайганча, тезроқ қайтинглар, дея уларнинг изидан мўлтираб термулиб қолишган эди.

Қоп-қоронғи кўнгилларида бу умид ва ишонч қасрдан пайдо бўлганини уларнинг ўзи ҳам тузук-куруқ ҳам билмасди, аммо кечга томон кўлларидан бирон егулик кўтариб гўдақларнинг хузурига қайтиб боришларига негадир қаттиқ ишонишар эди. Зеро, кўнгиллариининг тубида хира милтираб турган мана шу умид ва ишонч хиссигина кўз очиргани кўймайдиган манави изиринда йиқилиб қолмай йўл босишларига далда берган, гўё уларни ҳаётнинг хатарноқ ва тахдидли сўқмоқларидан эсон-омон олиб ўтган эди.

Айни дамда эса, улар ўзларини кимдир жуда усталик билан оппа-осон алдаб кетгандек ҳис этишар ва хаёлларида чарх уриб айланаётган мана шу ўй оғир аламга айланиб бутун вужудларини ларзага солар эди. Улар юзини қафтларига босганча, эзилиб-эзилиб йиғлашар, бўғизларидан узилиб чиқаётган узун нолага ўхшаш товуш изиринининг чийиллашига қоришиб кетар эди.

Аслини айтганда, уларнинг ўзини очлик азоби — икковлон ҳам охириги марта қачон тамадди қилишганини тузук-куруқ эслаб олишмасди — ва игна каби санчилаётган совуқ аллақачон адоий-тамом қилиб қўйган эди, гарчи улар эрталабдан буён буни писанд этмай келишгаётган эса-да, энди унинг ўзи даҳшатли тарзда хуруж қилиб кела бошлаган эди.

Ҳадемай ич-ичларидан тутиб келган совуқ қалтироқ уларнинг бутун аъзойи-танини тутиб кетди, кўз олдиларини туман каби қоп-қора парда тўсиб олди ва бошлари шитоб билан гир-гир айлана бошлади. Икковлон ҳам буткул ўзини йўқотиб қўйиб, у ёқдан- бу ёққа чайқалганча оёқда базўр туришар эди. Бироқ улар худди онг-шуури буткул қарахт тортди, ҳеч нарсани сезмай қўйгандек, ўзларини аста-секин кўришаб келаётган бу ҳалокат хавфига мутлоқо эътибор беришмас, ҳамон муштларини дўлтайтириб, кўзларини эзиб-эзиб йиғлашдан нарига ўтишмас эди.

Кўп ўтмай уларнинг йиғлашга ҳам ҳоллари етмай қолди, овозлари буткул ичларига тушиб кетиб, оғир-оғир чайқалиб кела бошлади. Изирин эса, қуруқ сахту сумбати қолган бу икки гавдани йиқитишга, ер билан битта қилиб ташлашга чоғлангандек, ув тортганча зарб билан келиб урилар, чопонларининг этакларидан юлқиб-юлқиб тортқилар ва ўз ўлжасини бир ҳамладаёқ забт этолмаган махлуқ каби гувраниб-гувраниб кўяр эди.

Икковлоннинг гирди-атрофида эса, бутун борлик, рутубатли осмон, мунгайиб турган Оқтепа салобат тортди чайқалар ва чайқала туриб, худди бу икки ўспириннинг дарду изтиробидан ларзага тушгандек аста-секин ағдарилиб-тўнтарилиб, гоҳ каттариб, гоҳ кичрайиб келар, оламни босиб ётган қор қуюндек тўзиб учар, булутлар ҳар томонга пардек сочилиб кета бошлаган эди. Икковлон кутилмаганда, теграларида қўлган бу талотўпдан ўзларини сақлаб қолишга урингандек қўлларини базўр олдинга чўзганча чайқалиб-чайқалиб келишар, оёқлари эса, гўё гавдаларини кўтаравериб толиққандек аста-секин букчайиб борар, юзлари тим-тире оқариб кетган эди.

Улар буткул хушини йўқотиб, қор устига шалвирабгина йиқилишдию бирдан ҳамма-ҳаммаси тинди қолди. Атрофини тагин ўлик сукунат қоплаб олди.

Қиш оқшоми эрта чўқади: кун ҳали шомга етмай туриб, қишлоққа қоронғилик қуйилиб кела бошлаган эди. Ҳавода изиринининг чийиллаши билан бирга муаззиннинг гўё Мукқадас Чорловни эмас, балки ҳаёт талъати сўнган қишлоқ устига жаноза ўқиётгандек қайгули овози учиб юрар эди.

Тонг отиб, теварак-атрофга ёруғлик тушди. Туни ваҳима ичида базўр ўтказган қишлоқ аҳли энди тобут ростдан ҳам, аллақадёққа изсиз ғойиб бўлганига ишонибгина қолмай, балки бу кўргулик бежизга рўй бермаган, у қандайдир

мудҳиш фалокатнинг аломатидир, деган қатъий тўхтамга келган эди. Ҳамма фикру хаёлини шу ноҳуш ўй банд этиб олганидан, аллақандай саросимага тушган кўйи ҳар бир нарсасига қурқув ва шубҳа билан қарар, туйқус "тиқ" этган товушдан ҳам ўтақаси ёрилгудек чўчиб тушар эди.

Бунинг устига, шу кун эрталаб фолбин хотиннинг захардаск аччиқ фоли одамларнинг ўй-хаёлида сузиб юрган бу фикрни тасдиқлай туриб, баттар тахликага солиб қўйди.

Аслида, воқеа бундай рўй берган эди: туп бўйи ухлаёлмай алаҳсираб чиққан тегирмончининг хотини сахар-мардонлаб, бирон ёруғ гап эшитиш илинжида шундай девор-дарминён кўшниси фолбин хотиннинг ҳовлисига бош суққан эди. Фолбин хотин ўзининг кичкина уйчасида худди аза очгандек лаб-лунжини осилтириб, тумшайиб ўтирган эди. У тегирмончининг хотинини аввалига хушламайгина қарши олган эса-да, кейин бари бир, тилини тийиб туролмади, бир пастда қўнглидагини оқизмай-томизмай тўкиб солди.

— Тагин ҳам бариси худойининг ўзига аён-дир-у, — деди у уйқусизликдан қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб, — аммо-лекин ҳеч бир замонда бунақаси бўлмаган. Ўлатдан, тошқилдан, очликдан ва яна аллабалолардан бутун-бутун қишлоқлар тамом қирилиб кетганини эшитганим, аммо тобутини йўқотиб қўйган элини эшитмаганман. Худо фақат ўз назаридан қолган бандаларнинг бошига шундай дарду балони солади. Ҳаммамиз бўғзимизгача гуноҳу азимга ботиб кет-гаимиз, шунинг касри уриб, бу кўргуликка йўлқиб ўтирибмиз. Сизга айтсам, шу оқшом париларим тушимда эмас, ўнгимда ҳаммасини аён қилди: эрта эмас, индин эмас, орадан уч кун ўтибми, ерданим, қўқданми-бунисини аниқ бил-майман, ишқилиб, аллақакдан қишлоқ бошига бир офат ёғилади, бир офат ёғилади энди ҳеч ҳад-ҳисоби йўқ. Бундан бирон бир тирик жоннинг қутулиб қолиши ҳам дарғумон-ов...

Фолбин хотин бор-йўғи шу гапни айтди, кейин у қутилмаганда, кўзларини жимма юмиб олди-да, аллақайси бир дуони пичирлаб ўқий бошлади.

Бечора тегирмончининг хотини аллақачон адоён-тамом бўлиб қолган, ранг-рўйи бўзариб базўр ўтирар ва дам-бадам йиғлагудек алфозда фолбин хотинга қараб-қараб кўяр эди.

Орадан неча дақиқа ўтса ҳамки, фолбин хотиндан миқ этган садо чиқавермагач, унинг ортқиқ ўтиришга сабр-тоқати сзмади, юраги ҳаққириб кетаётганидан қурқув тўла кўзларини алағ-тажағи ўйнатиб, ўрнидан турди-да, бирдан ўзини ташқарига урди.

Ҳамма тахликага тушиб қолган шундай бир кунда у фолбин хотиннинг оғзидан эшитганларини ичига ютиб, индамай кетармиди, дейсиз?! Йўқ, албатта, тўқнаш келгангаю кўзи тушганга айтди, айтганда ҳам шундай бир ваҳимали киёфага кириб гапирдики, оқибатда, ўз соясидан ҳам чўчиб юрган одамлар нақ эси оғандек кўйга тушиб қолишди.

Эртаси кун чамаси, ҳавадан аёзининг нафаси хиёл қўтарилган пайт оёғига эрининг катта ва қўпол кирза этигини кийиб, дарёга сувга бораётган қассобнинг хотини Оқтепаннинг ёнидан ўтаётиб, туйқус совуқда тунглаб ётган икки ўспириннинг жасадига кўзи тушиди "вой!" деб чиқариб юборди ва шу захотийёк челақларини тарақлатиб, ўзини қишлоқ ичига урди.

Аммо очлик шафқатсиз зулм каби одамларни ўбдон эзгилаб, кўзини кўр, қулоғини қар қилиб ташлаган эди, кексаю ёш гўё бу дунёи дунга аввал ҳам бир марта келиб, унинг барча сир-синаотидан бохабардек, ҳамма нарсасига совуқ ва бепарқ қарар, кўнглиларида ортқиқ ҳеч нарсасига қизиқиш туймай қўйишган эди. Уларнинг назарида, ўлим ҳам бурунги ваҳимаю даҳшатини йўқотиб, оддий ва жўн бир нарсасига айланиб қолгандек туюлар, энди бу сўзни эшитиб, ҳеч кимнинг эти сесканиб тушмасди. Йўқ, тўғрироғи, одамлар кўча-қуйда, бостирмаларнинг остида ва очикдан каламушлар чийиллаб изғиб юрган бўм-бўш оморларда тез-тез пайдо бўлиб қоладиган очликдан ишшиб кетган мурдаларга кўзлари тушавериш, ўзлари ҳам гўё ўлик тузга кириб қолишган эди.

Икки нотаниш ўспириннинг қазоси тўғрисидаги хабарни ҳам ҳамма шундай жимгина қарши олди, лоақал биров, қандай фалокат боисиб, кунни битибди, деб сўрамади, зеро, бусиз ҳам

барчаси кундек аён эди.

Шу кун қассобнинг хотинидан бошқа бирон кимса Оқтепаннинг яқинига йўламади ва ўспиринларни четдан ҳам ҳеч ким излаб келмади.

Фақат кейин — орадан икки кун ўтибми, ўша кун ўспиринларга йўл кўрсатган ва шу боис ҳам, тақдир мени нега уларга рўпара қилди, балки мен айтмаганда, улар эшакнинг лоши қасрда ётганини билолмай чор-ночор изларига қайтиб кетармиди, жасадлари ҳам бунчалик хор-зор бўлмасди, деган ўйда ўзини гуноҳкордек ҳис этиб, эртаю кеч худого ёзғириб юрган муаззин ўн икки ёшли ўғлини эргаштириб, Оқтепа остига йўл олди.

Ўспиринлар ўша кун шом маҳали қандай беҳуш йиқилишган бўлса, ҳамон шундай алфозда совуқда тунглаб ётар, фақат дайди шамол аллақакдан оппоқ қор қуқунларини учириб келиб, уларни худди қафан тортгандек, бош-оёқ кўмиб ташлаган эди.

Муаззин ўғли билан тиззасигача қор кечиш, эланг-қаранг Оқтепа остига стиб келгач, ер билан битта бўлиб ётган ўспиринларга бир муддат қўнгли бузилиб тикилиб қолди, сўнг қибла тарафни мўлжал олиб, қор устига чўккалаб ўтирди-да, тиловат қила бошлади. У кўзларини юмиб олганча, пичирлаб дуо ўқир, совуқда аъзойи-баданни қалт-қалт учиб тушаётгандан овози титраб, узуқ-юлуқ эшитилар эди.

Тиловат қилиб бўлгач, у ўрнидан туриб, чопонининг этагига ёпишган қорни қоқаркан, тўрт-беш қадам нарида дам ўспиринларнинг жасадига, дам отасига кўзлари жовдираб қараётган ўғлига қорни тозалаб, Оқтепа устига йўл очишни буюрди, ўзи эса, майнлар томонга ўтирилди.

Ўспиринларнинг жасади икки кун аёз қўйида қолиб кетганидан буткул тунглаб, ерга жиппа ёпишиб қолган, уларни ажратиб олиш амримаҳол эди. Муаззин тўпнинг энгларини ҳимариб, уларнинг гоҳ оёғи, гоҳида қўлидан тутганча, жон-жаҳди билан тортқилар ва худди бир зумда ўпкаси бўзига келиб тикилгандек, ҳансираб-ҳансираб оғир нафас олар эди.

У қора терга ботган қўйи майнларини ердан ажратиб олди ва уларни бирин-кетин елкасига кўтариб, ўғли очган йўлдан Оқтепаннинг устига олиб чиқди.

Ота-ўғил оёқда тик турган қўйи бир пас нафасларини ростлаб олгач, гўр қазिशга киришди. Бироқ белкуракнини ерга икки-уч марта ургач, яна битта тўсикка дуч келганини кўриб, муаззин "дод" деб юборишига оз қолди: ер совуқнинг аччиқ нафаси қатқатига синиб борганидан белкуракнинг дамнини қайтардиган аснода тошдек қотиб ётар эди. Муаззин титраб-қақ-шаб, белкуракни устма-уст ерга ботиради, аммо шу йўча чи-ранганидан сўнг ҳам бор-йўғи бир чимдим тупроқ ушалганига кўзи тушиб, баттар тутакиб кетар ва алланималар деб гўлдираб кўяр эди. У аллақачон ҳолдан тойиб қолган эди: ҳансираган қўйи тез-тез белкуракнинг дастига суяниб нафас ростлар, ичиди худди сув қайнаётгандек оғзидан паға-паға буғ чиқар эди.

Бунинг устига Оқтепаннинг усти жуда совуқ эди, дарё томондан чийиллаб бостириб келаётган аччиқ изгирин ота-ўғилнинг баданга ништардек санчилар, юз ва кўлларини аёвсиз чимчилаб ўтар эди. Уларнинг оёқлари совуқда қарахт тортганидан худди жон тарк этгандек ҳеч нарсани сезмай қўйганди.

Бироқ айни дамда муаззиннинг шунчалик қайсарлиги тутгандики, у ҳеч нарсани тап олишни истамас, худди қисматнинг йўрнига қасдма-қасд иш тутаётгандек, ҳансираган қўйи гўр қазир, гарчи, ҳар гал бир чимдимгина ушалган тупроққа кўзи тушиб, фиғони фалакка чиқса ҳамки, белкуракни қўлидан қўйишни хаёлига келтирмасди.

Аммо бахтта қарши, муаззин барча машаққату азобини бўйинга олиб, қанча уринмасин, барибир, гўр қазिशга эмас, балки шунчаки кишининг белдан келадиган бир чуқур қазичга базўр қурби етди, ҳолос.

У чор-ночор қўлидаги белкуракни бир четга ташлаб, майнларни чуқурга ётқиза бошлади: аввал майнларнинг бирини чуқур остига узатиб унинг устига иккинчисини қўйди ва шунда маълум бўлдики, қазилган чуқур тор экан, хиёл новчароқ майннинг оёқлари ташқарига чиқиб қолди.

Буни кўриб, муаззин серрайиб туриб қолди: у амал-тақал қилиб, чуқурни яна пича кенгайтиришга ўзида зигирча бўлса-да, куч сезмас, аксинча, силласи қуриб бораётганидан кўз олди қоронғи тортди, боши гир-гир айланар, яна бир муддат шу ерда туриб қолсам, хушсиз йиқиламан, деган ўй-хаёлидан нари кетмасди. Майнларнинг устига эса шундай алфозда тупроқ ҳам тортди бўлмасди.....

Майннинг ташқари чиқиб турган оёқларига қараб

туриб, муаззиннинг кўнгли шунчалик қора тортдики, азбаройи оғиз қолганидан бошини ерга уриб, ўкраб йиғлагиси келар, ичиди ўзини шундай кўргуликка рўпара қилган тақдирга лағъат ўқир эди.

У анча пайт майитнинг ташқарига чиқиб қолган оёқларига кичрик қоқмай тикилиб турди, сўнг кутилмаганда худди нима қилиш кераклигини ўйлаб топгандек, бирдан кўзлари йилтираб кетди.

— Юзингни тескари ўгириб тур,— деди у ўғлига ўзи ҳам сезмаган тахдидли овоз билан.

Ўғли ҳеч нарсага тушунмай унга кўрқа-писа қараганча тескари ўтирилди: у отасининг авзойи туйқусе ўзгариб қолганини кўриб, кўнгли қандайдир ёмон нарсанинг шарпасини сезгандан беихтиёр дағ-дағ қалтирай бошлаган эди.

Муаззин ўғли дарё томонга ўтирилгач, кўлига белкуракни олди ва уни боши устида азот кўтарди-да, майитнинг ташқарига чиқиб қолган оёқларини мўлжал тўртиб, зарб билан урди: "кире" этган товуш эшитилди ва майитнинг оёқлари букчайиб чуқур ичига тушди. Муаззиннинг ҳам бўғзидан "хиқ" этган товуш узилиб чиқди ва у ўзини босолмай хансираганча белкурак дастига суяниб қолди.

— Тақдиринг азалдан шундай битилган экан, биродар. Менинг гуноҳим йўқ, кўлимдан нима келса, шуни қилдим,— деди у майитга қараб ва сўнг бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

Ота-ўғил майитларнинг устига тупроқ тўртиб бў-лишгач, изма-из судралиб уйга қайтишди.

Аслида, Оқтепа қабристон эмасди, фақат бу ерга қишлоқ очарчилик чангалида қолган йили икки нотаниш ўспирин ва сўнг шу қабилда ўлим топган яна бир неча кишининг жасади қўйилди.

Қош қорайиб, дўқондан хўрандаларнинг қадами узилгач, кун узоғи қимир-қимирдан дайди итдек толиққан сомсапаз нариги хужрага ўтиб, кийим-бошини алмаштиришдан олдин одат-дағидек бир уюм гижим пулларни санашга ўтирди: у пулларни лаби-лабига тегмай швирилаганча ҳафсала билан санар ва даста-даста қилиб тахтлаб, бир четга кўяр эди. Унинг қаршисига эса, худди аллақандай муҳим юмушни қойилмақом қилиб уддалаб қўйиб, энди шунинг натижасини кутаётган кимсадек шогирди гуддайиб ўтирар ва у дам-бадам кўз ости билан даста-даста пулларга қараб кўяр эди.

— Бугун пулниги чўғи паст-ку!?— деди сомсапаз пулларни санаб бўлгач, бошини кўтариб, шогирдига қараркан.

Шогирди худди ичиди шундай саволни анчадан бери кутиб тургандек, дарров бидирлаб жавоб берди:

— Одамларнинг авзойини ўзингиз кўриб турибсиз-ку!— деди у кўзларини катта-катта очиб.— Ҳамма анани йўқолган тобутнинг ваҳимасидан ўзини кўярга жой тополмай юриб-ди. Дўқонга ҳеч қачон бугунгидек кам одам келмаганди...

— Ҳм,— деди сомсапаз худди хомуза тортгандек чўзиб, сўнг алланималарни ўйлаганча ҳаёлга толиб қолди. Аммо бир нафас ўтиб-ўтмай унинг юзи қув табассумдан ёришиб кетди.— Бунга қара,— деди у шогирдига қараб, ёйилиб куларкан,— битта тобутни деб бутун қишлоқ кечадан буён худди аза очгандек хурпайиб ўтирибди-я. Товба-а, бу одамларда тоза юракдан ҳам бор эканда, ўзи, а?! Эй товба-ей, худди ўтакалари ёрилиб кетганга ўхшайди. Тобут-ку, майли, ўз йўлига, бугун йўқолган бўлса, эртага топилади, топилмай қайга боради, аммо манави одамларнинг бунча қовоғидан қор ёғишига ўлайми?! Нимани ўйлаб, бунча ваҳимага тушишди ўзи?! Ўлай агар зигирча ақлим етмайди. Бу бечоралар битта тобутни деб шунча ғам-ғуссага ботишса, эрта бир кун ўн йилдан бери ҳаром ўлган новвосларнинг гўшти солинган сомсаларни паққос таршириб келишадиганини билиб қолшса, нима қилишаркан-а?! Шу сомсаи ўзим пиширсам ҳам оғзимга солиш у ёқда турсин, афтига қарагим келмайди. Бу одамлар бўлса, эй нимасини айтмай...

— Билишмайди,— деди шогирди ишонч билан. У чиройи очилиб, яйрабгина ўтирар, афтидан, устози ўзига яқин олиб, бундай гап-сўзларни айтаётганини унга мўйдек ёқиб турарди.— Ўла қолса ҳам, биронтасининг ҳаёлига келмайди. Қайтага лаб-лўнжларини тўлдириб, ютоқиб сомса чайна-шаркан, нукул, сомсаларнинг жуда серғушда, бунақаси ҳеч қайда йўқ, деб мақташгани-мақашгани...

— Тўғри, билишмайди,— деди сомсапаз унинг сўзини тасдиқлаб.— Баъзида одамларнинг ютоқиб сомса чайнаётганига

қараб туриб, ўзим ҳам хайратдан ёқа ушлаб қоламан. Биронтанинг ҳам юз-кўзиди ўзгартириш сезилмайди, товба, оғизларида чайнаб туришган таомнинг ҳам унутиб юборишган шеклилли.

Тўқчиликданми дейман бу?! Ҳа, майли, бизга шундай бўлгани ҳам маъқул. Йўқса, манави уюм-уюм пуллар қайдан келарди?!.

Сомсапаз тағни ёйилиб кулди, у ич-ичидан хузур қилаётганидан, юзи ёришиб кетган, кўзлари айёрона чақнаб турар эди. Шогирди эса, унинг ҳар бир гап-сўзиди имо-ишорасини тасдиқлашга маҳтал бир қиёфада беўхшов илжайиб ўтирар эди.

Сомсапаз одатдагидек, шогирдига хизмат ҳақини бераётиб, кутилмаганда, тағни йўқолган тобут ҳақида гап очиб қолди:

— Қизиқ,— деди у энди ростакамига хайратга тушгандек қошларини чимириб,— тобут ўз-ўзидан қаёққа йўқолган бўлиши мумкин?! Уни биров орқалаб уйга олиб кетган десанг, кимнинг ёқасидан тутишни билмайсан киши. Эй ким ҳам уни орқалаб уйга олиб кетарди. Унда тобут қаёққа йўқол-дийкин?! Ҳар қалай, у ўз-ўзидан оёқ чиқариб, бирон ёққа кетиб қолмаган бўлса керак?! Қизиқ...— у тағни ўйга толиб қолди. Бирок бир лаҳза ўтиб-ўтмай худди энеси қотгандек оҳангда сўз қотди:

— Хўп,— деди у шогирдига тикилиб,— тобут йўқолишга йўқолибди, уни ким ўғирлаган, нега ўғирлаган — бари ёлғиз худго маълум. Аммо манави одамларнинг бунча лаб-лўнжини осилтириб олишига бало борми?! Худди эртага ҳаммани ажал қисталаб қилиб қилиб турибдию жасадлари тобутсиз қолиб кетгандек, бунчалик ваҳимага тушишимаса, а?!.

— Эрталаб фолбин хотин айтибдики,— деди шогирди худди муҳим сирни ошқор этаётгандек швирилаб— тобутнинг бундай ўз-ўзиди гойиб бўлиши қандайдир фалокатнинг белгиси эмиш. Эртаги, индинми, ишқилиб, яқин орада қишлоқ бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган одам ёғиларини. Бундан бирон тирик жоннинг омон қолгани кўзимга кўринмаяпти, деган эмиш фолбин хотин. Одамлар шунини эшитиб, баттар ваҳимага тушиб қолишибди.

— Сен бу гапни қайдан эшитдинг?!— деди сомсапаз негадир бирдан авзойи ўзгариб.

— Тушлик пайти анани жинини қизининг тоғаси кел-лудди, шунинг оғзидан эшитдим.

Сомсапаз шогирдига худди ишонмаётгандек шубҳали нигоҳ билан қарай-қарай жим тўртиб қолди: афтидан, унинг кўнглига гулгула оралаган кўринишди, ранги хийёл ўзгариб, қовоғлари солиниб кела бошлади. Бунга кўриб шогирдининг ҳам дами ичига тушиб кетди.

— Бизга нима,— деди бир чоғ сомсапаз худди тобут ҳақида ўйлайвериш безори чиққандек, овозига бепарво тус бериб,— кўлса, кўпавермайдинми ўша офати. Бу қишлоқда бизни ҳеч ким оёқ-қўлимизни боғлаб, ушлаб тургани йўқ. Керак бўлса, эртагаёқ лаш-лўнжимизни орқалаб жўнаб қолишимиз мумкин. Унда кейин, сен ҳали билмайсан, дунёда бир юртлар борки, одамлари аллақандай тобутни-побутни ҳам ўйламай худди жаннатдагидек бемалол айшини суриб юришибди. Қишлоғидан нарини кўрмаган бу одамлар бўлса, эй...

У худди ҳафсаласи пир бўлгандек қўлини жаҳл билан силтади-да, ўрнидан турди ва кийим-бошини алмаштириш учун нариги хонага кириб кетди.

Унинг сўзлари шогирдининг ҳам кўнглини кўтариб юборди, у мийғида мамнуи жилмайганча хизмат ҳақига теккан пулларни қайта санашга тушди.

Тун куюк парда тортган пайт дўқоннинг чиройи ўчди ва эшик гичирлаб очиб ёпилди. Сомсапаз ва шогирди снгил-снгил қадам олганча, тун қўйнига кириб, кўздан гойиб бўлишди.

Эрталаб снгирларини подага ҳайдаб келган ўн икки-ўн уч ёшлар чамасидаги бўй-баста теппа-тег тўрт нафар бола уйларига қайтиш ўрнига Оқтепа остига олиб борадиган тупроқли йўлга қайрилишди. Улар онг-шуурларини ҳали уйқу қарахтлиги буткул тарк этмаганданим ёки бошқа сабаб боисми, бир-бирларига сўз ҳам қотмай аллақандай маънос тортганча тупроқ кечиб боришар ва айна дамгади худди катталардек ғуссага ботган қиёфалари ёшларига мутлақо ярашмас, ўзлари ҳам шуни сезиб ўнғайсизлангандек, дам-бадам бир-бирларига ўғринча қараб

турган яланг жойда тўхташди-да, худди бу ёққа нима мақсадда келишганини унутиб қўйишгандек, тагин уйга чўмиб қолди. Улар афтдан, ҳаммалари бирдек битта сирли жумбоқ устида бош қотираётгандек, пешоналарини тириштириб, алланима тўғрисида берилиб ўйлашар, кўзларида эса аллақандай сирли нарсага шараплари сузиб юрар, аммо ҳадеганда биронтасининг чехраси ёришай демасди.

— Қишлоқда ҳам туриб бўлмай қолди,— деди ниҳоят, юзининг ўнг томонида бир тилим чандик изи қолган бола ўртага чўккан жимликни бузиб.— Ҳаммаёқни ваҳимали "миш-миш"лар босиб кетди. Уйга кирсанг ҳам, ташқарига чиқсанг ҳам шу гап. Одамнинг тоза безорини чиқариб юборишди.

— Анави йўқолган тобутни айтаяпсанми,— деди чўнкайиб ўтирган кўйи қўлидаги кесакни эрмаклар нарига отаётган сап-сарик юзли бола. У билиб туриб, атай сўраган эди. Шу бонс ҳам, саволига тузук-куруқ жавоб ололмаган эса-да, бари-бир, гапни тагин ўзи илиб кетди.

— Ростдан ҳам,— деди у бидирлаганча овозини кўтариб,— шу йўқолган тобут одамларнинг оғзидан тушмай қолди. Ваҳимаси камайиш ўрнига баттар зўрайиб борапти. Ҳар соатда битта янги гап чиқади: ундай бўлармиш, бундай бўлармиш... Қайси биринга ишонишни ҳам билмайсан Аммо калланга бундай тузукроқ ўйлаб кўрсанг жуда галати туюлади: тобутни ким ўғирлаб кетган бўлиши мумкин!?

У ўша, тобут ўз-ўзидан аллақайёққа ғойиб бўлган шомдан бўён ҳамманинг ўй-хаёлини остин-устин қилиб келаятган саволни айна дамда қайта такрорлар экан, гўё бунини биринчи бўлиб ўзи ўйлаб топгандек, гердайган қиёфада сирли илжайганча ҳамроҳларга қаради. Аммо у ўзига ҳеч ким эътибор бермаганини кўргач, бирда шаштидан тушди ва яна кесакни эрмаклар ота бошлади.

Сирасини айтганда, тобутнинг бундай сирли тарзда ғойиб бўлиши қишлоқ аҳлининг кўнгилга қанчалик кутку ва гулгула болган бўлса, ҳали она сутининг хиди оғзидан кетмаган манави болаларга шунчалик қизик ва ғаройиб туюлган эди: улар тобутни

кимдир ўғирлаб кетибди, деган ноҳус хабар қишлоққа ёйилган оқшомдаёқ бу воқеанинг гирдобига бутун бошлар билан сўнғиб кетишган, оқсоқол ва жувозкашдан сўнғ фақат уларгина қурқувни ҳам унутиб, масжид остонасини ҳатлаб ўтганча ичкарига кириб боришга журъат этишган ва кўз очиб юмгунча ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлашган, сўнгра эса, қишлоқнинг барча хилват гўшаларига бир-бир бош сукиб чиқишган, аммо ҳеч қаердан тобутни топишолмагач, ҳафсалалари пир бўлгандек бўшашиб уй-уйларига тарқалишган эди. Энди эса, бу ҳақида ҳар дақиқа эшитавериш, шунчалик безорларни чиққан эдики, ҳатто ўша, ланъати тобутнинг номини ҳам тилга олишни иштамасди.

— Қўйинглар, энди шу ҳақида бошқа гапирмайлик,— деди чандик юзли бола ўрнидан туриб, кўлларини юқорига чўзганча керишаркан. Кейин у ишайган кўйи қўшиб қўйди:— Эртага кунимиз худди тобутсиз ўтмайдигандек гамба ботиб ўтиришимизни қаранглар...

У ўзини худди катталардек тутиб айтган сўзлари ҳамроҳларига ҳам таъсир қилди шекилли, улар ҳам хиёл қизариб жилмайганча унга қарашди.

— Хўш,— деди тагин чандик юзли бола ҳамроҳларига бир-бир саволомуз кўз ташлаб оларкан,— энди ўтган гал келишиб олган ўйинимизни бошлаймизми?!

— Бўлмасам-чи,— деди болалардан бири ўрнидан туриб, буйинини чўзганча Октепа томонга қараркан.— Қушларни тўда-тўда бўлиб учишини қаранглар. Иларида ҳам роса тухумларни йиғилиб қолгандир. Бугун уларни бир доддини берайлик.

Унинг сўзларини эшитиб, ҳамроҳлари ҳам бошларини кўтариб, Октепанинг қия ён-бағридаги илларига кириб-чиқиб учиб юрган қушларга тикилиб қолишди. Уларнинг ҳаёлида қора булутдек сузиб юрган йўқолган тобут ва унинг ваҳимаси аста-секин кўтарилиб борар, кўнгилларида эса, ўйинга бўлган бетизгини иштиёқ алангаси ловуллаб ёнар эди.

— Қани кетдик,— деди чандик юзли бола ёвқур бир қиёфада олдинга тушиб йўл бошларкан.

Ҳамроҳлари тупроқ кўпчиб ётган йўлда тапур-тапур бетартиб қадам ташлаганча унинг ортидан эргашинди. Уларнинг изидан оппоқ чанг ҳавога кўтарилиб қолди.

Кўёш қишлоқ устига кўтарилиб, ҳаво ҳаддан зиёд қизиб

кетган пайт болалар салобат билан қад ростлаган Октепанинг ён-бағрларидаги қушларнинг инига бир-бир қўл сукиб, барча тухумларини териб олишди. Улар ҳаммалари бирдек афт-ангорларни буткул чангу тупроққа беланганидан худди ҳозиргина тандирдан чиқиб келган мушукка ўхшаб қолишган, гарчи қаттиқ толиқишгандан эринчоқлик билан оёқларини судраб босишга ётган эсада, кайфиятлари жуда баланд, кўлларидаги кичкина-кичкина кўкиш тусдаги қушнинг тухумларини бир-бирларига кўрсатганча, алланималар деб бақириб-чақириб гапиришар эди.

Улар эрталаб тўхташган яланг жойга қайтиб келишгач, ҳаммалари чўнтак ва кўйлақларининг этакларига солиб олган тухумларини бир ерга чош қилиб уйиб қўйишди. Сап-сарик юзли бола эса, дарров оёқларини узатиб, ерга ястаниб ўтириб олди-да, тухумларни битта-битта санашга тушди. Унинг пешонасидан реза-реза тер қуйилиб, юзини юшиб тушар, эгнидаги ранги униққан кўйлагини ҳам баданига чиппа ёпишиб қолган эди, аммо у бунга мутлақо эътибор бермас, пишиллаб нафас олганча лаби-лабига тегмай тухумларни санар эди. Ҳамроҳлари унинг боши устида тик қотганча, тухумлардан кўз узмай туришар, мабодо у ҳисобдан адашиб кетгудек бўлса, улар бирдан чуғурлашиб, шовқин кўтарганча, аниқлик киритишар эди.

— Тухумлар жами сақсонга экан,— деди сап-сарик юзли бола ниҳоят бошини кўтариб ҳамроҳларига қараркан.— Энди буларни ёнғ тўртга бўламин, у шундай деб тагин бошини куйи эгиб олди ва тухумларни қайта тақсимлай бошлади: у тухумларни йиғирма дондан алоҳида-алоҳида тўрт бўлакка ажратгач, ўзининг улушини кўйлагининг этагига солиб ўрнидан турди.

— Мана, ҳамма ўзига текканини олсин,— деди у ва бошини ўгириб Октепа томонга қараркан, беҳитибёр кўзлари қақиб кетди.— Ў, қушларни тўзғиб учишига қаранглар,— дея қичқириб юборди у.— Ўзиям, роса доддини берибмизми, а?!

Дарвоқе, Октепа бағрини иин бузилган қушлар тўдаси босиб кетган эди: улар худди қора қуюндек тўзғиб-тўзғиб учар, аянчли қичқириги эса ҳаммаёқни тутиб кетган эди. Баъзан улар ҳас-ҳашакларни осилиб ётган -бузилган иллари томон шитоб билан қанот қоққанча учиб борар, бироқ инга етай деб қолган чоғ алланимадан хуркиб кетиб, баттар қичқирганча, ҳавога кўтарилар эди. Қушлар шунчалик кўп эдики, худди қора булутдек Октепа устини қоплаб олгандан дафъатан, юқорига қараган кишига осмон кўринмасди.

— Тухумларини олиб, тезроқ Октепанинг устига чиқиш керак,— дея ҳамон энтиканча қичқирарди тухум тақсимлаган бола.— У ерда нишонга олиш жуда қулай. Қани, тез бўлинглар, йўқса, қушлар учиб кетади.

Болалар ўзларига теккан тухумларни шоша-пиша кўйлақларининг этагига солиб, Октепанинг устига олиб чиқадиган илон изи йўлакдан югуриб кетишди. Ҳансираб-пишнаб тепа устига кўтарилишгач, нишаб жойида қатор тизилиб туриб олишди-да, шундай пастда оёқлари остида тўзғиб учаётган қушлар галасини кўлларидаги тухум билан мўлжалга олиб, ота бошлашди. Улар қулочларини кенг ёзиб, тухумни зарб билан отишар ва шу заҳотиёқ кўлларига кўйлақларининг этагидан ёки чўнтақларидан навбатдаги тухумни олиб, тагин отишга шайланишар эди. Ҳар гал тухумни отиб бўлишгач, ў, меники анави қушнинг қанотларини яралаб ўтди, меники эса, бошига тегди, дея бақириб-чақириб шовқин солишар, баъзан эса, азбаройи қувониб кетишгандани, ўринларида сакраб-сакраб қўйишар эди. Шу тўбда уларнинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди, гўё қонларида мудраб ётган ёвуз ва шафқатсиз бир туйғу бирдан жунбушга келгандек, ҳамма-ҳамма нарсани унутганча қушларга тухум отишар, ёввойи ва хунук товушда қийқириб-қийқириб қулишар эди. Бу уларнинг ўзи аллақайси ақлу хаёллари билан ўйлаб топган ўйин эди.

Уларнинг тахдид ва ҳамласидан баттар хурқан қушлар Октепа бағридан нарига учиб кетди: улар энди гўё бир тану бир жонга айланиб қолгандек жипс тортиб учар, тўда бошидаги қуш қаёққа қараб қанот қоқса, ортидагилар ҳам иккиланмай унга эргашар эди. Қушлар худди бу ошиёндан мангу бош олиб кетаётгандек шиддатли-шиддатли қанот қоққанча тобора олислаб борар эди.

Болалар аллақачон тухумларини отиб бўлишган эди, улар ўзидан мамнун бир қиёфада кўлларини белларига голибона тираганча, ҳамон қушлардан кўз узмай туришар эди.

Эрталаб Октепа остига келгандан буён ҳамроҳларининг гап-сўзига кийкирикларига унча қўшилимай ўзини қандайдир сирли тутиб юрган қотма юзли бола қушлар галасига тикилиб турди-да, кутилмаганда, беписанд овозда шундай деди:

— Қушларининг ичинин бузиб, тухумларини териб олиш жуда мақтанишга арзайдиган нарса. Бу ҳамманинڭ ҳам қўлидай келиши мумкин. Мен битта нарсани биламан, ананин антика нарса деса бўлади. Кўрсаларинг оғизларинг ланг очилиб қолади.

Болалар туйқус қушлар тўдасидан кўзларини узиб, унга қарашди ва худди ҳозиргина унинг ўзи айтган антика нарса қоқсуяк жуссасига яшириб қўйилгандек, бөш-оёқ тикилиб қолишди.

— Нима бало, кесакдан ҳам олов чиқдими?!— дея пичинг қилди болалардан бири ва пиқ этиб кулиб юборди. Аммо қотма юзли бола бунга сира эътибор бермади, у ҳамон сирли жилмайиб турар, кўзларида қув ва айёр бир ифоданинڭ шарпаси ўйнар, афтидан, у ҳамроҳларини пича ялнштириб, иззатини оширишни истар эди.

— Нима экан, ўша, сен айтаётган антика нарса?!— хушламайгина сўради тухум тақсимлаган бола. Аслида эса, у ичда жуда кизикчи турар, аммо негадир сир бой бергиси келмасди.

Қотма юзли боладан тагин бирон бир садо чиқмади, у ҳамон сирли илжайганча, қотиб турар, кўзларида бөяги ифода яна-да аниқроқ ўйнар эди. У ўзини бундай таккабурупа тутиши болаларининг гагини кўзга тиб юборди, улар пича муддат нидамай тикилиб туришди-да, сўнг порозин овозда тўнғиллай бошлашди.

— Сен доим шундай қиласан,— деди тухум тақсимлаган бола хезлангандек важоҳат билан унга қараркан,— бир нарсани учини чиқариб қўясан-да, сўнг дамингни ичингга ютиб тураверасан. Аслида эса, арагани курук олиб қочасан, ҳеч қандай антика нарсани билмайсан.

— Биламан,— деди қотма юзли бола худди ҳамроҳлари кетиб қолишдан чўчигандек бирдан шаштидан тушиб.— Майли, айтаман айта қолай: тунов кун жувозкаш ананин срдан,— у тўрт-беш қадам наридаги тупроғи қазиб олинган чуқурни кўрсатди,— тупроқ қазинётганди, олдидан бир тўда суяклар чиқиб қолди. Хаммаси одамнинг суякларини. Жувозкаш суякларини ҳар томонга отиб-отиб юборди-да, тупроғини қазийверди. Мен шу атрофда ўйнаб юргандим. Жувозкаш тупроқ тўла қопини эшагига ортиб уйига кетгач, суякларини хаммасини йиғиштириб олдим-да, бир жойга яшириб қўйдим.

— Агар ростдан ҳам, одамнинг суякларини бўлса, жуда галатни-ку,— деди чандиқ юзли бола ҳамроҳларига қараб оларкан.

— Сен айтган суяклар одамники бўлмаслиги ҳам мумкин,— деди тухум тақсимлаган бола негадир ишонқирамай.— Чунки Оқ тепа ҳеч қачон қабристон бўлганмас. Шундай бўлгач, одамнинг суякларини бир ерга қасрдан келиб қолади?!.

Унинг анча жўялидек туюлган эътирозин ҳамроҳларига ҳам таъбир қилди, шекилли, улар тагин суякларининг хужайинига саволмуз қарашди.

— Йўқ, суяклар ҳақиқатан ҳам, одамники,— деди суякларининг хўжайини жуда ишонч билан.— Мен буни аниқ биламан. Чунки суякларининг орасида иккита бөш чанок ҳам бор. Ишонмасанглар мен билан бирга юринглар, хаммасини ўз кўзларинг билан кўрасизлар.

У шундай деб Октепанинڭ кунботар тарафига қараб юрди. Болалар ҳам беихтиёр унинг ортидан эргашинди: энди ҳеч ким бахшашмай қўйган, хаммани галати бир кизикчиш чўлғаб олган эди.

Улар қия тортган йўлакдан пастга-хилват майдонга энишгач, икки қадамча олдинда бораётган суякларининг хўжайини қадамни янада тезлаштирди-да, майдон четидидаги хиёл дўнғайиб турган жойга борди ва тиззалаб ўтириб олганча, тупроқни пайнаслаб қовлай бошлади. Болалар ҳам бирдан унинг атрофини қуршаб олиб, нафасларини ичларига ютганча, у қовлаётган жойдан кўз узмай қолишди.

Суякларининг хўжайини тупроқни бир кур сидириб ташлагач, ростдан ҳам, унинг остидан сарғиш тусдаги йўғон-йўғон суяклар кўзга ташланди. Суяклар ҳали шикаст-рехта стмаган, деярли бус-бутун эди, фақат узоқ вақт тупроқ остида ётганидан нам тортиб, сарғиш тусга кириб қолган эди.

Суякларининг хўжайини худди ҳамманинڭ ақлу хушини ўғирлаб қўядиган мўъжиза кўрсатаётган сеҳргар каби гердаган

қиёфада мамнун жилмайганча, суякларни битта-битта олиб, боши устида турган ҳамроҳларига узата бошлади. Болалар ҳадик ва куркув билан сесканиб-сесканиб суякларни қўлларига олишаркан, кўзларини катта-катта очганча тикилиб қолишди: улар гўё суякларда бир қарашдаёқ хаёлини остин-устун қилиб юборадиган гаройиб нарса яшириб қўйилгандек, нафасларини ичларига ютганча, киприк қоқмай тикилишар, у ён-бу ёнга айлантриб, синчков разм солишар ва пешоналарини тириштириб алланималар тўғрисида ўйлашар эди.

Суяклар оддий эди, фақат бу суяклар одамники, деган ўй болаларни куркув ва ҳайрат ичда ушлаб турар ва шунинг баробарида, уларнинг кўнглида шубҳага ўхшаш нарса гимирлаб юрганидан, суякларининг хўжайинига дам-бадам ишонқирамагандек кўз ташлаб қўйишар эди.

— Мана шу суяклар ростдан ҳам, одамники эканига ўлай агар, сира ишонгим келмаяпти,— деди чандиқ юзли бола кўнглидаги шубҳасини яширмай.— Яна ким билади, балки одамникидир?...

— Агар ҳақиқатан ҳам одамники бўлса, унда мен умрида биринчи марта одамнинг суякларини кўлимда ушлаб турирман, деди сап-сарик юзли бола беўхшов илжайганча.

— Манави суякнинг катталигига қарапглар,— деди тухум тақсимлаган бола кўнглидаги йўғон суякни ҳавога силкиб кўрсатаркан.— У одамнинг қаерида жойлашганкан?!.

— Болдир суяк бўлса керак,— дея тахмин қилди суякларининг хўжайини. Бироқ у ўзининг бу тахминига ҳам унчалик ишонмай турарди шекилли, кимдир эътироз билдириб қолишдан чўчигандек, ҳамроҳларига бир-бир қараб олди.

— Одамнинг суяги эшакникига жуда ўхшаркан,— деди сап-сарик юзли бола кўнглидаги суякдан кўзини узмай.— Ўтган йилги подачининг жарга кулаб тушиб, ўлган эшагининг суякларини ҳам худди шундай эди. Фақат эшакнинг суякларини ранги пича оқшироқ эди...

— Одамнинг суякларини тупроқ остига ётаверганидан шундай рангга кириб қолган,— деди тухум тақсимлаган бола.— Эшакни кўмини ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Улар шу тарзда гаплашишаркан, хаёларинда айланаётган бөяги ҳадик ва куркув хисси ўзлари сезмаган ҳолда, аста-секин кўтарилиб борар ва назарларида, энди суяклар ҳеч қандай сирли жойи йўқ, оддий ва жўн бир нарсага айланиб қолгандек туюлар эди. Шунинг баробарида, уларнинг хайрат аралаш кизикчишлари ҳам сўниб қолган, суякларини худди куриган дарахт шөхи сингари шунчаки эрмакка қўлларини тутиб туришар эди.

— Бу суякларини энди нима қиламиз, деб қолди бир чоғ суякларининг хўжайини хавотирга тушгандек овоз билан. У афтидан, суякларини шундай ташлаб кеттисен келмай турар, бунинг устига ҳамроҳларининг кизикчиши сўниб, эътибор бермай қўйгани ҳам унга ёқмаётган эди.

— Менинча, бу суякларининг музейга олиб бориб топширмасанг керак,— деди тухум тақсимлаган бола масхараомуз овоз билан.— Музейга кўтариб борадиган бўлсанг ҳам, барибир қабул қилишмайди. Улар ўзларига керак бўлса, истаганча қазиб олишаверади. Бу суякларининг энди итларнинг олдига ташласанг, улар ҳам қайрилиб қарамайди. Уларни истаган ташлаб юбор, истаган ўйингга олиб бориб, яшириб қўй, кези келса, тўдақларга кўрсатиб мақтапасан.

— Не, айтгандек,— деб қолди чандиқ юзли бола кутилмаганда, ҳовлиққан овоз билан,— биласизларми, мен одамнинг суягида фосфор бўлади, деб эшитганман. Фосфор эса, гугурт чаққан захотинг мойдек лов этиб ёнади. Бу суякларини ҳам бир ёкиб кўрмаймизми?!.

У сўзини тугатаркан, ҳамроҳларига саволмуз қаради. Унинг сўзлари болаларнинг кўнглида бирдек кизикчиш уйғотиб юборди, шекилли, ҳеч эътироз билдирмади ва улар шу захотнэк гулхан ёкиш тарадудинга тушиб қолишди. Улар шу яқин атрофда ўсган ва қуёшнинг оловли тафтига дош беролмай аллақачон қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланларни йиғиштириб бир жойга тўплашди. Қайсидир бир боланинڭ чўнтагидан қутиси унинг қетиб, доналари сочылган гугурт ҳам топилди ва орадан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай каттагина гулхан ловуллаб ёна бошлади.

Суякларининг хўжайини бөя ўзи болдир суяк, деб тахмин қилган йўғон суякни тантанавор қиёфада қўлларини тутиб, гулхан қаршисига келди ва уни олов қўйинига ташлади. Болалар



аллақачон гулхан атрофини қуришар олишган ва нафасларини ичларига ютиб, суякдан кўз узмай туришар эди.

Дарвоқе, суякда болалар, тахмин қилган ўша, фосфор йўқ эмас, бор эди: суяк иссиқ таъсирида қизиб ҳавоси сурилиб чиққач, бирдан лов этиб ёнди-ю, аммо шу лаҳзанинг ўзида ўчди қолди. Бу ҳол бор-йўғи бир дақиқага чўзилди, ҳолос.

— Ана, кўрдингларми, лов этиб ёнди, сизларга айтгандим-ку, фосфор бор, деб. Гапим тўғри эканими?! — деди чандиқ юзли бола қичқиргудек овоз билан. У ўзининг тахмини тўғри чиққанидан қувончи терисига сиймай кетган эди. Аммо унинг қувончига ҳеч ким шерик бўлмади. Болалар боя олов қаърида ётган суякка кўзлари тўрт бўлиб тикилишаркан, ҳали ўзлари ҳам тузук-курук тасаввур этолмайдиган қандайдир ғайритабиий воқеа юз беришини куттишган эди. Бироқ бахтга қарши суякнинг бундай оддийгина лов этиб ёниши уларнинг ҳафсаласини бирдан пир қилиб юборган эди. Шунинг учун улар қолган суякларни бирваракайига оловга ташлашди-да, қандай ёнишини кузатишга ҳам сабрлари чидамай нарига кетишди.

Кўп ўтмай гулхан ҳам ўчиб қолди, ундан кўтарилаётган тутун эшилиб-эшилиб кўкка ўрлар эди. Кун нақ қиёмига етган, қуёш худди борлиқни ёндиришга қасд қилгандек, аёвсиз нур сочар, унинг тигида бир нафасгина ҳам туриб бўлмасди. Болалар қаттиқ толқишган, устига-устак, қоринлари ҳам очикқан эди. Улар ланж тортган қиёфада қадамларини судраб босганча, уй-уйларига қайтиш учун йўлга тушишди.

Бироқ улар ҳали ўн қадамча юриб улгурмай гулхандан кўтарилаётган тутунга қарай-қарай орқада келаётган тухум тақсимлаган бола кутилмаганда, худди энг муҳим нарсани унутиб қолдиргандек, ҳовлиққан овозда сўраб қолди.

— Сен боя одамнинг бош чаноклари ҳам бор, деган эдинг, — деди у суякларнинг хўжайининг қараб. — Қани, кўрсатмайсанми?! Ё бизни бошлаб лақиллатдингми?!

Унинг овозини эшитиб, ҳамроҳлари ҳам юришдан тўхташди ва бошларини ўгириб, суякларнинг хўжайинига қарашди.

Суякларнинг хўжайини бу сафар ўзини тарозига солиб, уларни ортиқ ялнитириб ўтирмади, фақат ўзларинг индамай-нетмай кетиб боряпсизлар-ку, дегандек иддаоли нигоҳ билан бир муддат тикилиб турди-да, сўнг шартта ортига қайрилиб, майдон четига-боя суякларни қовлаб олган жойга томон югургилаб кетди.

У майдон адоғига етиб боргач, худди боягидек тиззалаб ўтирди-да, тупроқни кўллари билан пайпаслаб, қовлай бошлади.

Бир чоғ у икки кўлида иккита дум-думалоқ нарсани тутиб ўрнидан турди ва шошиб ҳамроҳлари томон ўгириларкан, ўзини туюлмай қичқириб юборди:

— Мана-а!

У боши устида тутиб турган ва тинмай ирғишлаганча силкитаётган одамнинг бош чаноклари ростдан ҳам, кўзга жуда совуқ ва хунук ташланар, айниқса, умри бино бўлиб бундай мудҳиш нарсага илк марта кўзи тушаётган болаларни бирдан қурқувга солиб қўйган эди. Болалар ранг-рўйи учганча, ўринларида таёкдек қотиб туришар, биронтаси қимир этишга ўзида журъат сезмасди. Уларни қурқувга тушиб қолганини ҳали узокдан-оқ пайқаган суякларнинг хўжайини худди оғзининг таноби буткул қочиб кетгандек тинмай илжаар ва алланималар деб бақириб-чақирар эди.

— Ха-ха-ха! Юракларинг чиқиб кетдими! Чўчимай яқинроқ келаверинглар, тишлаб олмайди!

Унинг айна дамдаги қиёфасию сўзларида зигирча бўлса-да, сесканиш ёки ҳадик аломати сезилмас, гўё кўлларида одамнинг бош чаноклари эмас, балки қандайдир ғаройиб ўйинчоқни тутиб олиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб мақтанаётгандек, бош чанокларни ҳавода силкиб-силкиб ўйнар, аллақандай беҳишов қилиқлар қилиб кўрсатар ва тили шунчалик бийрон тортиб кетгандики, тинимсиз бидирлаб гапирар эди.

Охийри, унинг бақириб-чақириб оғзи чарчади ва у ҳамроҳлари қурқувга тушиб қолганини, икки дунё бир келса ҳам олдинга бир қадам юрмаслигини, офтобнинг тигида шундай қотиб тураверишини сездии шекилли, норози оҳангда тўнғиллаганча, улар томонга ўзи юриб кела бошлади.

Болаларнинг назарида, бош чаноклар қанчалик қўрқинчли ва ваҳимали кўринса, шунчалик сирли ва қизик ҳам эди. Шу боис ҳам, суякларнинг хўжайини икки бош чанокни икки кўлига тутганча етиб келгач, ҳеч ким қочиб қолиш пайига тушмади, балки

чўчиб-чўчиб бўлса-да, унинг атрофини ўраб олишди. Суякларнинг хўжайини эса, ўзини буткул эркин тутар ва алланималар деб ҳамроҳларига далда берар ва шунинг баробарида, уларнинг устидан дам-бадам қотиб-қотиб кулашни ҳам эсдан чиқармасди. У керилаётганини сира яширмас, ўртада қаддини фоз тутиб турганча, худди ўзининг ғаройиб кашфиётининг тушунтираётган олим сингари кўрсаттиб бармоғи билан бош чанокдаги тешикларни кўрсатаркан, манави тешиклар кўзининг ўрни, манависи эса оғзиники, дея тинимсиз жаврар эди.

Унинг тилини бундай бийрон қилиб турган совуқ ва шафқатсиз журъат аста-секин ҳамроҳларига ҳам ўтди ва улар ҳадемай қурқувни ҳам буткул унутиб қўйишди: энди бош чанокларни эмин-эркин кўлларида ушлашар, тешикларни бармоқларини суқиб кўришар ва хатто тўсатдан бир-бирларининг юзига тутиб, "Ваҳ-х..." дея қўрқитмоқчи ҳам бўлишарди.

— Буниси ростдан ҳам, жуда ғалати экан, — дея тан олди сап-сарик юзли бола. — Анави суякларнинг бунинг олдида ҳеч нарсга арзимайди. Кўринишини қаранглар, қандай ваҳимали, кўзи тушган одамнинг юраги чиқиб кетай дейди.

— Шу кўринишда сен айтаётгандек жуда ваҳимали эмас, — деди тухум тақсимлаган бола. — Биласизларми, ҳозир бош чанокларига қараб туриб бошимга ғалати фикр келиб қолди. Кечкурун латтадан шам ёқиб, манави бош чанокларнинг ичига солиш керак. Шам ловиллаб ёна бошлагач, бош чанокдаги тешиклардан олов отилиб чиқади. Шундан бош чаноклар худди одамхўр девга ўхшаб қолади. Кўзи тушган одамнинг ўтақаси ёрилиб кетиши турган гап. Шу туришда...

— Эй болалар, — дея унинг сўзини бўлди чандиқ юзли бола бўйини чўзиб Оқтепанинг нариги томонидаги тупроқли йўлга қараркан, — анави томондан жинни қиз ўтиб кетаяпти. Бош чанокларни биттасини беринглар, бориб бир кўрқитайчи, нима қиларкин.

— Ма, кўйинига солиб ол, яқинига боргач, бирдан юзига тутасан, — дея ўргатди суякларнинг хўжайини.

Чандиқ юзли бола бош чанокни кўйинига солишга чўчиди шекилли, уни орқасига яширганча, тупроқли йўл томон югургилаб кетди.

Жинни қиз ҳамон ўша шодон ва қувноқ қайфиятда бузоқчасини бағрига босганча, иланг-биланг қадам ташлаб келар, икки сигири ортидан эргашган эди. У сирли ишшайганча Оқ тепа тарафдан чиқиб келган болага кўзи тушиб, худди қандайдир шумлиқни кўнгли сезгандек, бирдан қовоқларини солиб олди. У чамаси, бу бола бузоқдани топиб олмоқчи, деган ҳаёлга борди чамаси, бузоқчасини бағрига қаттиқроқ босиб, чандиқ юзли болага ўқрайиб қаради.

— Ҳа, сигиринг тўғдими? деди чандиқ юзли бола худди авраётгандек мулоҳим овоз билан.

— Қоч йўлдан, барибир бузоқчамини сенга бермайман, — деди жинни қиз ўшқирганча.

— Менга бузоқчанг керак эмас. Сенга битта зўр нарса кўрсатайми? Мана, бунга бир қара, — у шундай дея орқасида яшириб турган бош чанокни шартта чиқардию жинни қизнинг юзига тутди ва тишларини иршайтириб "ваҳ-х..." деди илондек вишиллаб.

Жинни қиз гарчи, чандиқ юзли боланинг кўлидаги нима эканини тузук-курук кўрмаган эса-да, бари-бир, бирдан кўзлари олайиб кетди ва: — Йўқол, жинни, — дея жон ҳолатда бақириб юборди-да, бузоқчасининг слқасига юзини босганча ўзини олдинга урди. Сигирлари ҳам безовта тортиб, бўқирганча, унинг изидан шаталоқ отиб чопди.

Болаларнинг Оқтепа остидан эшитилган ёввойи қийқирғи ҳаммаёқни тутиб кетди.

— Тошошнинг қизғи ҳали тунда бўлади, — деб қичқирди чандиқ юзли бола уларга қараб.

Иккинчи кун ҳам қишлоқда аҳвол ўзгармади: на бирон жойдан йўқолган тобутнинг дарағи чиқди ва на фолбин хотин элдан бурун башорат қилган, ҳали рўй бермай туриб, ҳамманинг хаёлини алғов-далғов қилиб ташлаган бале-қазо юз кўрсатди. Кун худди оғир туш каби таҳлика ва ваҳимага фарқ бўлиб ўтди.

Фақат учинчи кун эрталаб қиллоқда худди бу дарду балонинг чора-аъмоли топилгандек, фавқулодда бир жонланиш пайдо бўлди. Албатта, бу бежизга эмасди: ўша тобут ўз-ўзидан аллақайеққа ғойиб бўлган шом палласидан буён ҳеч кимга қорасини кўрсатмай келаётган оқсоқол шу кун эрталаб кутилмаганда, янги тобут ясашни буюриш учун устанинг уйига йўл олган эди.

Дарвоқе, оқсоқол ўша кун мой тўла челагини кўтариб, ҳовлисига кириб келгандан бери ёлғиз ўзи уйга қамалиб олиб, кечаю кундуз тинмай ақл-бовар қилмас бу ўғирлик устида бош қотирган, унинг безовта ва ўжар ўй-хаёллари кириб чиқмаган бирон бир кўча қолмаган, аммо қанча ўйламасин, бари бир, кўнглига таскин берадиган бирон жавоб топа олмаган ва охири-оқибат, бу ўғирликда одамзот бөласининг қўли йўқ, деган қатъий хулосага келган эди. Бу унинг уч кечаю кундуз бош қотириб, ниҳоят, ўзи ич-ичидан тан олган сўнги хулосаси эди.

У ўзи сира шубҳа қилмай кўйган бу ўйни ҳам ҳали кўнглини ёриб, бирон бир кимсага айтмаган эди, зеро, кўнглидагини тўкиб солгани билан дарду дунёси энгил тортмаслигини, қайтага ўз соясидан ҳам чўчиб юрган одамлар баттар уввос тортиб юборишни у яхши билар эди.

Бунинг устига унга бошқа бир нарса сира тинчлик бермасди: у қишлоқнинг оқсоқоли эди. Узоқ йиллардан буён одамлар ўртасидаги энг майда можаро ҳам фақат унинг амру ишораси билан ҳал бўлиб келар, ҳамма нарсанинг сўнги хулосасини у айтар ва бунга бузишга, ҳеч қурса, жиндек ўзгартришга ҳеч кимнинг ҳадди сизмасди. У йиллар давомида қишлоқнинг далил-гулли, содда ва айни чоғда, ўлардек қайсар одамларнинг ҳеч қандай куч инкор эта олмайдиган темир сардорига айланган эди.

Қишлоқ ахли гарчи тобут ўз-ўзидан аллақайеққа изсиз ғойиб бўлганини кўриб қаттиқ саросимага тушиб қолган эса-да, бари бир ҳали буткул умид ва ишончини йўқотиб қўймаган, ҳамма сабрсизлик билан оқсоқолдан кўнглига ёруғлик олиб кирадиган бирон-бир гап чиқшини кутар эди. Оқсоқолнинг ўзи ҳам азбаройи шунга ич-ичидан ҳис этгандан, чор-печор устанинг хузурига бўйинини эгиб боришга мажбур бўлган эди.

У хушсиздек бир қиёфада пойинтар-сойинтар қадам ташлаганча, устанинг уйи томон кетиб борааркан, бари бир, кўнгли таскин топмаган, ичи чироқ ёқса, ёришмасди: ў гарчи, табиатан ирим-сиримларга унчалик ишонмас-да, хаёлида айланаётган янги тобут ясаш бошқа бир фалокатни бошлаб келмасмикин, деган ўйдан қийналиб турар эди.

У устанинг уйига кириб боргач, қовоғини ҳам очмай куруққина ҳол-аҳвол сўрашган бўлди-ю, дарров мақсадга кўчиб кўя қолди.

— Қишлоқда юрган гап-сўзлардан хабаринг бўлса керак, — деди у устага маъноли қараб оларкан. — Мана, бугун тобутнинг йўқолганига уч кун бўлди. Аммо бирон жойдан дараги чиқмади. Бундан кейин ҳам чиқмас керак. Ўзинг биласан, мен шу қишлоқнинг оқсоқолиман. Ҳамма ичи пишиб, бирон чора ўйлаб топшини кутиб ётибди. Энди беҳосият бўлса ҳам янги тобут ясайсан. Ўйлаб-ўйлаб шундан бошқа чора тополмадим. Эрта бир кун худо бировни бандам, деса, тобутсиз бошимизни қайеққа урамиз. Мен ҳаммасидан кўра шундан кўрқаман.

— Қандай кунларга қолдик, ўзи?! — уста ҳам юрак-бағри эзилиб турган кимсадек бирдан дарди ҳол қилишга тушди. — Ўйлавериб, одамнинг боши ғовлаб кетади. Ҳеч ақлга сиздириб бўлмайди: кимга керак бўлиб қолдикин бу тобут?! Товба, худодан кўрқмайдиган ҳам кўпайиб кетди, бизни шуларнинг касри урди, оқсоқол. Отам раҳматли айтиб кетган эдилар: шу йўқолган тобутни бобомнинг бобоси аллақайеқ бир замонда минг йиллик арча дарахтидан ясанганакан. Ўзингизнинг хабарингиз бор: жуда пишиқ тобут эди, шунча йилдан бери ҳали бирон марта кире этганини биров эшитгани йўқ. Йўқса, озмунча майит кўрдими?! Раҳматли бобомни-ку, худо ёрлақанаганакан, у йўқолганининг ўрнига эмас, тобут керак бўлгани учун ясаган. Бундай кўргулик, тақдир у пешонанинг шўрлигини қарангки, менинг елкамга тушиб турибди. Ростини айтсам, шу янги тобут ясашга сира қўлим бормапти, бошқа иш буюринг қилай, аммо шу...

— Мен сенга эрмакка янги тобут ясагин, демайман, — деди оқсоқол бирдан тутаққанча унинг сўзини бўларкан. — Ўзим ҳам билиб турибман шунга хосиятсиз эканини.

Уста унинг авзойи ўзгариб қолганини кўриб, бирдан муросага келди.

— Начора, — деди у бўйинини эгиб, — буюрсанг ясайвераман. Гуноху саовиб ҳаммамизнинг елкамизга тушади.

Оқсоқол унга бошқа ҳеч нарса демади, қисқагина хайр-хушлаган бўлди-ю, ҳовлидан чиқа бошлади. Уста уни дарвозагача кузатиб қўйди.

Шу кунга эрталаб устанинг оқсоқолга куйиб-пишиб айтган сўзларининг бариси ёлғон эди: аслида, унинг ўзи оқсоқолнинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутиб турган, кўнглида янги тобут ясашга бўлган иштиёқ жуда баланд эди. Ўша, фалокат кўпиб, тобут ўз-ўзидан аллақайеққа ғойиб бўлган шомдан буён у уззу кун шу тўғрисида ўйлар, азбаройи юраги тошиб кетганидан ўз бошича янги тобут ясашга киришиб кетишдан ўзини базўр тийиб келар эди.

Тўғри, тобут йўқолгани ҳақидаги совуқ хабар қулоғига чалинган маҳал у кўрқмади эмас, кўрқди, ҳатто юраги безовта тортиб ўйнаганидан уйдан ташқарига чиқолмай қолди. Аммо кейин эс-хушини сал йиғиб олиб, танига дурусроқ ўйлаб кўрса, бир кунда номи элнинг оғзига тушиб, бу бало-қазони дафътадиган ягона халоскорга айланганининг айни мавриди келган экан. Чунки қишлоқда ундан ўзга қўлидан иш келадиган уста йўқ эди, мабодо йўқолган тобут топилмайдиган бўлса, оқсоқол унинг олдига бўйин эгиб келишини, унамаган тақдирда оёғига бош уришдан ҳам тоймаслигини у жуда яхши билар эди. У мана шундай ўйдан сархуш бўлганча, оқсоқолнинг келишини кўзларитўрт бўлиб кутиб юрган эди. Охир-оқибат ҳаммаси ўзи олдиндан ўйлаган ва кутгандек бўлиб чиқдию унинг орзулари бирдан мавж уриб кетди.

Оқсоқол ҳовлидан чиқиб кетган заҳотиёқ у устахонасига кирди ва ҳафсала билан энг ҳимариб, тобут ясашга тушди: анча пайтдан буён кўз қора чуғидек асраб-авайлаб келаётган ноёб тахта-ёғочларини ҳам аямади ва кун ҳали чошгоҳга етмай туриб, салобатли тобут ясади.

Сўнгра эса, нафас ростлашга ҳам сабри чиндамай чала туғилгандани бир кўзи йилга ва ақли ҳам бир оз катис ўғли билан янги тобутни кўчалардан намоёншкоруна бир тарзда кўтариб ўтиб, масжид айвонига кўйиб келди.

Нима ҳам бўларди, ҳа, шундай: эрталаб оқсоқол устанинг хузурига йўл олгандан буён шу дақиқани юраги пўкиллаб кутиб турган қишлоқ ахли бирдан энгил тортди қолди, биргина янги тобутнинг ясалishi шарофати билан худди куёшининг оловли тафтида ердан зах ва ҳовур кўтарилгандек, уларнинг ўй-дунёсида уч кундан буён танда кўйиб олган ва ҳар дақиқада саросимага солиб турган қурқув ва таҳдид шарпалари бир зумда аллақайеққа ғойиб бўлди. Ҳамма ўзини худди боши устида қалқиб турган мудҳис фалокатга чап бериб қолгандек ҳис этар ва ваҳимадан халос бўлган кўнглилари бўшашиб кетганидан йиғлагиси келар эди.

Баъзиларга эса, энди ўртадан қўрқув ва таҳлика пардаси кўтарилиб қишлоқ оёсийта нафас ола бошлагач, уч кун ичидан нимакин рўй бериб ўтган бўлса, ҳамма-ҳаммаси ва ҳатто одамларни бир қадар шошириб қўйган фолбин хотиннинг фолли ҳам жуда жўн ва чўпчакдек қулгули бўлиб туюлар ва ўзлари бунга қандай қилиб лаққа ишониб қолишганига хайрон бўлишар эди.

Ҳаммадан қассобнинг қувончи терисига сизмасди: у бир hafta бурун ўғлининг никоҳ тўйини айнан мана шу оқшом ўтказишни мўлжаллаб қўйган ва аллақачон тўй тараддудини бошлаб юборган эди. Аммо бу орада, кутилмаганда, тобут ўз-ўзидан аллақайеққа ғойиб бўлиб, қишлоқ ахли ғам-ғуссага ботиб қолганини кўриб, у: "Озиб-ёзиб ниҳат қилган тўйини ҳам таътимайдиган бўлди, пешонам шўр бўлмаса, шундай кунда элнинг кўнглини овлайманми", дея зорланиб юрган ва ноилож тўй муддатини кечиктириш пайига тушган эди. Бироқ янги тобутнинг ясалishi унинг сўниб бораётган орзу-умидларини қайта аланга олдириб юборди: у шундан кўнгли қувониб кетиб, бисотидаги бор-йўғини аямай тўй дастурхонига тўкиб солди, тўйни тўй эмас, нақ базму жамшидга айлантдириб юборди. У аллақайеқдан бошлаб келган кўш қарнайю сурнайчилар гўё тўйин эмас, мусибатдан омон қолган қишлоқнинг шаънини

олқишаётгандек роса қулоқни қоматга келтириб чалишди.

Дарвоқе, тахлика ичида кечган уч кун одамларнинг асабини қақшатиб, безорини чиқариб ташлаган, айни дамда, ҳамма кўнглида шундай бир зиёфатга тийиксиз майил сезар эди. Шу боис ҳам, оқшом чўкиши билан қишлоқнинг ҳар тарафидан одамлар тўда-тўда бўлиб қассобнинг ҳовлисига оқиб кела бошлади.

Тўй дабдаба билан бошланди ва шу алфозда алламаҳалгача давом этди. Тонг отишига бир баҳя қолганда меҳмонлар бир-бирларини суяб, қоқиниб-туртинганча уй-уйларига тарқалишди.

Аmmo қассобнинг ҳовлисида тўйнинг сас-садоси тиниши билан қишлоқ бирдан жимжит тортиб қолмади, балки болалар ўша кун Оқтепаннинг остида пинҳона келишиб олишган ўйинларини мана шу тунда намойиш этишди. Улар қассобнинг ҳовлисида тўй шодийенаси поёнига етай дсб қолган чоғ ичига мойга бўктирилган латта солинган бош чанокларнинг бирини чойхонанинг томига, иккинчисини эса, оқсоқолнинг дарвозаси устига осиб қўйиб, ўт ёқингача, ўзлари бирдан зум ғойиб бўлишди.

Бош чаноклар ичидаги мойга бўктирилган латта ловуллаб алаанга олгач, зим-зиё тун қўйни бирдан ёришиб кетди ва даҳшатли манзара зоҳир бўлди: бош чаноклардаги тешиклардан олов вишиллаб отилиб чиқар ва чойхона томи ҳамда оқсоқолнинг дарвозаси устида худди одамхўр дев танда қўйиб ўтирганга ўхшар эди.

Ҳа, кўркса кўркқулик манзара эди бу. Аммо қассобнинг ҳовлисида тўй алақачон поёнига етган, тун оғушга чўмган қишлоқ жимжит эди.

О, йўқ, ҳаммаёқни бирдек тун сукунати қоплаб олганга ўхшамайди, бош чаноклар ловуллаб ёнган сайин ерданми, кўкданми, ишқилиб, аллақайёқдан кимнингдир тушунарсиз овозда гўлдирагани эшитила бошлади. Йўқ, йўқ кимдир гапирётгандан кўра оҳ-воҳ тортиб нола қилаётганга ўхшайди. Ана, унинг овози аста-секин тиниқ тортиб, тун қўйнидаги сукунати бузаёпти:

— Вой, бошим-ей, ҳозир таре иккига бўлиниб кетади. Бунча тошбағир бу одамлар, тупроқ остида тинчгина ором олгани ҳам қўйишмайди. Вой бошим-ей, ҳозир ёрилиб кетади...

— Менинг бошим сеникдан бешбаттар азобга қолди. Бунинг олдида дўзахнинг ўти ҳам ҳеч гап эмас, суяқларим қуйиб, қире-қире синиб тушяёпти. Вой, бошим-ей, бунча азобга солмаса бу одамлар...

— Асли ўзимизнинг пешонамиз шўр экан, на у дунёсида жонимиз жиндай роҳат топди, на бу дунёсида. Кўрганамиз нуқул азоб, азоб... Биз ахир ҳеч қандай гуноҳга қўл урмагандик-ку, нега бунча қийнашадим?!

— Рост айтдинг, асли толенамиз шўр яралганакан. Бу дунёга рихлат қилган кун эсингдами?! Ўша изғирин қутуриб турган кун иккимизнинг жасадиимизни худди ҳайвоникни каби тепиб-тепкилаб битта чуқурга кўмишган эди. Мен-ку, ўша пайтда жонимни яратган эгамга топшириб, барча азоб-укубатдан халос бўлиб олгандим. Аммо сенинг жонинг ҳали чиқиб улгурмаган, танингда безовта тортиб, гимирлаб юрарди. Фақат совукда тарашадай қотиб ётганидан ўлиқдан сира фарқинг йўқ эди. Кейин устинизга тупроқ тортишгача, баданинг илиб қолганидан хушиңг хиёл ўзинга келганди. Бироқ ҳали қазойинг етмай туриб, оғзингга тупроқ тўлганидан жон беролмай оз мулча азоб тортганидинг?! —

— Ҳаммаси ёдимда турибди, тақдирим азалдан шундай яралган бўлса, ундан қочиб касерга ҳам борардим. Қолаверса, ўша куй изғиринда бизнинг устинизга тупроқ тортган кишини ҳам айблаб бўлмайди. Унинг айби йўқ, қўлидан нима келса, шуни қилди. Аммо манавиларнинг ўйлаб топнишган ўйинини кўр, сира тоқат қилиб бўлмайди. Вой бошим-ей, қуйиб адо бўлди.

— Вой, бошим-ей, вой бошим...

Овозлар аста-секин қасайиб тагин ингроққа айланиб борди ва кўп ўтмай буткул тиниб қолди. Ҳадемай бош чаноклар ҳам ёниб тугади ва шундан сўнг ҳаммаёқни тун сукунати қоплаб олди.

Кўпчилик ҳали маст уйқуда эди: улар кеча оқшом қассобнинг арзаанда ўғлининг никоҳ тўйида хурмачалари тўлганча ичтишгандан ёстиқдан бош кўтаролмай ўликдай донг қотиб ётишар, куннинг ёйилиб кетганига аёлларнинг жағи-жағига тегмай жавраши уларнинг парвойига келмасди. Улар шу алфозда ётганча

кун узоғи ҳам ёстиқдан бош кўтармасликлари тўғриси эди. Аммо ҳали ҳаводан тонгги намхушлик кўтарилиб улгурмай туриб, дафъатан, шундай бир воқеа рўй бердики, у нафақат одамларни уйқудан уйғотиб юборди, балки ноҳос кўпган тўфон каби бир пасда ҳаммаёқни остин-устин қилиб ташлади.

Кейинчалик, орадан кўп сувлар оқиб ўтгач, одамлар қишлоқ бошига мўру малаҳдек бало-қазо ёғилган ўша, мусибатли кунни қайта эслашаркан, ҳамма-хаммаси фолбин хотиннинг тонг-сахарда бўғзини йиртгудек овозда "дод" солишидан бошланганига қайта-қайта икром бўлишди, аммо бирон кимса бу шўрлик хотинни айблашга ботинолмади, зеро, унинг бўйнида айблашга арзигулик гуноҳу азимининг ўзи йўқ эди.

Қисқаси, фолбин хотин кун энди ёйилиб келаётган пайт шундай аламли ва телбавор овозда дод солдики, ёстиқдан бош кўтаролмай ётган одамлар унинг фарёдини худди тушларида эшитишгандек, сесканиб ўринларидан туриб кетишди ва саросима ичига кўчага отилишди. Хотин-халажлар эса, аллақачон кўча энчи олдига чиқиб олишган ва йиғлаб юборгудек нигоҳ билан фолбин хотиннинг ҳовлиси томонга қараб туришар эди.

Фолбин хотин ҳовли ўртасида туриб олганча, оғзини осмонга қараб катта-катта очиб "болам-ов, болам", дея дод солар ва овози пасайган чоғ алланималар деб нола қилар эди. У атрофини ўраб олиб, таскин-тасалли беришга уринаётган бир тўда хотин-халажларни зарда билан силтаб-силтаб ташлар ва ўзини худди хону мони қуйиб кетаётгандек у ёқдан-бу ёққа урар эди. У ялангбош ва ялангоёқ-савдойи бир қиёфага кириб қолган, барқашдек катта юзи йиғи ва изтиробдан бўғриқиб кетган эди.

Фолбин хотин дарвозани худди зулфини бузгудек бир важоҳат билан очганча ичкарига кириб келган бир тўда одамларни кўриб, баттар жазавога тушиб қолди: у ҳовлига киришга кириб, аммо бу ерга худди адашиб бош сўқишгандек, бир-бирларини итариб-туртиб бешхтиёр ортга тисарилаётган бу одамлар куйган дарду дунёсига малҳам топиб беришга қодирдек илтижо билан улар томонга интилдиди-да, айтиб йиғлай бошлади:

— Вой, одамлар-ей, мен шўрпешонанинг уйигана қуйиб қолди, худо оқяво ёлғиз ўғлимини ҳам кўп кўрди, у шундай дея чапак чалиб дод солганча, одамлар томонга юрди, аммо икки қадам ташлаб-ташламай тўхтади-да, тагин дийдиё қилишга тушди. Ўнга эмас, биттагина эди, шу ҳам пешонамга сигмади. Худога қайси феъл-хўйини ёқмадики, мен бежорани, бунча доғламаса, а?! Шундай бўлишни аввал оқшом кўнглим сезганди, одамлар, аммо гафлат қолдим. Кеча оқшом ўғлимга анави тўй қилмай хар нима бўлгин қассобникига бормагин, уйда, ёнгинамда ўтиргин, дея хўп худонинг зорини қилдим, мени ёлғиз ташлаб кетма, болам, кўрқаман, деб алдаган бўлдим. Қани энди, ўғлим унай қолса, сиз хавотир олмай ўтиринг, онажон, мен бир пасда қайтиб келаман, дедию чиқди кетди. Воҳ, одамлар, нимасини айтмай, шўрлик боламини ажалнинг ўзи олдига солиб, хайдаб кетди. Оқшом алламаҳалгача кўзларим тўрт бўлиб унинг йўлини пойладим, юрагим алағда тортиб кетасверганидан уйда ўтиролмадим, дам кўчага чиқиб, дам ичкарига кириб, ўзимни қўйгани жой тополмадим. Охийри, ўртоқлари билан ўйнаб қолгандир, тўйнинг ғала-ғовури тинса, келар, деб ўзимни овутган бўлдим. Тўшакка чўзилиб қандай кўзим илинганини билмай қолбман. Бир маҳал останада аллаканининг хансираб-хансираб нафас олгани кўлогимга урилгандек бўлди, кўрққанимдан юрагим чиқиб кетай деди, ё, худо-ё, деб ўримдан отилиб турдим-да, чироқин ёқдим: не кўз билан кўрайки, останада ўғлим икки букчайиб ётибди экан. Ранг-рўйида қон йўқ, энтиқиб-энтиқиб зўрга нафас олади. Болам-ов, деб дарров устига ўзимни ташладим, бошини бағрига олиб, сенга қайси бало урди, деб сўрадим. Шўрлик боламининг тили тутиб қолган экан, одамлар, гапиролмади, фақат жовдираб қараганча, боши билан эшикни ишора қилиб кўрсатади, алланималар, деб гўлдирайди, қани энди бир нимани илғай олсам, ҳеч нарсани тушунмадим. Ўғлимини бир амаллаб ичкарига олиб кириб, тўшагига ётқиздим, бир пиёла муздай сув тутдим. Сувни ичиб, ўғлимининг хуши хиёл ўзинга келгандек бўлди, рангига ҳам дув этиб қон югурди. Она, деди у бир чоғ кўлимини маҳкам тутиб, эшикни ёпиб қўйинг, анавилар ҳозир ичкарига кириб келадилар, тезроқ ёпинг, жуда кўрқиб кетаяпман, деди. О, одамлар, мен ўғлим биронтаси билан

ёқалашиб қолибди, деган хаёлга борибман. Ким келади, ўғлим, сен шўрликни ким бундай куйга солди, дедим. Онажон, деди ўғлим бағримга баттар ёпишиб, мени туялар қувди, бир тўда сап-сарик туялар изимдан останагача қувлаб келди. Улар хозир ҳовлида юрбди, эшикни тезроқ бекитинг, ичкарига кириб келмасин, онажон, деди. Ўғлимнинг гапларини эшитиб, бирдан юрагим шиг-ғ этиб кетди, бир пасда ҳаммаси аён бўлди-қолди, одамлар. Воҳ, болам, дедим нчимда, сенга келган бало, онангга урса бўлмасмиди?! Ўғлимнинг кўнгли учун ўрнимдан туриб, эшикни ёпиб қўйдим. Буни кўриб, ўғлим бир оз тинчлангандек бўлди, лича мизгиб ҳам олди. Мен унинг бошидан бир қадам нари жилмадим, боламга юборган дарду балонингни юзини ўзинг тескари қил, деб худога илтижо қилдим, ялидими-ёлвордим. Аммо ҳаммаси бехуда кетди, одамлар, сахарга бориб ўғлимни яна дард тутди, у тагин хушини йўқотиб, алаҳсирай бошлади. Онажон, деди шўрлик болам кўлларимга маҳкам ёпишиб олиб, эшикни ёпиб қўйинг, ана, туялар ичкарига бош суқиб келаяпти, дейди. Эшик ёпик-ку, болам, дейман унинг бошини бағримга босиб, кўзларингни юмиб ётгин, бир пастда ҳаммаси ўтиб кетади. Эшик очик турибди-ку, деди болам ёпик турган эшикни кўрсатиб, нега мени алдайсиз, онажон! Ана, туялар ичкарига кириб келаяпти, хозир мени олиб кетади. Мени уларга берманг, онажон, дейди бағримга баттар ёпишиб олиб. Шўрлик боламнинг аъзойи-тани алангаю оташ бўлиб лов-лов ёнди, лаблари бирдан сўлиб қовжираб қолди. Ўзим қайта ўнгламади, алаҳсирай-алаҳсирай тонга яқин узилди. Шундай кўлларимда жон берди, бечора болам. Сенга келган бало онангга бўлмасмиди, бағримни доғлаб кетган болам-ов, болам...

Дарвоза олдида одам тирбанд бўлиб кетган эди, ҳамма алақачон бу ерга етиб келишга улгурган ва фолбин хотиннинг дийдиё қилиб айтганларини эшитган эди. Одамлар ҳовлининг нариги бурчидаги деразаси ланг очик, аммо ҳаворанг пардаси тушириб қўйилган уйга бўйинларини чўзганча қўрқув билан қараб-қараб қўйишар, аммо ичкарига қадам босишга ҳали-ҳануз бирон кимса журъат этмай турарди.

Оқсоқол гарчи, бу воқеадан алақачон хабар топган эса-да, негадир шошилмай ҳаммадан сўнг ҳовлига кириб келди. Унинг тунд авзойидан ҳеч нарса ни уқиб бўлмасди, у дарвоза олдида тошдек қотган одамлар тўдасини ёриб ўтди-да, боёғи жойда ҳамон дийдиё қилаётган фолбин хотиннинг олдида борди ва алланималар дея паст овозда таскин-тассалли бера бошлади.

Ўлимаг чора йўқ!

Оқсоқол изига қайтиб, дарвоза томонга юраркан, чор-ночор одатдаги таомилга кўра кайвонилик қила бошлади: мулло, мўрдашўй ва гўрковни айтиб келишга одам юборди ва яна тўрт кишига масжид айвонидан турган ўша, янги тобутни олиб келишни буюрди.

Кун пешидан ўтган пайт барча расм-русум адо этилди, ювб-тараб, қафанланган майитни атрофига оқ сурдан дарпарда тортилган янги тобутга солишди-да, ердан кўтаришди. Тобут ортидан хотин-халаж уввос тортиб йиғлаб қолди.

Тобут қўлдан-қўлга тегмай кишлоқ кўчаларидан лопиллаб ўтиб борар, ҳамма уни икки қадам бўлса-да, кўтаришга ҳеч курса, бармоқларининг учини теккизиб қолишга ошиқар эди. Ким билади, ахтимол, тобуткашлар ўлим ваҳминини яқиндан ҳис этишганидани, бирдан маъюс тортиб, савобталаб қўйга тушиб қолишган, бетартиб қадам олганча, тобут ортидан югургилаб кетиб боришар эди. Афтидан, уларнинг назарида, бу дунёда ўлимдан ҳам оғир ва мусибатли нарса йўқдек бўлиб туялар эди. Аммо удар бир неча дақиқадан сўнг бошларига бундан ҳам муҳшироқ бало-қазо ёғилишидан буткул беҳабар эди.

Кейинчалик, орадан кўп сувлар оқиб ўтгач, ўша кун тобуткашлар, орасида бўлган ва қандай кўргулик рўй берган бўлса, барици ўз кўзи билан кўрган, сўнг эса, биринчилар қатори куч-кўронини орқалаб, қишлоқни тарк этганча, бегона юртларга келиб қолган сомсапаз шундай ҳикоя қилган эди:

— Товба, товба, ўша кун қандай балога рўпара келганимизни айтиб берсам, ўла қолса биров ишонмайди. Эй ким ҳам ишонарди, дейсиз, бошқани гапирманг, мана, менинг ўзим, ҳамма-ҳаммаси шундоқ кўз ўнгимда рўй бериб ўтган бўлса ҳамки, ҳалиям ўзимни ишонтиролмайд юрибман. Аммо ўша тобутни кўтариб қабристонга кетаётган кун эсимга тушгудек бўлса, қурқувдан баданимдаги тукларгача титраб кетади. Баъзан кечалари ўйласам, ана, унда

кўринг, то сахаргача ўзимни қўярга жой тополмай тўшақда ағанаб чиқаман. Қани энди ҳаммасига тупуриб, эсимдан чиқариб юборишни иложини топсам, шунча ўйламайман дейман-у, бари бир, бўлмайди, аллақачондан лоп этиб ёдимга тушаверди. Бунинг устига, пешонанинг шўрлигини қарангки, ўша кун бу кўргулик рўй берган маҳалда мен худди атай қилгандек, тобутнинг олди томонидаги дастидан тутиб, кўтариб бораётгандим. Билмадим, ўша дамда мени ғафлат босдим ё хаёлимни бошқа бир нарса ўғирлаб қўйдими, ишқилиб, ҳеч нарса ни-тобут қўлидан қандай сирғалиб чиқиб, ҳавога кўтарилганини қасам ич десангиз қасам начанам, сезмай қолибман. Мен гўл ҳатто тобутни кўтариб бораёяман деган ҳаёлда бўм-бўш қўлимни юқорига чўзиб, беш-олти қадам ташлабман ҳам... Бир чоғ, ортимдан одамларнинг қий-чув кўтарганию тапур-тупур қадам товуши гуп этиб қулоғимга урилди. Нима гап экан, дея бошимни ўғириб ортимга қарадим қурқувдан юрагим чиқиб кетай деди-ишонасизми, йўл устида тирик зоғ йўқ, бир ўзим сўппайиб турибман экан. Тобут кўтариб бораётган эллик чоғли киши эса қурқувдан кўзлари ола-йиб, қўллари билан бошини пана қилганча, йўлдан анча нарида қочиб бораётган экан. Мени бирдан ваҳима босди, юрагим тез-тез уриб кетди, қандай кўргулик рўй берибди, дея гирди-атрофимга аланглаб қараётиб, шундай бошим устида лопиллаб ўйнаётган тобутга кўзим тушди-ю, турган ўрнимда тошдек қотиб қолдим: ё товба хозиргиша ўзимиз кўтариб бораётган тобут осмонда лопиллаб ўйнаб турибдиёкан... Йўқ, уни ҳеч ким тутиб тургани йўқ эди, сизга буни қандай тушутирсам экан, унинг ўзи худди ичига ел тўлдирилган пуфакдай чайқалиб турганди. Тобутга қараб туриб, бирдан "дод" деб юбордим у ўзимни йўл четига урдим. Кейин тобутга нима бўлди, дейсизми?! Нима ҳам бўларди, у ҳавода шундай лопиллаб ўйнаб тураверди, на юқорига кўтарилади, на пастга тушади. Ҳамманинг кўзи унга қадалган денг, биров ошириб нафас олишга юраги бетламайди. Бир маҳал, шу десангиз, тобутнинг лопиллаши авж олди ва орадан ҳаял фурсат ўтмай у битта қоп-қора нуқтага айландию кўзга кўринмай қолди. Ҳамма энди нима бўларкин, дея юрагини ҳовучлаб турибди. Аммо кўзимиз тешилиб қанча тикилмай лик, бари бир нима бўлганини ҳеч ким англамай қолди, фақат "қаре" этган товуш эшитилди-ю, ҳаммамиз турган ўрнимизда бир сапчиб тушдик. Кейин бундай қарасак, тобут майда-майда пайраҳаларга бўлиниб, ҳар томонга сочилиб кетибди, унинг ичиданги қафанланган майит эса, худди бир қоп гўшдай "тап" этиб йўл устига келиб тушди. Эй нимасини сўрайсиз, мени ўзим ҳам ўшандан буён ақлим шошиб юрибман. Ўша кун тобуткашларнинг қўлидан фолбин хотиннинг арзада ўғлимни жасади солинган тобутни ким тортиб олди ва нега осмонга олиб чиқиб, майда-майда қилиб ташлади— бунинг сир-асори ҳозиргача бирон кимсага маълум эмас. Фақат шуниси аниқки, ўша кун ерда ҳам, кўкда ҳам тобуткашлардан бўлак бирон тирик зоғнинг қораси кўринмаган эди...

Ғаройиб эртақдай тассурот қолдирган бу воқеага гарчи, сомсапазнинг дўконига бош суққан хўрандаларининг кўпчилиги мутлақо ишонмай шунчаки масҳараомуз кулиб қўйган эса-да, сомсапаз ичидан зиғирча ёлғон қўшмаган, ҳаммасини қандай кўрган бўлса, шундай гапириб берган эди. Аслида, ўша кун тобуткашларнинг бошига ёғилган бало-қазо бундан ҳам даҳшатлироқ эди.

Бу ақлбодар қилмайдиган воқеа тобуткашлар кишлоқдан чиқиб, тўппа-тўғри қабристонга олиб борадиган энсиз тупроқли йўлга қайрилишган чоғ кутилмаганда, дафъатан, рўй бериб қолди.

Тобуткашлар елкалари устида тобут кўтариб, ҳамон илдам-илдам қадам олганча кетиб боришаётган эди. Бир чоғ, нимадир бўлдию, гирди атрофига оқ сурп тортилган тобут туйқус ўза-ўзидан у ён-бу ёнга чайқалиб ҳаракатга келди ва кўз очиб, юмгунча тобуткашлар қўлидан сирғалиб чиқиб, худди бир уюм оппоқ булутдек ҳавога кўтарилди. Бу ҳодиса шунчалик тез ва сирли кечдики, уни қандай рўй берганини эллик чоғли тобуткашлардан лоақал бирор киши сезмай қолди, гўё ҳамманинг ақлу хаёлини бир муддат кимдир махв этиб қўйганга ўхшар эди.

Кейин тобут тобуткашларнинг қўлидан батамом узилиб, ҳавода худди ичига ел тўлдирилган пуфак сингари лопиллаб ўйнай бошлагач, хаёлга толгандек бир қиёфада бораётган

жувозкаш нимадир бўлдию, бошини кўтариб юқорига қаради ва туйкус унга кўзи тушиб қолди. Йўқ, аввалги у ҳеч нарсага тушунмаган ажаблангандек нигоҳ билан тикилиб турди, аммо шу лаҳзанинг ўзида қандай воқеа юз берганини англаб қолиб, рангрўйи бирдан қум оқариб кетди ва беихтиёр тисарилиб қоча бошлади. Унинг шокоасидан отилиб чиққудек каттариб кетган кўзлари бир зумда қўркувга тўлган, тили тутилиб қолганидан гапиролмас, фақат дағ-дағ қалтираётган ўнг қўли билан ҳавода лопиллаб силжинаётган тобутни кўрсатганча, атрофдагиларни итариб-туртиб тобора тисарилиб борар эди.

Унинг тўсатдан худди ташнақ хуруж қилгандек тирпирчилаб қолганини кўриб, тобуткашлар ҳам бирдан хушёр тортишди ва ногоҳ шундай бошлари устидаги тобутга кўзлари тушиб, турган жойларида таёкдай қотиб қолишди. Ҳамма анграйган куйи ҳавода лопиллаб ўйнаётган тобутга тикилиб қолган, аммо кўпчилик ҳали уни ҳозиргина ўзлари кўтариб бораётган фолбин хотинининг арзанда ўғли жасади солинган тобут эканини англаб етмаган эди. Бироқ, шу орада кимдир жон ҳаллида ваҳи билан чиқариб юбордию, тобуткашлар бир зумда худди бўри оралаган сурув сингари ҳар томонга тўзғиб кетди: ҳамма гўё осмондан мудҳиш офат ёғилаётганидек бошини кўллари билан бекитганча, дуч келган тарафга ўзини урди ва бўм-бўш тортган йўл устини оппоқ чағ қоплаб олди.

Бу пайтда тобут худди дарёда оқиб келаётган сандикдек оғир-оғир чайқала бошлаган, унинг атрофига ўралган оқ сурув эса, байроқ сингари пир-пир хилпирар эди. Тобутнинг силжиниши ҳар дақиқада тез ва шиддатли тус олиб борар, унга қараб туриб, киши ҳадсмай бирон қор-қол рўй бериши муқаррар эканини англаб олиши унча мушкул эмасди.

Дарвоқе, тобут шу таразда шитоб билан силжина-силжина охийри, кичкина қора нуқтага айланиб, кўзга чалинмай қолгач, дафъатан "қарс" этиб янграган товуш атрофини тугитиб кетди-ю, бирдан ҳаммаси тиниб қолди: ҳавода лопиллаб ўйнаётган тобут аллақачон майда-майда пайраҳаларга бўлиниб, ҳар тарафга сочилиб кетган, унинг ичидagi қафаланган майит эса, худди бир қоп гўштдек "тап" этиб йўл устига келиб тушган эди.

Тобуткашлар кўз юмиб, очганча ўтган фурсат ичиди наминалар рўй берганини сира ақлу тасаввурларига сиғдиролмай эси оғиб қолгандек бир қиёфада чекка-чеккадан мўралаб қараб туришар, йўл устига чиқиб келишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Айни мана шу пайт қабристон томондан "отм-ов, отам..." дея дод солганча, югуриб келаётган гўрковнинг ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидagi ўғлининг қораси кўринди. Гўрковнинг ўғли буткул қора терга ботганча, ҳаллослаб чопиб келар ва дамбадам гарчи, қаршисида бирон кимсанинг қораси кўринмасида, қадамини секинлатиб "отам-ов, отам..." дея ҳиқиллаб йиғлаганча дод солиб кўяр эди.

У ҳали йўл устида ётган қафаланган майитга яқин келмай туриб, чамаси, тобуткашларга кўзи тушиб қолди шекилли, бирдан гўхтади-да, кўллари жонҳолатда силжиниб-силжиниб, бақриб-чақришга тушди:

— Гўр қазитиб, отамни тупроқ босиб қолди. Ёрдам берингла, одамлар! Тезроқ юрингла, отам тупроқ остидан чиқолмай қийналиб ётибди...

У яна бир муддат шундай бақриб-чақриб турди, сўнг, чамаси, тобуткашларнинг етиб келишини кутишга сабри етмади шекилли, бирдан изнга қайрилди-да, из-из йиғлаганча, тагин қабристон томонга югургилаб кетди.

Ҳали-ҳануз чекка-чеккада даҳшатдан юзлари гезариб турган тобуткашлар орасидан гўрковнинг ўғлининг гапларини эшитиб, қассоб ва жинни қизининг тоғаси беихтиёр ажралиб чиқди ва лапанглаб беўшхов қадам олганча, йўл устида ётган қафаланган майитни четлаб ўтиб, қабристонга қараб югуриб кетишди.

Дарвоқе, ҳаммаша худди кўнглида ҳаёт талъати буткул сўниб қолгандек, тунд қиёфада юрадиган заҳил юзли гўрковнинг қисмати аянчли якун топган эди: у фолбин хотинининг арзанда ўғли учун қазитган қабри тугатай, деган чоғ аллақакдан фалокат кўпиб, шундай боши устидаги тупроқ кўчиб тушиб, босиб қолган, унинг фақат икки оёғи- тизасендан куйи қаққайиб ташқарига чиқиб турар ва у чамаси, аллақачон жон таслим қилган эди. Умр бўйи гўр қазиндек бир юмуш билан машғул бўлиб келган ва бу юмушнинг нуқси бутун афт- ангорига сингиб қолган гўрковнинг паймонаси кунлардан бир кун шундай алфозда тўлишини ҳеч ким ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаган эди. Гўрков

худди боши билан ерга сингиб кетганга ўхшар, аллақачон қоп-қорайиб кетган оёқлари кўзга хунук ва аянчли ташланиб турар эди.

Қассоб ва жинни қизининг тоғаси гўрковнинг ўғли ортидан изма-из ҳаллослаб югурганча, қабристонга кириб келган пайт кун иккинчи ярмига оғиб улгурган, ҳавога майин шабада кезина бошлаган эди. Улар жазирамада ўт-ўланлар қуриб-қовжираб, сап-сарик тусга кириб қолган қабристонга қадам босишаркан, худди гўрковнинг фалокат чангалидан кутқазиб олмоқчидек бир важоҳат билан кунчиқар томондаги ҳали намин кўтарилиб улгурмаган тупроқ атрофида сочилиб ётган қабр бошига етиб келишди. Аммо қабр айвонида тупроқ остидан гўрковнинг қаққайиб чиқиб турган оёқларига кўзлари тушди-ю, кўркувдан юзлари буришганча, ортга чайқалиб кетишди. Улар бундай мудҳиш манзаранинг устидан чиқамиз, дея сира ўйламаган, балки гўрковнинг тупроқ босиб қолган бўлса, тортиб оламинз, деган бир хаёлда бу ёққа ҳаллослаб югуриб келишган эди. Шундами, жинни қизининг тоғаси ўзини босолмай ихраб йиғлаб юборди ва кўллари юзига босганча, букчайиб қабр бошидан нари кетди.

Фақат гўрковнинг ўғлининггина кўзларига ҳеч нарса кўринмасди, у қабр бошига етиб келган заҳотиёқ баттар уввос тортиб йиғлаганча, ўзини отасининг оёқлари устига ташлаган ва ғазаб ва алам билан дам отасининг аллақачон совуб қолган оёқларидан тутиб жон-жаҳди билан тортишар, дам худди кучукчадек тупроқни таъталар ва ора-сирода эса, боши устида қаққайиб турган қассобга алланималар деб ялиниб-ёлвориб кўяр эди. Қассоб эса, гўё ўзи кўр, қулоғи қар бўлиб қолгандек, унга унсиз тикилиб турар, унинг юзини даҳшатли бир ифода тим-тирс қоплаб олган эди.

Бир чоғ, қассоб кутилимаганда, худди хуши бирдан ўзига қайтгандек, жоланиб қолди, у гўрковнинг қаққайиб ташқарига чиқиб турган оёқларидан кўзини узмай бир четда ётган кетмонни кўлига олди ва апил-тапил тупроқни торта бошлади.

Аммо у ҳали икки-уч кетмон уришга улгурмай туриб, туйкус қаттиқ сесканиб тушди ва рангрўйи боёғидан бешбаттар оқарганча ўзини орқага тортиди. Унинг кетмон тугтан кўллари, бутун аъзойи-тани дағ-дағ қалтирар ва у гўрковни босиб ётган тупроққа қурқув билан бақрайиб тикилганча, тобора ўзини орқага ташлар эди. Уни бундай даҳшатга солиб қўйган нарса гўрковни босиб қолган тупроқнинг ақлборан қилмайдиган аснода метиндек қотиб ётгани эди. У кетмон солган чоғ, кетмон худди темирга бориб теккандек жаранглаб, тиғи қайтиб кетган эди.

— Ё товба-а, — дея қассоб ваҳимага тушган кўйи шивирлади, — ҳеч замонда тупроқ бундай тошга айланиб қолганини кўрмаганман. Уч қайта кетмон солсам ҳам бир чимдим увқоланимади-я... Товба-а...

Буни кўриб гўрковнинг ўғли ҳам бирдан жим тортиб қолди, у отасини босиб ётган тупроққа энди бошқача-хайрат ва қурқув аралаш қарай-қарай эмаклагандек алфозда қабр ичидан чиқиб келди ва қассобнинг пинжигга сукилди. Жинни қизининг тоғаси эса, ҳамон юзини тескари ўтирганча, пиқ-пиқ йиқлаб ўтирар эди.

Кўёш ётоғи томон йўл олган пайт қабристон этагида оқсоқол бошчилигида фолбин хотинининг арзанда ўғли жасадини елкаларида ортмоқлаб келаётган тобуткашларнинг қораси кўринди. Тобуткашлар боёғи даҳшатдан ҳали-ҳануз ўзига кела олмаган, ҳар бир қадамларини қўркув билан сесканиб-сесканиб ташлашар, елкалари устидаги майитни эса, ўзлари истамаган тарзда кўтариб боришар эди. Афтидан, оқсоқол уларни кўп қийин-қистовга олиб, сўнг буёққа келишга базўр кўндирганга ўхшар эди.

Аммо оқсоқол бошчилигидаги тобуткашлар чала-ярим қазилган қабр бошига етиб келишгандан сўнг ҳам, барибир, ҳеч нарса ўзгармади: гўрковни босиб қолган тупроқ ҳамон худди алам ва ғазабдан тугилган мушт сингари тошдек қотиб ётар, у ўз бағрига киришга энгирча бўлса-да, йўл бермасди. Айни даида тупроқда шундай сир-синоат зоҳир бўлгандики, унинг қаршисида ҳамма ўзини ожиз ва ночор эканини тан олмай ўзга иложи йўқ эди.

О, йўқ, аксинча, тупроққа ҳамма нарса аниқ-тиниқ битиб қўйилган эди, унга тикилиб туриб, тобуткашлар ўз умрлари давомида ёзиб келган улкан китобни ўқишар эди. Бу китобга шунчалик ҳолис ва адолат билан тартиб берилгандики, унинг саҳифаларидан ҳамма нарсани излаб топиш мумкин эди: китобда

бу кишлок яралгандан буён то шу кунга қадар ўз бошидан нималарни кечирган бўлса, ҳамма-ҳаммаси аниқ-равшан битиб қўйилган, ҳеч нарса атай унутилиб қолдирмаган эди. Китобнинг аллақайси бир саҳифасида ўша, ном-нишонсиз йўқолган тобут билан боғлиқ барча воқеалар ва ҳатто, гўрковин нега тупроқ босиб қолишию тупроқнинг ўзини тош-метинга айланиши тўғрисида ҳам батафеил фикр юритилган эди. Бу мусибатларнинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари шундай ҳаққоний ва асосли таразда исбот этилгандики, кишида худди энг адолатли ҳукмдек энгирча бўлса-да, шубҳа ва эътироз уйғотмасди.

Айниқса, китобнинг сўнгги саҳифаси ҳаммани бирдек даҳшатга солар эди: унда кишлокнинг эртанги кун қисмату аъмоли олдиндан башорат этилган ва башорат қилинган бу воқеалар ҳеч шак-шубҳасиз рўй бериши муқаррар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Тобуткашлар шу куйи гўрковининг босиб қолган тупроққа киприк қоқмай тикилашаркан, сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, аммо ўз ҳаётларига бевосита даҳлдор жуда кўп нарсалар англаб етишган ва энди худди ҳозиргина ўзининг қатлу оми тўғрисидаги шавқатсиз ҳукмини эшитган маҳбуснинг аҳволига тушиб қолишган эди. Аммо улар юрак-бағрлари қўрқувга тўлиб ишонч ва умидларини йўқотиб қўйишаётган эса-да, барибир, тупроқдан кўзларини узиб олишолмасди.

Кейин- анча пайт ўтгач, ўртага чўккан оғир сукунатни оқсоқолнинг овози бузди.

Гўрковининг қисмати азалдан шундай ёзилган экан, уни ўзгартириш бизнинг қўлимиздан келмайди, - деди у худди узок ўйлаб, сўнг шундай хулосага келгандек, босиқ ва қатъий овоз билан. - Устига тупроқ тортишдан ўзга иложимиз йўқ. Ахир, шўрликни шу аҳволда ташлаб кетиб бўлмайди-ку!

Тобуткашлар гўё ўз устларини тупроқ тортинлар, дея янглиш эшитишгандек, ялт этиб унга қарашди. Аммо оқсоқол ҳеч кимга эътибор бермай энгашиб ердан бир қисим тупроқ олди-да, қабр ичига-гўрковининг қаққайиб чиқиб турган оёқлари устига ташлади...

Қош қорайиб келаётган маҳал тобуткашлар гўрковининг устига тупроқ тортиб қўйишди. Сўнгра эса, унинг қабатидан фолбин хотиннинг арзанда ўғли учун қабр эмас, шунчаки ўрага ўхшаш чуқур қазини баазўр қурбларни етди, холос...

Узу тун сукунатга фарқ бўлиб ўтди. Кишлоқ аҳли бу воқеадан фақат эрталаб - кун батамом ёйилиб кетгандан сўнггиша хабар топди: тунда мулло, мурдашўй ва кечатгина яккаю ёлғиз ўғлига аза очган фолбин хотин ими-жимиди куч-қўронини орқалаб кишлокдан аллақайёққа бош олиб кетишибди. Улар кишлокдан шундай сирли бир таразда кетишгандики, бунини лоқал бирон тирик жон сезмай қолган эди. Улар чамаси, қандайдир тахлика ичида шоша-пиша кишлокни тарк этишган, ўзлари билан фақат йўлда асқотадиган зарур нарсаларининггина олишга улгуришган эди: уларнинг ҳовлилари юзасида бетартиб сочилиб ётган турли хил ашқол-дошқол, кийим-кечак ва дарвозаларнинг лағг очик қолгани ҳам шундан дарак бериб турар эди.

Йиғилганлар мулло, мурдашўй ва фолбин хотиннинг бир пасда худди минг йиллик ҳаробадек хувиллаб қолган ҳовлиларига маюс тортиб тикилишаркан, улар нега қутилмаганда, кишлокдан бош олиб кетиш пайига тушиб қолишганини имо-ишорасиз ич-

ишларидан англаб туришар ва шунинг баробарида, ўзларини аста-секин шундай оғир тахлика ҳисси босиб келар эди. Ҳамма ўзи сезмаган ҳолда худди мулло, мурдашўй ва фолбин хотин кишлокдаги ҳаёт нафасини шавқатсизлик билан сўн-дириб, ўлим муҳрини босиб кетгандек, бирдан безовта тортиб қолган эди.

Йиғилганлар гарчи, бир-бирларига сўз қотмай жимгина уй-уйларига тарқалишагн эса-да, бирибир қўнғилларига бостириб кирган қўрқув ва тахлика ҳиссини ҳеч қандай куч қайта қувиб чиқаролмади: улар шу куннинг ўзидаёқ кишлокдан аллақайёққа, - қаёққа эканлиги ҳеч кимни қизиқтирмасди, - бош олиб кета бошлади.

Кишлоқдаги минг йиллик ҳаёт бир лаҳзада чок-чокидан сўкилиб остин-устин бўлиб кетганга ўхшар эди: ҳамма тахлика ичида шоша-пиша кўч-кўронини йиғиштирар, тажанг ва асабий қиёфада у ёқдан-бу ёққа югуриб юрар, аллақайёқдан улов топиб келар, қисқаси, ҳеч ким тиним билмасди.

Фақат ажабланарли томони шунда эдики, ҳамма ўз бошича иш тутар, ҳеч ким бир-бирига сўз қотмас, ҳатто қаёққа бош олиб кетишаётганини ҳам айтишмасди. Бунинг устига, ҳамма худди кундуз кунини йўлга чиққудек бўлса, кимдир низдан тушиб таъкиб этадигандек фақат зим-зиё тунда кишлокни тарк этар, бирон киши мабодо бу тун улгуролмай қолса, албатта, тишини тишига босиб, навбатдаги тун чўкишни кутар эди. Кишлоқдан чиқиб кетиш ҳам шундай сирли ва хуфиёна кечардики, на уловларнинг туёқ товуши, на одамларнинг нафас олгани ва на гўдакларнинг безовта тортиб йиғлагани кулоққа чалинар эди, бир қарашда кишлокда ҳеч қандай ғайритабиий воқеа рўй бермаган, балки одатдаги ҳаёт давом этаётганга ўхшаб туюлар эди.

Охир-оқибат, орадан бир хафта ўтиб-ўтмай кишлок бўм-бўш тортиб қолди: энди бу ерда на гўдак йиғиси, на оналарнинг алла айтган овози ва на итларнинг бемаҳал аккиллаб хўргани эшитилар, ҳаммаёқни бирдек ўлик сукунат қоплаб олган эди.

Кўчаларда уззу кун дайди шамоил изғиб юрар ва у дарвозаларни "ғийқ-ғийқ" этиб очиб-ёпганча ўйнар эди.

Кишлоқдан энг охирида аллақачон қариб-чуриб, мункайиб қолган оқсоқол хотини билан чиқиб кетди.

— У ерда, - деди оқсоқолнинг хотини бир чоғ, анча олисда қолган кишлокни боши билан ишора қилиб кўрсатаркан, - тирик зоғ ҳам қолмади-я. Товба, одамнинг сира ишонгиси келмайди...

— Йўқ, қолди, - деди оқсоқол ва юришдан тўхтаб ортига ўгирилди, аммо бошини кўтариб, кишлокқа қарашга ботинолмади. — Ёлғиз анави жинни қизининг ўзи қолди. Тоғаси олиб кетаман, деб кўп қисталанг қилибди, лекин у қўнмабди. Ҳайҳотдек кишлокда фақат мана шу ақли ноқис қизининг ўзи қолди...

Оқсоқолнинг овози аллақандай титраганча, безовта тортиб эшитилган эса-да, хотинининг авзонда бирон-бир ўзгартириш сезилмади, чамаси, унга жинни қизининг кишлокдан бош олиб кетган ёки кетмаганининг мутлоқо қизини йўқ эди.

— Энди биз қаёққа борамиз? — дея сўради хотини оқсоқолга жовдирлаганча тикилиб.

Аммо оқсоқол бу гал унга лом-лим деб жавоб бермади, зеро, унинг ўзи ҳам қаёқни қора тортиб боришларини билмасди. У чуқур хўрсиниб қўйди-да, бошини ҳам қилганча кунчиқар томонга қараб имилаб йўлга тушди. Хотини ҳам чор-ночор уни низдан юрди.





Ҳамроқул АСҚАР

ИЗТИРОБ ЧЕГАРАСИ



Тангри -таоло яратган бани башар орасида бевосита раббони оламнинг аралашувисиз ҳам дунёга келганлар анчагина. Улар (яъни, худо яратмаганлар), яратган эгам ҳаёт бахш этган бандаларига тегишли тавку ланнат, куфрона ишлари ҳамда оғир гуноҳларнинг аччиқ меваларидир.

Пастдан кузатсангиз одам боласи юксакка ўрлай бошлагани сайин тобора кичиклашиб боради, лекин у тесапан йиқилиб тушганда марҳумнинг жасади анчагина салмоқли ва улуғвор эканлигини кўриб ҳайрон қоласиз...

Бу зотларнинг иблисга хизмат қилиб, Оллоҳдан мукофот тиллаганлари галати.

Катта тезлик билан орқага кетиш, секинлик билан барча бирдек фикрлашдан бошланади.

Ҳеч қандай норозилик бўлмаган жойда кўркуннинг барча турини учратиш мумкин.

Бу зотларнинг адабиёт ўлади деб ҳайқаришиб, ўлмайдиган асар ёзмақчи бўлганлари кизик...

Адабиёт ҳамма нарсадан пастда туриши мумкин. Лекин у ҳеч шак-шубҳасиз, Ёзувчилар уюшмаси ва Адиблар иттифоқидан юқорида туради.

Муҳтассублар ва инквизиторларнинг гуноҳлари китобларни ёққанларида бўлса, бизнинг айбимиз китобларни

ёқмай қўйганимизда.

Фикрий қашшоқлик вабо ёки ўлат бўлганида эди, ёр юзи анча хувиллаб қолур эди.

Салом эй, тириклар!
Сизларни кўп изладим,
Ўлиб қолаёздим марҳумлар ичра.

У дастлаб ишқ отанида ёнган девона қалбнинг севинч-изтиробларини қоғозга туширувчи беғараз котиб эди.
Энди, қофия ва радифдан иборат маза-матрасиз фикрларнинг толмас мардикорига айланган.

Барча қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда ўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Одамга фавқулодда бирор давлатни бошқариш топширилса, бемалол ухдалайди, лекин у ўзини идора этишда ожизлик қилиши мумкин.

Бадавлат одамнинг қабри ҳам чиройли бўлади.

Кўркунни йўқотиш учун албатта, жасурликни тарғиб қилиш шарт эмас. Аксинча, уни янада кучайтириш зарур.

МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

— *Тарих бизнинг Ўруссия истилоси ва шўролар давридаги қисқа ўтмишимиз бирор халқ бошқа халқларни бахтсиз этиш эвазига бахтли бўлолмаслигини яна бир қарра исботлади. Разолат ва ёлғонларга тўйинган жаҳон гўзал шиорлар ила исчоғли шикобланмасин зарур пайтда ҳақиқатни баралла айта олгувчи жўмардлар ҳаммиша топилган. Тарихан шу нарса аёнки, бундай инсоплар ижодкорлар орасида кўпроқ учрайди. Жаҳон цивилизациясининг маҳобати қошида кўпчилик дол қолиш ила оввора бўлган бир пайтда, ижод аҳлининг тийрак пигоҳлари ўзларни улуғ ва ўта маданий деса эълон қилган давлатларнинг инсонпарварлик ҳақидаги юксак ғояларининг замиридаги мудҳиш ман-*

заралар, ҳунук оқибатларни назардан четда қолдирмайди. Марк Твеннинг: "Американи кашф этганлари яхши, лекин уни кўрмай ўтиб кетганларида яна ҳам яхши бўлур эди", деган андишалик киноясида комил инсоннинг ўзи мансуб миллатнинг қабих фаолиятидан ирганиш ва оммавий қирғинга дучор бўлган Америка ҳиндуларининг аянчлик қисматига ачиниш мавжуд. Баркамол жамият барпо этишни ният қилган ҳар қандай халқнинг орзуси аввало комил инсон тарбиясидир. Бу маъсулиятли вазифанинг асосий юки адабиёт ва санъатнинг зиммасида. Бундай улуғ ишни зиммасига олган қалам аҳлининг аввало ўзи ҳар томонлама стук бўлиши, ҳар қандай

шароитда ҳақиқатни айта олиши зарур. Ҳақиқат сўзининг ўзагиёқ унинг илоҳийлигини таъкидлаб турибди. Ҳақиқатга хиёнат оллоҳга хиёнат эканлигини теран англаган ижодкорингина чин ватанпарвар дейиш мумкин. Жаҳон эшиклари бизга кенг очилган бутунги кунда жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги кўпчиликни тобора ўзига мафтун этмоқда. Ватанимиз равнақи йўлида бемиллат хизмат этишни ният қилиб тер тўкаётган сеvimли "Ёшлик" журнаliga адолат ва ҳақгўйлик шиор бўлишини (ва қоғоз таъқис бўлиб турган бутунги кунда қисқа ёздаган муаллифларнинг кўпайишини) тилаб қоламан.

Ана шунда у оддий ҳаёт тарзига айланади.

Шундай башаралар борки, беихтиёр мушт тушургинг келади.

У жасорат кўрсатмоқчи бўлиб кўрқокдан маслаҳат сўради .

Кўпчилик идоралар ўзимизни овутиш учун тузилганга ўхшайди. Ишонмасангиз уларни тарқатиб кўринг.

Бир халқнинг марсия кўшиғига бошқа халқ ракс тушиб , хурсандчилик қилиши мумкин.

Унинг шеърларини фоҳишалар ва ҳатто, ўғрилар ҳам макташар эди.

-Эр аёлни ноҳақ гумон туфайли ранжитса узри қандок бўлур?

-Ўша ноўрин гумон ҳажмича қаттиқ севилур ...

Ишбилармонлик шу қадар ривожланиб кетдики, тадбиркор бўлмаслик уят ишга,иш биладиган одам анқонинг уруғига айланди.

У табиатидаги инжиқликларни юксак фазилатлар қилиб кўрсатиш "исгъёдо"ига эга.

Навоий бамисоли фалак тоқига чиқиб, эҳтиёт юзасидан нарвонни ўзи билан олиб кетганга ўхшайди.

Минг азоблар билан унинг қалбига йўл топгач, шу қадар дахшатга тушдики, йирткич маҳлуклар билан тўла ўрмонда адашиб қолган йўловчи ҳам менчалик кўрқувга тушмаса керак.

Дунёда ҳамма нарсанинг чегараси бор: ақл, идрок, гўзаллик.., фақат аҳмоқликнинг чегараси йўқ.

Нимадир тўхтаган жойда нимадир бошланади.

Бу олийжаноб одамлар барча яхши ишларингни жуда тез унутишади. Бирон бир кичик айбишгни эса, умрбод эслаб юришади. Инсон хотираси шундай ғаройиб .

Унинг учун шеър ёзиш кундалик бадан тарбия маш-ғулотидек бўлиб қолган.

Худо берган тўрт кунлик умримда кўнглим тусаган одам билан дўстлашишга, таъбим кўтармаганлар билан гап-лашмасликка ҳаққим борми? Шундай бўлса, мендан хафа бўлма, йўлингдан қолма.

Дийдаси алақачонлар котиб кетган бу шоирнинг Муҳаббат ҳақидаги оҳ-воҳлари тиши чиққан бўлса-да, кўкракдан айрилмаган тантқ гўдақнинг инжиқликларини эслатар, шу боис, у "йиғлай" бошласа, менинг кулгим қистар, агар "уламан" деса,янаш керак деб ҳайқиргим келарди .

"Ер бориб айтмасин ", деган мақол айғоқчилар кўпайиб кетган замонларда пайдо бўлган бўлса-да, ҳануз эскирмаган.

Бизнинг танқидчиларимиз курсида ўтирган кишини дарҳол кўришади. Агар ўзлари курсида бўлсалар курсидан бошқа ҳеч нарсани кўрмай қолишади.

Бу зотларнинг феъли жуда ғалати . Тинимсиз ҳалол бўл, деб талаб этишади-ю, яна ўзлари муттаҳамлик қилишга мажбур қилишади.

Маданиятсиз кимсадан фаросатсизлик ҳиди анқиб туради.

Бошқалар жиноятни фош этгани учун кўтарилса, у жиноятларни бости-бости қилгани учун кўтарилди.

Меҳрибон оталар пенсияга чиқаётганда қийналиб қолишмасин деб фарзандларининг ёшини сал каттароқ ёздиришади.

Кўлингиздан келса нафрат сўзини ишлатмай қаҳрингизни изҳор этинг .Ишқ каломин тилга олмай Муҳаббат ҳақида куйланг. Худонинг номини айтмасдан тангри ва илоҳият мавзуида мулоҳаза юритинг, ўшанда исгъёдо сўзини тилга олмасдан Сизнинг иқтидорингизга қойил қолишади.

Дарахтнинг бирор жойидаги пўстлоғи арчилган бўлса, у тезда битиб кетади. Агар оғоч қачонлардир чириб бошласа, билинги, айнан ўша пўсти арчилган жойидан чирийди.

Унинг бутун вужуди , ҳар бир аъзоси ҳар қандай энг ишончли никобнинг ҳам обрўйини бир пул қилади.

Умри уйсизлик, дарбадарликда ўтган шоирнинг номи вафотидан сўнг бутун бошли шаҳарга қўйилди .

У гуруҳбоз эмас фақат атрофига одам тўплашни яхши кўради .

Бу оиланинг луғат бойлиги беш-олтита сўздан иборат бўлиб, уларнинг ҳам аксари бошқа тилларга тегишли.

Кўрққанидан ҳаттоки тушиб кетган сочларининг ўрни гимирлаб қўйди.

Дунёда табиий дахшатлар беҳисоб, лекин энг ёвуз мудҳишлик инсон юрагини забт этган ёмонликдир . Дунёда табиат мўъжизалари саноксиз, лекин энг ажойиб мўъжиза инсон қалбининг гўзаллигидир.

Муҳтожлик бошни ҳам қилгани етмагандай, тилни ҳам қисқ қилади .

Унинг қиссаларида ёмғир бироз томчилайди-ю, лекин ёғмайди.





Тўра МИРЗО

Амир Темур

ИККИ ПАРДАЛИ ТАРИХИЙ ДРАМА

1405 йил. Ўтрор. АМИР ТЕМУРнинг чодири. Темур курсисининг орқа томони кўриниб туради. Темур тўнининг энглари осиглиқ.

ШОҲРУХ
(кириб)

Яна қор ёғмоқда. Қаттиқ ёғмоқда,
Йўлимиз тўсмоққа юксалар қортоғ.
Сўл ёққа йўллар берк, соғ ёқ қордевор,
Лашкар занжирбанддир қор зиндонда.
Навкар балиқ мисол бу оппоқ тўрда
Типирчилар, унинг газаби ортар.

ОҚ БУҒА
(кириб)

Шижоат ҳам қордай ерга чўккалар,
Не қилайлик амир, маслаҳат беринг?

КУНЧА ЎҒЛОН
(кириб)

Чиннинг йўлларини қалин қор тўсган,
Қор ўзи юмшоғу от туёқлари
Қаттиқ тутамлайди, олдинга йўл йўқ.
Боши берк кўчадан қандай чиқамиз?

БИБИХОНИМ
(кириб)

Амир, Самарқанднинг унли табиби
Тайёрлаган дори. Ичсангиз шояд
Анча энгил тортиб қолсангиз керак.

(овоз чиқмайди)

Ё ухламоқдасиз?! Амир, бу не ҳол,
Тўнингиз ечилган, шамоллайсиз-ку!

(Бибиҳоним курсисининг олд томонига ўтади)

Вой, шўрим! Вой, шўрим! Амир йўқ бунда.

(курсилар айланади, Темурнинг тўни бор холос)

ШОҲРУХ

Ота! Соқчиларни чорланг, соҳибқирон йўқ!

Машъаллар ёқинг! Амирни изланг.

(соқчилар амалдорлар амирни излайдилар, ноғоралар чалинади)

БИБИХОНИМ

Амирим! Қай томон кетдингиз қорда?

(Саҳна айланади. Бир соқчи яқтакчан турган Темурни кўрсатади. Барча аъёнлар тиз чўкадилар. Бибиҳоним амирнинг тўнини олиб, зинадан кўтарила бошлайди.)

БИБИХОНИМ

Амирим тўнингиз! Кийиб олингиз.

ТЕМУР

Кетинглар, сўйлашиб олай кўк билан.
(Ҳамма кетади. Фақат Бибиҳоним қолади.)
Оллоҳ ўзинг кўкни бийлаб, заминни
Менга берган эдинг. Сенинг амринг-ла
Сарҳадларга тикдим ислом туғини
Мен осмонга қўшин тортганим йўқ-ку!
Сен эса қор билан йўлимни тўсдинг.

БИБИХОНИМ

Билинг, улуғ Амир, осмон йўллари
Ҳамиша мунтазир жаҳонгирга.

ТЕМУР

Само йўлларини ўз ҳолига қўй,
Тин олсин юлдузлар, ой-да тин олсин.
Тушимда тишларим тўкилиб кетди,
Бу не таъбир? Бунга не дейсан?

БИБИХОНИМ

Тишнинг қалинлиги, мустаҳкамлиги
Қудратдур, амирим.

ТЕМУР

Тиш тўкилса-чи?

БИБИХОНИМ

Тиш тўкилса... тишлар тўкилса агар...

ТЕМУР

(жимлик)

БИБИХОНИМ

Амирим, мен ҳам туш кўрдим, пирингиз
Саид Барака оқ от келтирдилар.

ТЕМУР

Тушинг ўнг келсин. От... оқ от йўлдир.
Пирим руҳи қўллаб йўлим очилсин.

БИБИХОНИМ

Аммо...

ТЕМУР

Аммо?

БИБИХОНИМ

Балки хайрли, ким билсин?
Эгари йўқ эди аммо тулпорнинг...

ТЕМУР

Оппоқ от...у аммо эгарсиэ...Чекил!
(*БИБИХОНИМ чиқади*)

Оллоҳ ҳар одамни озод яратган,
Аммо ҳар гўдакни туғилган заҳот
Қафасга-йўргакка ўрар онаси.

Йўргак қамоғидан қутилгач бола,
Кишан кийдиради унга шўр қисмат.
Замон зиндонида яшаркан одам
Нурни ҳам занжир деб қочмоқ бўлади.
Беркиниб олади энг саховатли,
Мехрини сочгувчи она офтобдан.
Оллоҳ-ку одамни озод яратган.
Нечун кишандадур фуқарою шох.

ЗИНДОНИЙ

(*кириб*)

Танидингми?

ТЕМУР

Сенми? Қариб қолибсен!

ЗИНДОНИЙ

Қордай оқарибди ўзингнинг сочинг.

ТЕМУР

Сочим оппоқ? Йўғ-е.

(*Ирғиб ўрнидан туриб, кўзуга тикилади*)

Кеча қора эди.

ЗИНДОНИЙ

Амирга бўйсунмас соч ҳам, умр ҳам,
Қуёш ҳам итоат этмас фармонга,
Ҳоҳламаса ойлаб кўринмас кўкда,
Йўлингни кесмишдур Оллоҳ лашкари?

ТЕМУР

Оллоҳ инояти менга абад ёр,
Оллоҳ доим менинг йўлимни очмиш.

ЗИНДОНИЙ

Тоғ бўлиб уюлган паға-паға қор,
Сенинг лашқарингми, ёҳуд Оллоҳнинг?!

(*Темур жим*)

Кўкрагини кунга очган ўлкага
Нон эмас, қиличу қалқон кўтариб
Бормоқ ҳам Оллоҳга хуш ёқарми ҳеч?

(*Темур жим*)

Ер юзининг борки фуқаросига
Қўлу оёқ берган, кўз берган тангри
Чин ҳам, билгин, Оллоҳ измидаги жой.

ТЕМУР

Чин ҳам, ахир туркнинг отамакони,
Турклар тинч яшарди бутун Хитойда.
Хонбалиқ энг лойиқ, кенг шаҳар эди,
Турклар хитойлашиб, тилни унутар,
Томига турк-ислом туғин тикмасам.

ЗИНДОНИЙ

Байроқ омонатдур. Яловни еллар
Учирар, кўчирар динни ҳам дилдан.

ТЕМУР

Турк турк бўлибдики, минбаъад туғини
Елларга ўйинчоқ қилмаган ҳеч вақт
Турк дили бор экан, дини ҳам яшар.

ЗИНДОНИЙ

Турк шундай миллатки, кўнглига иллат,
Кибр ин қўймишдир, бир-бирин қирар
Туркона шуур йўқ, майда гурур бор.
Пайт пойлаб юради оға-инилар
Бир-бирин йиқмоққа, гўрга тиқмоқда.

ТЕМУР

Афсуски бу қусур одамзотга бор.
Турк ҳам Оллоҳ эмас, ахир одам-да
Ота-онасининг яхши-ю ёмон
Ҳислатлари қон-ла ўтар гўдакка
Дунёга келиб мен, ҳар лаҳза, ҳар он
Туркка турклигини эслатмоқ бўлдим.

ЗИНДОНИЙ

Умринг беҳудага совурдинг, нодон.
Турк эмиш... Туркларнинг қўли етса гар
Осмонни ҳам очкўз бўридай ғажир

ТЕМУР

(*ўрнидан туриб*)

Чол, тилни тий. Йўқса миллат шаънига
Тош отган тилингни итларга отгум.
Турк шундай миллатки, кундай миллатдур.
Эртадан шомгача дон етиштирар.
Заминга кўк берган, кўрк бергандур турк.
Ҳар туркнинг кўнглида буюк меҳр бор.

ЗИНДОНИЙ

Бу меҳр қаҳрга айланар ҳар он,
Ўзи болта урар ўз оёғига
Турк туркни ер доим, иймон, инсофни
Оёқости қилар, виждонни тилар.
Яхшиликка найза санчиш одати.
Эзгулик эзилар, миллат бузилар

*Саҳна айланди. Темур тепада қолади. Қий-
чув. Кексалар ва болаларнинг йиғиси. Жета навкарлари
халойиқни ҳайдаб ўтади. Аёллар ва болаларнинг қўллари
боғланган. Олма дарахтида мева эмас, мурдалар
осиғлиқ.*

ЯНГИ САҲНА

Бу ер Яккабоғ. Тепалиқда кекса Темур ўрнида ёш Темур
пайдо бўлади.

ТЕМУР

Элимга эрк берай, ҳақоратга чек,
Дея миниб эдим ният отига
Тулпор туёғига тиканлар кирди



Тўра Мирзо шоир сифатида аллақачон мух-
лислар назарига тушиб улгурган. Истеъдодли
ижодкор анчадан буён драматургия соҳасида ҳам
қалам тебратиб келади. Унинг бир неча драма-
лари вилоят, республика, хориж театрларида
муваффақият билан намойиш этилган. Айниқса,
кейинги йилларда яратган "Амир Темур" тарихий
драмаси Қашқадарё вилоят театрида қўйилиб,
томошабинлар ва мутахассислар олқишига са-
зovor бўлди. Маърифат аҳли ўртасида тилга
тушди. Бироқ асар тўла ҳолида нашр қилинмай
келади. Ушбу сондан мухлислар ҳукмига ҳавола
этилаётган драма улуғ бобомиз соҳибқирон Амир
Темурнинг 660 йиллигига яхшигина совға бўлади,
деган умиддамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Найзалар санчилди ёруғ муродга.
Амир Хусайин хузурига қўл оёғи боғлиқ Қиссахон ва
Темур Тошни келтирадилар.

НАВКАР

Фармонга биноан қайсар шоирни
Кишанлаб келтирдик. Манави эса
Унга ҳимоячи, муҳлиси эмиш.
Кўп қаршилиқ қилди, уч-тўрт йигитни
Улоқтирди якка.

АМИР ХУСАЙН

(Темур тошга) Сен ялангоёқ
Шоирнинг шеъларин тингладингми ҳеч?

ТЕМУР ТОШ

Тинглашга тайёрман, тагин эрта-кеч.

АМИР ХУСАЙН

Ишқибоз... шеърга ишқибоз экан.
Тагин қаро ерга ишқибоз бўлма.
Ўлдираман энди икковингни ҳам
Соғиниб қолманг деб бир-бирларингни,
Ёнма-ён қабрга қўямиз, шояд
Икков мушоира қиласиз гўрда.
(Амир Хусайн Қиссахонга таҳдид қилмоқчи бўлганида
қўлидан бир нарса тушади.)

ҚИССАХОН

Нишонингиз тушди, авайланг уни.
Тамға олиш учун қиш чоғида ҳам
Элни ҳайдагансиз далага ахир.

АМИР ХУСАЙН

Нишон эмас, узук.
(ердан олади)

ТЕМУРТОШ

Нишонларинг қани?
Элга рафиқмисиз, нишонга рафиқ?
Сизга инъом этган бузругингиз тиф.
Осмон хўжасисиз хаёлингизда
Йўлдошдур охунга хиёнат қилиш.
Юртни юлқиб ер ўз каламушлари.
Шундай садоқат-ла хизмат қилсангиз
Сизга мансаб берар ўрдадан.
Ўз элин эркини буғмоқлик учун
Қул бўлиб борасиз Кунботар ёққа
Пирингиз, отангиз ўрисхон томон.

АМИР ХУСАЙН

Олиб боринг, зумда калласин кесинг,
Хотини сочини юлиб қолади.

ҚИССАХОН.

Шоирнинг хотини йўқ, шоирнинг Ватани,
Куйларида ғами бор, ўйларида бахтиёр.
Халқи ҳамон ёлғон дер, ўз ичини ер шоир,
Шоир макони дор, шоир таоми озор.
У нурнинг боласидур, ғурурнинг отасидур,
Шоир элнинг кичиги, кўнгилнинг каттасидур.
Шоир мунгдан туғилар, бир туғилиб минг ўлар,
Кун нуридан ранг олиб, тун зўридан танг бўлар.
Шоирнинг тийини йўқ, ҳасратдан кийими бор.
Шоирнинг ўйини йўқ, Оллоҳдан битими бор.
Уни маҳв этиб бўлмас, қилич ҳавфидан ўлмас,
Имкондан ютуми йўқ, имондан тутуми бор.
Хар бир шеъри фуқаро, яшар Еру Кўк аро.
Унинг ҳар сўзи оппоқ, унинг ҳар кўзи қаро.
Шоир шеърсиз яшамас, кўзидан қон, ёш эмас,
Хар шеърин тугатар у ўзин дорга элтаро.
(Амир Хусайн Қиссахонга ташланади. Шу пайт Темур
кириб келади.)

ТЕМУР

Тўхтанг! (У Қиссахонни озод қилади)
Энди қўлга қилич олинг, йигитлар
Шайланинг ҳақиқий жанг бошламоққа,
Ҳаммангиз бир бўлиб Темурга қарши

Жанг қиласиз, ким танг бўлар сиз ё мен?

Лекин аяб кўрманг мени сўғишда.

(Ҳамма йигитлар бир томон, Темур бир томон бўлиб
жанг қилишади. Темур чапдастлик билан хужумни
қайтариб туради. Бир пайт унинг қўлидаги қилич учади.
Темур қуролсиз бўлса ҳам жанг қилади. Қизишиб кетган
йигитлардан бири унинг танасига қилич солади. Қилич
Темурга тегиб иккига бўлинади. Жанг тўхтади.)

КУНЧА ЎФЛОН

Кечир, дўстим, оғир зарбанг еб мен-да
Сенга қилич урдим.

ТЕМУР

Ҳеч бир қиси йўқ.

КУНЧА ЎФЛОН

Нечун сенга қилич ўтмади?

ТЕМУР

Менинг номим Темур, жисмим-да темир.

(Темур ва йигитлар яна жанг қилиб саҳнадан
чиқадилар. Амир Хусайн ва унинг синглиси Ўлжой Туркон
оға (Темурнинг хотини) пайдо бўладилар)

АМИР ХУСАЙН

Синглим, дунёда ўз туғишганингдан
Бошқа ҳамма ётдур, куёв ҳам ёвдур
Энг қора кунларда кўнглим уйини
Сен ҳақдаги илиқ ўйлар ёритар.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Оға, мен ҳам Сизни суямен жондан.

АМИР ХУСАЙН

Она ўлса, сингил онадир дерлар,
Онамдай суямен, суянчиғим сен.
Аймо эринг Темур ортиқ қўрс чиқди,
Илёсхўжа билан келишмас эмиш.
Бурни кўтарилган бир маҳмадона
Салтанати Олий амалдорларин
Иза қилар эмиш оми олдида.
Ахир Оллоҳ бизга иноят этиб,
Мансаб берган, Оллоҳ назари тушган
Ҳокимларга қарши бормоқ Оллоҳга
Қўл кўтармоқдур.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Эрим тилдан қўймас
Оллоҳ номин ҳеч.

АМИР ХУСАЙН

Эй тилга айтган-ла муслим бўлмас,
Оллоҳ суйган кимсалар эл бошида суймоқ керак аларни

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Мансабдорлар думи нечун мўл, оға?
Ё Оллоҳ бандаси тугул фуқаро?

АМИР ХУСАЙН

Синглим, эринг нуқси урибди сенга,
Оллоҳ яратганку шоҳу гадони.
Шоҳ шохлик қилсинму? Ёхуд халқ билан
Қўш хайдасинму у? Ҳар иш Оллоҳдан.
Синглим, эринг ахир худодан қайтган,
Жазо бермоқ зарур бундай динсизга.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Оға, мен, эримнинг ихтиёридан
Чиқсам саҳв бўлгайдур Оллоҳ олдида.
Синглингизман, лекин эринг хаспимен.
Эр қўлида эрки ҳар муслиманинг.

АМИР ХУСАЙН

(дўх уриб)

Синглим, синиб қолдим эринг туфайли,
Гарчаңд тилимиз турк, миллатимиз турк,
Сену менда олий мўғул қони бор.
Темурнинг зоти паст, турклар қавмидан,
Муғуллар қўлида юртнинг тизгини,
Жаҳаннамга бизни бошлайди Темур.
Агар синглим бўлсанг, оғалик ҳаққи
Менинг ўтинчимни бажармоғинг шарт.
Ота ўтгач, оға ота бўлади...
Ҳам отанг, ҳам оғанг ўрнида ўзим.

(Кўлидан узук чиқаради)

Темур таомига заҳар соласен,
Вассалом.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Йўқ, оға ўша заҳарни
Ўзим ичгум, аммо эрга тик бормоқ,
Жонига қасд қилмоқ учун йўл йўқдур.
Нега эркак бўлиб туғилмаганмен,
Ўзим чиқар эдим жонни аямай
Келгиндига қарши қилич кўтариб.

АМИР ХУСАЙН

Юлинар мўғилга кўтарилган қўл,
Ожизасен, хомсен, аёлсен, синглим,
Сиёсат дегани бир чуқур жардир,
Бирни эмас, ютар мингни қаърига.
(Узукни мажбуран синглисининг кўлига тутлади.)

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Раҳмат, оға, дунё савдоларидан
Қутулмоқ давосин бердингиз менга.
Қолган умримни ҳам эримга берсин,
Эркака зор бўлганим ҳаққи эримнинг
Иқболи ёришсин, Оллоҳ қўлласин.
Мен ўзим ичамен нажот дорисин.

АМИР ХУСАЙН

Узукни қайтиб бер, хотинлар билан
Ожизлар сулҳ тузар, қайтар узукни.
(Ўлжой Туркон оға узукни бермайди. Амир Хусайн
синглисини бўғади. Шу пайт Темур кириб қолади)

ТЕМУР

Номаҳрам бўлмасму никоҳсиз эркак?
Гар ўз оғаси, боз ҳоким эрса-да?

АМИР ХУСАЙН

(Темурни қучоқлаб)

Амир Темур, куёв эмас, инимсан,
Сенга умр тилаб беш вақт намозда
Умрим ўтаётир... Куръони карим
Бизнинг дўстлигимиз кўприги, шарти.
Куръони каримдан оят ўқисам,
Қасам ёдга тушар, муқаддас қасам
Оллоҳ йўл кўрсатсин... Ҳа, бу хотининг
Йиғи қилар мени олиб кетинг деб.
Жуфтхалол бўлмоқлик Амир Темурга
Қутлуғ бахт, нодон, деб синглим қулоғин
Бураб қўймоқчидим, ўзинг кеп қолдинг.

(Ўлжой Туркон оғага)

Ўзинг айт, эй, нодон, нечун безидинг
Эр деса дегулик шер, баҳодирдан?

(Ўлжой Туркон оға жим)

Майли, эр-хотиннинг хос сирларига
Оға бўлсам ҳам бош суқмаган маъқул.
Кутиб қолди мени салтанат иши,
Ягона синглимни ранжитма ортиқ.
(Амир Хусайн тез бурилиб чиқади)

ТЕМУР

Эшитамен не гап,? Очигини айт
(Ўлжой Туркон оға жим)
Кунларимни сарфлаб жанг-жадал учун
Сенга кўп эътибор бермаганим рост.
Нечун жимсен?

(Ўлжой Туркон оға жим)

Эр фақат хотиннинг мулки эмаску
Кеча-кундуз уйга қамаб ўтирсанг,
Гапир. Не муддаонг бор?
Эр элнинг қулидир ...

Айт, нечун жимсен?

Майли, дамингни ол... Хобхонага кир.

(Ўлжой Туркон оға ўрнидан турганида этагидан узук
ерга тушади)

Узук? Кўэларимга таниш туюлар.

(Ўлжой Туркон оға энгашиб узукни олмоқчи
бўлади, аммо Темур тезлик билан ўзи олади)

Ҳа, Амир Хусайн кўлида бир пайт

Кўргандай бўлувдим, совға қилдимми?

(Ўлжой Туркон оға бошини қимирлатади. Темур
узукнинг қопқоғини очади)

Нима бу? Узукниинг ичида заҳар?
Заҳар!!! Ҳой, ким бор?

ОҚ БУҒА

Буюринг, Амир!

ТЕМУР

Амир Хусайнни қайтариб келинг.
ОҚ БУҒА

Бундан чиққан заҳот Амир Хусайн
Отга қамчи урди, зумда йўқолди.
Ҳозир йигитларга буйруқ берамен,
Топиб келтиришар ўлик тиригин.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Не бўлса ҳам оғам, уни ўлдирманг.
ТЕМУР

Умр бўйи менга ўлим соғинар,
Менинг соғинганим бўлди яхшилик.
Жосуслик қилади ёнимда юриб
Илёсу Жетанинг ювиндихўри.
Куръон ўпиб қасам ичган қасамхўр.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Амир шафқат қилинг ёлғиз оғамга.
ТЕМУР

У шафқат қилмас-ку ўз синглисига.
ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Танти бўлинг, амир, ўтинчимдир шу.
ТЕМУР

Муҳтож бўлганида қўлимни чўзим,
Неча бор қутқардим танг қолганида,
Энди оёғимдан чалмоқ муроди,
Яхшилик илкин ёвуз ният-ла
Қайирмоқчи бўлган кимса йўқ бўлсин.

ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Амирим, яхшими, ёмонми билинг,
У менинг оғамдур манглайга битган.
Сингил танлай олмас одамлар ичра
Энг аълосин оғам деб, қисматим шу.

КУНЧА ЎҒЛОН

Не қилайлик, Амир, йигитларим шай.
ТЕМУР

Майли, уни қувманг, қўлни булғаманг,
Унинг қувиб борар ордан қасами
ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Яхшилик, ёмонлик нечун эгизак?
Субутсизлик ҳоким Курраи арзда.
Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас,
Эр десам, оғамга бўлган шафқатим,
Мени мағлуб қилар, оға десам-чи
Ҳақиқатга оёқ қўйган бўламен.

(Ўлжой Туркон оға ҳолсизланиб ўтириб қолади.)

ТЕМУР

Не бўлди? Табибни чорлангиз тезроқ.
ЎЛЖОЙ ТУРКОН ОҒА

Амирим, аҳволим оғир. Оҳ санчар.
ТЕМУР

Дояларни чорланг.

(Темур Ўлжой Туркон оғанинг қўлларини силайди)

Чида, азизим.

Она бўлмоқ ахир энг олий бахтдир.
Онадан бошланар қутлуғ бу ҳаёт
Сенинг оёғингга бу бошим тугул,
Оламнинг-да борки сара гулларин
Келтириб тўшасам камлик қилади.

(Доялар Ўлжой Туркон оғани нариги хос хонага олиб
чиқишади. Ўлжой Туркон оға додлайди. Темур жим
сахнанинг, у томонидан бу томонига юради. Чақалоқ
йиғиси эшитилади. Доялардан бири чопиб чиқади.)

ДОЯ

Ўғиллик бўлдингиз...

ТЕМУР

Ўғил! Оҳ!

ДОЯ

Аммо ...

ТЕМУР

Нима аммо?

ДОЯ

Бекач бажо қилди бандачиликни.

ТЕМУР

Оҳ, шум тақдир ,оҳ !

(Темур чолиб хосхонага киради. Хотинлар увлаб йиглашади. Қий-чув. Ўлжой Туркон оғаннинг жасадини кўтардилар. Темур энг олдинда чақалоқни қўлларига олиб аста боради .)

ТЕМУР

Оллоҳим гуноҳим не эди айтгин,
Кенг дунё тор бўлди суюклигимга .
Алвидо каломи боғлиқ тилимга ,
Қуёш нечун чиқдинг яна самога ?
Завжадан ажраган бахти қарога
Меҳрибон нурунгни сочмоқчимисен?
Қоронғу кўнглимни очмоқчимисен?
Нурлар дил зулматин ёрита олмас ,
Бу буюк мотамни арита олмас ,
Бир юзимни силаб лутф этган заҳот
Иккинчи юзимга урасен наҳот ?!
Оллоҳим, гуноҳим не эди айтгин!

САИД БАРАКА

(Темурнинг елкасига қўлини қўйиб)
Ин ал-ҳукму илла ли-лоҳи-
Ҳукм қилиш фақат Оллоҳга хос иш .
Шукр қилган ўғлим, Оллоҳ буюрса,
Манглайингга битган қайғу ва бахтни
Мардона кўтариб даврон сурасен .
Бир юзингга урган бўлса қисматинг,
Иккинчи юзингни меҳр-ла овлар .
Шукр қил. Ло илоҳу ил-лोलлоҳу!
Оллоҳдан бошқа ҳеч Оллоҳ йўқ.Омин ,

ТЕМУР

Ло илоҳу ил-лोलлоҳу Муҳаммадун
Расулulloҳ.

Мотам тутсинму ё севинсинми дил!

Ўғил тилар эдим қодир худодан
Расулulloҳ номи ила атайин.

Гарчанд унга лойиқ бойлигим ҳам йўқ.

Ўттиз ёшга кириб топган тугганим

Шикаста юртимнинг оғриғи бўлди .

Ватанга меҳр бор — бор бойлигим шу .

Шафқатсиз шамоллар кўчира олмас

Кўнглим тўла давлат-муҳаббатимни .

Шояд кўксимдаги юрт ишқи ,дарди

Унга ўтгусидир Оллоҳ буюрса.

Ўғлим адолатнинг туғини тиксин

Бутун дунё узра, ўғлимнинг номи

Муҳаммад Жаҳонгир Тарағай бўлсин.

Омин.

ҲАММА

Омин.

(қоронғулик)

САИД БАРАКА

(Азон ўқийди)

Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар...

Темур якка курсида ўй суриб ўтирибди. У ҳоргин. Терга ботган. Паришон хотир. Калимасини келтиради.

Ло, илоҳу илло-ллоҳ, Муҳаммада - ан расуллилоҳ.

(Қилич яланғочлаб Туғлуқ Темурхон, Ўрисхон, Мамай, Амир Хусайн, Йилдирим Боязид, Чжу Юаньчжань, Генрих IV кириб келишади.)

АМИР ҲУСАЙН

Куёв бошладингми ёвликни мендан?

Мен ҳақимда тухмат ёлғон- яшиқни

Терган қулоғингни кесиб оламен.

ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОН

Мен ҳокимлик қилган ерга тикилган

Кўзингни ўямен тирмизак сенинг.

(Икки бармоғини кўрсатади)

ЎРИСХОН

Оқ Ўрдага чўзмоқчи бўлган

Қўлларингни кесамен Темур.

МАМАЙ

Оёғинг узамен Олтин Ўрдага

Чўзиб улгурмасдан разил "шоҳаншоҳ"?

ЙИЛДИРИМ БОЯЗИД

Бутун турк элига бош бўлмоқчимисен?

Бу бошни сапчадай узамен ўзим.

ЧЖУ ЮАНЬЧЖАНЬ

Бўйлай кўрма сира Чин давлатига,

Бўйинг кетади-я шу йўғон бўйинг.

ГЕНРИХ IV

Англия лордлар диёри, англа,

Фўрларга, туркларга жой йўқ бу ерда.

(Улар ҳаммаси Темурни ўраб олишади. Шу пайт Темур турган жой юқорилайди. Тўртта фаришта оқ кийимда пайдо бўлишади. Бир фаришта Темурнинг қўлига қилич тутқазади. Темур қиличдаги ёзувни ўқийди.)

ТЕМУР

Рости русти.

(Темурни ўраб олганлар унга ҳамла қилишади. Темур қиличдан кўзини узмайди. Унга отилган қиличлар Темурга етмай ерга санчилади)

Росту руст. Орсту руст. Адолат ва озодлик.

Темур чўчиб ўзига келади. Аввалги сахна рўё эканлигини англайди.

(Саид Барака Темурни етаклаб чиқиб кетади. Ортидан Темур навкарлари эргашдилар. Саҳна айланади. Уламолар гурунг қилиб ўтиришибди.)

1- УЛАМО

Оллоҳимга шукур, минг қатла шукр,

Гарчанд юртнинг беги бегонаку-я,

Масжид, жомеларни очдириб қўйди.



Расми Э. ҚОРАТОВЕВ чизган.

Тонгдан шомга қадар намоз ўқимоқ,
Хатто рўза тутмоқ мумкин қўрқувсиз.

2- УЛАМО

Кириб кўйибману етмиш тўрт ёшга,
Рўза тутмоқликдан бошқа касбим йўқ.

1- УЛАМО

Тилингиздан захар томиб туради,
Шукр қилинг, дуо ўқинг ҳоқонга .
Ахир меҳнатчининг ҳуқуқи дуруст
Ишдан ҳуқуқи бор , бола туғиш ҳам.
Намоз ўқишу ҳам худойи қилиш
Фикҳлари бордур. Яна не керак ?
Ҳоқонга минг раҳмат. Оллоҳ сўзини
Тез-тез тилга олмоқ бўлди одати .

2-УЛАМО

Айримлар мусулмон тилнинг учиди ,
Аммо кўнгли фисқу-фасоднинг ини .
Баъзилар отаси қазо қилган пайт,
Қуръони Каримдан оят ўқишни
Билмайди... Кўпайди сохта мусулмон .

3-УЛАМО

Ҳокимлар ҳазар ҳам қилмас ҳаришдан ,
Ҳаромни ёғ мисол ютар тамоққа .
Фақирларга зулм кучайди ортиқ ,
Пора олар, номин кўймишдир тортиқ .

4-УЛАМО

Шариатга хилоф ишлар олди авж ,
Эрлар хиёнатни касб қилди мутлақ .
Жуфти ҳалолига вафо кўрсатмай
Зино қилар ҳатто ёт аёл билан.
Енгилтақ аёллар никоҳсиз эрга
Суқ билан боқарлар, бузуқлик босди .

5-УЛАМО

Оллоҳ таъқиқлаган шароб ичмоқни
Майхўрлар ичарди бурун яширин .
Энди дастурхонга кўйиш бўлди урф.
Арақ шимирарлар тўй, анжуманда
Уламолар шохга сотилса ёмон ,
Мустабидни алқаб турса дин аҳли,
Бундай юрт йўқ бўлиб кетгани афзал.

1-УЛАМО

Ахир аста-аста мусулмончилик.

6-УЛАМО

Бу оқшом туш кўрдим , бир жасур йигит
Кўнглига солибди иймонни , Оллоҳ.
Иншоолоҳ ўша ботир жаҳд этиб
Турк эли қаддини тиклаб олади.
Жомеълардан янграб "ОЛЛОҲУ АКБАР"
Ислом байроғини маҳкам тутажак.

*(Шу пайт эшик очилиб, Темурни эргаширган Саид
Барака пайдо бўлади.)*

САИД БАРАКА

Бу ўғлон кўп улуғ ишга қўл уриб,
Биздан мадад сўраб, ижозат сўраб
Келибди. Эрк йўлин қопқалари берк .
Ҳар қандай зулмга аммо бордир чек,
ТЕМУР

Оллоҳ қутлуғ ният бахш этмиш менга .
САИД БАРАКА

Оллоҳ инояти қалбга солмоқлик ,
Орзунинг рўёби ўзингга боғлиқ.
Юртимизни топтар бегона отлар ,
Иймон илдизига урилган болта .
Тўнғиз кўпгур Чингиз ўлган бўлса ҳам ,
Унинг иши яшар , қилмиши яшар .
Турклардан кўйилган қўрқоқ амирлар ,
Титраб салом берар муғул итига .
Юрт беги , Жетанинг қўғирчоғидур.
Тилда элим деру қўлда қамчиси ,
Эркагу аёлни далага ҳайдар.
Нега ер ютмайди ювиндихўрни ?
Нега сотқин туғар оналар фақат ?
Бундай нафс бандаси , ёв арзандаси

Хоин номи қора ёзилгусидур .
Ўғлим , кўзларингда бир қатъият бор ,
Сендай ўғли бор халқ қул бўлиб қолмас...
Турк эли қул эмас , эркака ташнадур,
Турк эли қул бўлмас , сендай қул бўлса.

ТЕМУР

Раҳмдил Оллоҳнинг номин тутганмен,
Ниятим юртимни озод кўрмоқлик .
Мусулмонга қарши қилинган хуруж
Шафқатли Оллоҳга қўл кўтаришдир .
Жойнамоз устига от кўйилгани -
Муслим эътиқодин сўйилганидур.
Ерни тутмас экан азоннинг саси ,
Мусулмон бўғзига тош тиқилгани .
Ҳақорат, ҳақсизлик қасрини йиқиб
Кўтарамен ислом туғин, турк туғин.

САИД БАРАКА

Тошлоқдур, ботқоқдур сен борар йўллар,
Бошинга иш тушса оллоҳим қўллар,
Қувват берар сенга шиддат берар ҳақ.
Ла ҳавла ва қуввата илла биллаҳ.

ТЕМУР

Оллоҳ ҳар қайғуни кетгизгувчи, сен !
Дуони ижобат этгизгувчи, сен !
Эй, бор мавжудотни ёлғиз хўжаси.
Сен, инсоф , иймоннинг мангу кўчаси.
Оллоҳ. Ҳар нуқсонни тузатгувчи, сен.
Ҳар асрор, хийлани кузатгувчи, сен.
Сен, эй, ҳамнишини ғарибни танҳо !
Ёлғизлар муниси Оллоҳ, эй Оллоҳ !
Юрт ташвиши мени тортар бўйнимдан.
Йиқилган чоғимда тутгин қўлимдан.
Менинг қалбимга сол муҳаббатингни
Бу фақир қулингга бер шафқатингни.
Сенда ўзга менда ўзга зикр бўлмасин.
Хифзингга ол, ўзга фикр бўлмасин.
Оллоҳ, сендан ўзга йўқдир паноҳим..
Раҳм эт, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм .
Аллоҳумма йа кашифа кулли қурбатин
Ва йа мужиба кулли даъватин.
Ва йа саниъа кулли масънуин
Ва йа жабира кулли касирин,
Ва йа соҳиба кулли ғарибин ,
Ва йа муниса кулли ваҳидин ,
Ва йа шоҳида кулли наҳва ,
Ва йа ҳозира кулли балва,
Ва йа ла илоҳа илла анта субханака
Асалука антажалани фаражан ва маҳражан
Ва ан тахфиза хуббака
Фи қалби хатта ла йокуна
Ли ҳаммум ва зикрун ғайрука
Ва тахфазани ва тархомани
Ва архама ар-рахимино

ҲАММА

Омин .

*Самарқанд. Амир Темур тахтда ўтирибди. Унинг
атрофида фарзандлари, хотинлари, вазирлари
, сардорлар, нуёнлар ўтиришибди.*

ТЕМУР

Тингланг, Амир Темур Тарағай сўзим ,
Самарқанд шаҳрига бутун ер юзин
Моҳир меъморларин чорлаган эдим .
Буюк кошоналар қурмоқ ниятим ,
Не ишлар қилинди ўғлим , Мироншоҳ?

МИРОНШОҲ

Ишлар авжда борар эй, олампаноҳ
Кундан кун қад тиклар гўзал Кўксарой ,
Боғи Дилкушо ҳам очмоқда чирой.
Боғи шамол, Боғи Нав, Боғи Беҳишт
Тез кунда амирга кучоғин очмиш .
Олампаноҳ. Сизга битта арзим бор,
Шоирлар шоири мавлоно Мадҳий,

Амиримга атаб қасида битмиш .
(Мадҳий қўлда баёзи билан таъзим қилади)

ТЕМУР

Ростин ёзган бўлсанг, сийлов оласен .
Ёлгон бўлса агар , ёмон бўлади .
Қайси шаҳардансен ?

МАДҲИЙ

Бухоро

ТЕМУР

Ўқи.

МАДҲИЙ

(қасида ўқийди.)

Осмон осмон бўлиб Темурдек офтоб
Коинот уфқида ҳали битмаган .
Амирнинг ҳар амри бир олтин китоб ,
Шоҳаншоҳлар дасти унга етмаган .
Фуқаронинг қадр топмаган қўли
Темур замонида топди эътибор .
Амирдан бошланар инсофнинг йўли ,
Темур боққан жойдан бошланар баҳор .
Юлдузлар жам бўлиб, қувватга тўлиб ,
Амирга сочади нурина тўкин .
Чечаклар очилиб, дехқонлар кулиб
Ҳар қандай солиқдан озоддир бу кун .
Илм-фикрат бобида ўғлинг Мироншоҳ ,
Фозилдир, восилдир , камолатда тоқ .
Ҳали туғилмаган бундай ҳукмдор .
Кундай яшнамаган ҳали бир диёр .
Сенга соғлиқ , бойлик доим бўлсин ёр,
Сенинг Мироншоҳдек танти ўғлинг бор .

(Ҳамма қарсақ чалади)

ТЕМУР

Сохта хушомадга тўн кийдирибсен .

МАДҲИЙ

Куллуқ.

ТЕМУР

Юртда не ҳол , арзбеги ?

ЭШИК ОҒА

Қутлуғ Бухорода дехқонлар бугун
Норози бўлмишлар жон солиғидан .

ТЕМУР

Мовароуннаҳр солиқдан озод.
Менинг ҳукмим шундай. Ўзгаргани йўқ.
Ҳов, шоирбачча, сен қаердан эдинг ?

МАДҲИЙ

Бу... Бух...

ТЕМУР

Мадҳиябоз каламуш .
Бармоғини кесинг . Ёлгонни ортиқ
Ёзолмасин энди.

(Жаллод Мадҳийни олиб чиқади)

ТЕМУР

Сен, Мирзо Мироншоҳ, бу қандай қилиқ?
Айтинг, ҳукмдорга бу қандай жазо?
Ёлгон мақтовларга зормисен ҳали ?
Гар шеърда ёлгон бор, бу юрт бўлар хор .

МИРОНШОҲ

Ўқимаган эдим , шеърни , амирим ,
ҚИССАХОН

Ундай бўлса , Мирзо айбингиз ортиқ,
Падарга заҳарни этарсиз тортиқ ?

МИРОНШОҲ

Шеърни тушунмаймен, айбга иқрормен .
ТЕМУР

Шеърни англамаган , элни англарму?
ҚИССАХОН

Ёлгон шеърни олса, бу шеър ўқилса ,
Кириб борса осон томир-томирга
Золимга айланиб қолар элу-юрт .
Ахир инна изан лозлимуна.

МИРОНШОҲ

(Темурга тиз чўкиб)

Бошқа тақрорланмас ҳеч, соҳибқирон .
ТЕМУР

Шаҳзода, ўрнингдан тур, тиз чўкма ҳеч,
Кўзинг киртайибди, таажжубдамен
Тобинг йўқми сенинг , иситма босмиш ?
МИРОНШОҲ

Соппа-соғмен , амир .

ТЕМУР

Ўзни ер кўкка

Ураверма ҳадеб

МИРОНШОҲ

Салтанат иши ,

Менга куч бағишлар доим , амирим .

ТЕМУР

Рангинг ҳам заъфарон.

(Давоми келгуси сонда)

ОБУНА - 96

"ЁШЛИК" ОБУНАГА ЧОРЛАЙДИ!

АЗИЗ ЖУРНАЛХОН!

Гарчанд кутдириб бўлса-да, мана журналнинг барча сонларини бу йил қўлингизга етказяпмиз. Иншоллоҳ, кейинги сони ҳам беминнат хонадонингизга кириб боражак.

Келгуси йил учун эса ҳозирдан замин ҳозирлаб қўйганимизни Сизга баралла айтсак бўлади. Иложини топсак журнал ҳажмини тағин-да кенгайтириш умидимиз бор. Шунингдек, келаси йили Тоғай Муроднинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" рўмани, Одил Ёқубовнинг "Фотиҳи музаффар" драмаси, Абдулла Ориповнинг "Амир Темир қиссаси" драматик достони, "Дақойиқ-ул ахбор"нинг давомини, Муҳаммад Юсуф, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи ва бошқа шоирларнинг туркум шеърлари, янги қисса ва ҳикоялардан Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз. Ваъдамиз шу! Ҳеч иккиланмасдан обуна бўлаверишингиз мумкин. Обуна нархи жуда қиммат эмас:

Бир йилга 228 сўм,

Олти ойга 114 сўм.

Нашр индекси 75241



ШАХС АЖДОДЛАР ОФИТЛОБИ

Шахс, миллат, жамият онгида куртак тутган, барг ёзаётган эрк гоёларининг бадий идрок этилиши аввало санъаткор дунёқарашига боғлиқ. Эркарварлик, ватанпарварлик гоёларининг шахс онгида шаклланиши, ривожланиши хусусиятлари инсон, табиат ва жамият ҳақидаги янгича тасавурларда, янгича бадий талқинларда зуҳур топади. Таниқли адиб ва драматург Эркин Самандар билан адабиётшунос олим, профессор Нўмон Раҳимжоновнинг ушбу мавзудаги суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Эркин ака, "Аждодлар қиличи" драмангиздаги муҳим маъно ташиган йўналишлардан бири шахс эрки, миллат қадри, ватан озодлиги учун кураш гоёсидир. Мазкур концепция Сизнинг "Она ва ўғил", "Олис нидолар" сингари балладаларингизда куртак ёзган эди. Уларда яхлит бир муштараклик бор. Бу нарса тарихий материалга ёндошишдаги бадий-фалсафий концепцияда зуҳур топган. Хусусан, кўрқоқлик-эрк кушандаси; яқдиллик ва бирлик йўқолган жойда шахс ҳам, салтанат ҳам, бахт ҳам синади, деган бош маъно эпик асарларга эстетик яхлитлик бағишлайди.

"Аждодлар қиличи" — шу жиҳатдан сертармоқли фалсафий асар. Оналар образини оламизми (Волида қиёфасидаги замин, Жалолиддиннинг онаси — Ойчечан, Хоразмшоҳнинг онаси — Туркон Хотун) ёки тарихий шахслар образларига мурожаат этамизми, барчаси ўз тақдири ва яшаш фалсафасига эга.

Мазкур асарларнинг ҳар бири ўз яратилиш тарихига эга бўлса керак. Тарихий манбаларнинг ўрни ва хизмати ҳам айрича, чамаси. Бадий ниятни амалга оширишда уларга мурожаат этмаслик мумкин эмас, албатта.

— Чиндан ҳам, келишувчанлик, лоқайдлик одамни ҳалокатга гирифтор қилади. "Аждодлар қиличи"даги тарихий шахслар орасида Туркон Хотун ва Жалолиддиннинг онаси Ойчечан образлари бор.

Чингизхон билан тенгсиз жангда Жалолиддин енгилади. Ўша давр удумига кўра шоҳ ва шахзоданинг барча оила аъзолари сафарда, жангу жадалларда ҳамроҳ юрган. Ойчечан кўрадики, мағлуб шахзоданинг оиласи мўғул хони ҳарамиди хизматкор бўлиши керак. Лекин у ўзини ҳар қандай хўрлик ва ҳақоратдан баланд тутди.



Сендан ўғлим энг охириги ўтинчим бор,
Уни адо этмоқликга куч топ ўзингда.
Ўлганимиз яхши ёвга асир тушгандан,
Балиқларга ем бўлайлик - дарёга оқиз.

Аввал Жалолиддин даҳшатга тушади. Лекин онаси, хотини, фарзандларининг Чингизхон чанғалидаги қисмати кўз ўнгида гавдаланадию, волидасининг ўтинчини адо этади: оиласини дарёга оқизади. Туркон Хотун эса Урганч қамалда қолган маҳали ўз яқинларини жамлаб

қочиб кетади. Олис бир қалъада яшириниб яшайди. Лекин мўғуллар таъқиб этиб бориб уни асир олади. Туркон Хотун чувринди алпозда Чингизхон ялоғидан ювинди ичиб кун кечирришга рози бўлади. Тарихий манбаларда мазкур воқеалар шафқатсиз ҳақиқати ила баён этиб берилган. Хусусан, Чингизхон Туркон Хотун бошига ит кўрмаган кунларни солади. Охир-оқибат мўғул жаллоди Хоразмшоҳнинг норасида ўғли — Туркон Хотуннинг набираси кўксига ханжар уриб, юрагини юлиб олади ва итининг олдига ташлайди. Муаррих Насавийнинг гувоҳлик бериб ёзишича, Туркон Хотун тупроққа қориштириб ташланган сарқитларни ҳам кўзига суртиб еган ва охири хорзорликда ўлиб кетган.

Мана, ҳаётга бўлган икки хил муносабат. Шоҳ хонадонидидаги икки аёлнинг тақдири. Ким қандай талқин этмасин, у бизнинг тарихимиз. Садоқату сотқинлик, инсонинг ўз фарзанди, зурриёти, миллати олдидаги бурчи-маъсулияти жиддий ўйга толдиради. Барчаси хусусида тарихий далилларла узоқ фикр юритиш, алоҳида асарлар яратиш мумкин. Булар — биз учун сабоқ.

— Волида қиёфасидаги Замин образи зиммасига ҳам серқирра вазибалар юкланган. "Аждодлар қиличи" тарихий фожеасининг бош гоёси ("Эрк деганни бирлаштир ва айлагил

якдил") ана шу Она образи орқали шуълаланади. Жалолиддин эса сарой аёнлари билан баҳсда ушбу ҳақиқатнинг ижтимоий асослари хусусида мушоҳада юритади.

Қўрқармилар? Йўқ. Бу халққа қўрқув бегона, Шундай буюк салтанатни буёд этган халқ Қурби етгай хар қандайин ёвни явчмоққа. Фақат уни бирлаштирмоқ,ягона бир саф, Бир оқимга айлантирмоқ даркор. Спз эса Қалъаларни бир-бирдан буткул ажратиб Бўлак-бўлак қилиб юртни, ёвнинг олдиға Хоҳлаганча гажи дея,ташламоқдасиз. Бундан ортиқ хонлигу хивнат бўлмас.

Хиёнатнинг илдизи кўп ва чуқур.Асарда бир ҳовуч сарой аёнлари (Аълоиддин Хоразмшоҳ,Хўжа Бадриддин,Низомулмулк,Туркон Хотун ва бошқалар) феъли-фаолиятидаги кўрқоқлик ва парокандалик билан пардаланган хиёнатнинг бир учи маънавий қашшоқликка бориб боғланади. Бойликка муккасидан кетиш охир-оқибат ҳам маънан, ҳам жисман таназулга гирифтор қилади, деган маъно бор.Ноахиллик, бирликнинг йўқлиги ҳам миллий иллат сифатида талқин этилади. Асарда миллатни , туркий улусни бирликка давъат бир муштдек залворли, бир бошдек якдил ва ҳикматли бўлишга чақириқ бор.Олис тарихдан халқнинг бошини қовиштирадиган маъно изланаётир. Аччиқ ва аламли сабоқлар бизга ўша тарихий ҳикматни бугун яна бир бор эслатаётир. Лекин шоҳ хонадонининг таназули, Хоразмшоҳлар салтанатининг сочилиши — бу ҳали миллатнинг инкирози эмас. Шу маънода, ҳар қанча фожеали эса-да, иллату хиёнатларнинг шеваси кўп, бироқ уларнинг мазмунига миллий тус бериш мумкин эмас.Яъни, хиёнат ёлғиз одамларнинг фожеаси. Шу жиҳатдан "Аждодлар қиличи" да миллатнинг боқийлигини таъминлаган бош маъно — бу имон саломатлиги, имон бутунлиги. У Ватанга, она юртга, оилага, дўстга садоқат, меҳроқибат, фидоийлик сингари рангин қирралари билан жилоланади.

Юрт бўлиниши мумкин, ва лекин, миллат бўлинмасин. Қадди — бастлар букилиши мумкин, ва лекин қадриятлар букилмасин. Қиличлар, қанотлар синиши мумкин, ва лекин, имон-эътиқодлар синмасин. Бу — фожеий асардан уқилган маъно қирралари.

— Жалолиддиннинг нияти Самарқанд, Урганч, Бухоро,Шош, Ўтрор ва бошқа ўнлаб кентларга сочилган лашкарни бирлаштириш, бир муштдек тугиб душманга қақшатқич зарба бериш эди.Лекин Аълоиддин Хоразмшоҳ бу режага кўнмайди, ўғлига ишончсизлик билдиради. Хоразмшоҳ салтанатининг мағлубияти — бу куч-қудратнинг сочилиши, нафратнинг бўлиниши, ишончнинг парчаланиши оқибатидир.Бу нарса ҳам мамлакат, ҳам салтанат, ҳам шахсиятларнинг букилишига, тўкилишига олиб келди.Қаранг, ота ўғилга, момо набирага ишонмаса; подшоҳ лашкарга, черик шоҳга ишончсизлик билдирса. Бундан ортиқ фожеа бўладими?!

Энди, бундан бўлак тузоқлар ҳам кўп ва хилма-хил бўлган. Нажмиддин Кубро ҳақида гапирганда ҳам бир ҳолатни алоҳида қайд этиб ўтгандим. Подшоҳ билан дин арбоблари ижодкор аҳли якдил бўлмоғи даркор. Агар йўллар, қарашлар, фикрлар

айри тушса, парокандалик бошланади. Мағлубиятнинг учинчи омили-уламолар билан подшоҳ ўртасида рахна. Бу келишмовчиликни душман айғоқчилари атайлаб вужудга келтирган. Демак, ноахиллик, парокандалик, миллий бирликнинг йўқлиги улуг бир мамлакат халокатини тезлаштирди.

— Ватан, миллат тақдири билан боғлиқ ўтмиш сабоқлари келажак учун ҳам муҳим. Эртанги ёруғ тонларнинг отишида, олис-олисларга ташлайдиган назаримизга, кўз нуриимизга ҳам дахлдор.Шундай экан, бир воқеа-ҳодиса бошқа халқ томонидан ўзгача баҳоланишига ажабланмаслик керак.

— Жалолиддинни Кавказ томонларда босқинчи деб талқин қилишган. Аслида эса у қайси жойга борса, олдиндан чопар орқали: "Чингиз келаяпти. Шу боисдан кучимизни бирлаштирайлик", мазмунида номалар йўллаган. Афсуски, ўша даврда буни кўпчилик тушунмаган. Жалолиддин орзуларини "Аждодлар қиличи"нинг бошидан охиригача олиб ўтишга интилдим. Бирлик бўлсин; уламо, зиёли, черик, салтанат—ҳаммаси бир мамлакат учун бирлашса уни енгадиган куч топилмайди.

Иккинчидан, аждодлар қиличи зиммасига юкланган маъно Қилич — бу усталар ясаб берган қурол.Лекин у шунчаки бир оддий қилич эмас.У қадим-қадимдан...ўша Тўмарислар баланд кўтарган ва қўлидан туширмаган,авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган муқаддас тиг.Ва у келажак авлодлар қўлида қолиши керак.Улар ақл-заковат билан ҳам эркини, ҳам Ватанини босқинчиларнинг шум қадамидан муҳофаза эта билсин.

— Туғ ва тигнинг боши эгилиши мумкин,ва лекин уларни тутган қўллар қалтирамаслиги,ғуруридан ҳаприққан қалблар асло увишмаслиги титрамаслиги шарт.Ҳақ йўлида,эрк ҳимоясида қиличлар ҳам ҳақиқатнинг тийран кўзларига айланади.

Бадий талқинлардаги хилма-хиллик ижодий нуқтаи назарлар маҳсули,албатта.Мақсуд Шайхзода "Жалолиддин Мангуберди" асарида уни ҳалол,мард, серҳиммат шаҳзода сифатида акс эттиради. Ёвга шафқатсиз,ва шу билан баробар ватанга ,оилага, дўст-биродарларига бокира меҳр-муҳаббати адоқсиз;кўксига дуди осмонга ўрлаган олов бор. Унинг алангаси ҳар қандай совуқ кесакларни ҳам иситади.Қалбларга чўғ солади. Ана шу чўғнинг уруғи бугунги авлодлар кўнглига туташ.

Устоз Мақсуд Шайхзода талқинида инсон шахсиятидаги, табиятидаги ижтимоий ҳақиқатнинг моҳиятига яширин ана шу қирралар ғоят теран фалсафий йўсинда ўрганилади.Жалолиддин фаолиятидаги ёвқур жангарлик билан баробар ортиқча таккабурлик ишонарли саҳифаларда ёритилган. "Аждодлар қиличи" даги Жалолиддин Мангуберди шахсиятида ана шу жиҳатлар янада ривожлантирилган, устознинг бадий тадқиқотчилик усули давом эттирилган, назаримда.

— Одам ўз элини, юртини дил-дилдан севмагунча мақсадига етишолмайди.Меҳр оқибат ва эътиқодда анъана бўлмайди, аксинча, унда ворисийлик кучли.

Баландпарвоз сўз деб қараладиган бўлса, Американи олинг. У ерда "Америка учун" деган шиор болаларнинг ёшлигидан вужуд-вужудига сингиб кетади. Болалар мактабга илк бор қадам қўйганда аввал Америка гимнини айтади, байроғини ўпади, кейин дарсларга киради. Агар, Америка учун бир неча авлод шу тахлитда фидойилик кўрсатмаганда, курашиб яшамаганда Америка бу қадр ривожлана олмасди. Бу билан Америкадан ўрнак олайлик, демокчи эмасман. Биздаги ватанпарварлик туйғуси Америкадагидан кучли бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан ватанпарварликда миллий мазмун кучли. Мен "Аждодлар қиличи" да ана шу туйғуни янада баланд ва гўзал саҳифаларда кўрсатишга интилдим.

Афсуски, ватанпарварлик туйғуси ҳаммамизда ҳам тугал шаклланмаган. Аксарият холларда: "Қаерда қорнинг тўк, эгнинг бут бўлса, ўша жой — ватан-да!", деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Маълумки, қишлоқларда ҳар бир киши ўзи тугилиб киндик қони тўкилган тупроқни бағоят эъзозлайди. Биз ёшларни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Ватанпарварлик туйғуси ҳар биримизда кўз нуриддек, қалб қўриддек табиий бўлиши керак.

Ўзбекистон мустақиллик йўлига қадам қўйган ҳозирги вақтда ҳам эски қолип ва андозаларни қўмсаётганлар йўқ эмас. Яқинда ўзимизнинг бир зиёли кўнглини ёриб қолди: "Коммунизмда яшаган эканмизу билмаган эканмиз. Вей, ароқни кўчада териб қўйиб сотишарди-ей. Уч сўмдан. Ҳоҳлаганча ол. Ҳамма нарса сероб эди".

Мен унга айтдимки, бозорда ва дўконларда сотилмайдиган бир нарса йўқ эди-да. Одам эркини айтаяпман.

Э, у кунларнинг ўтгани рост бўлсин! Эндиликда бошимизни баланд тутишимиз лозим. Минг йиллик тарихга, бой маданий меросга, ақл-тафаккур хазинасига эга бўлган халқ ҳар қанча бошини баланд кўтариб юришга ҳақли. Тарихий ҳақиқат шуни тақозо қилади.

— *Шоирлар ижодига ёндошиш ва баҳолашда ҳам ғалати бўлиниш, чалкаш принцип ҳукм суриб келди. Хусусан, Хусайн Бойқаро ёки Феруз сингари подшоҳ ва хонлар атрофидаги ижодий муҳит шоирлари, ёзувчилари ёмон, деб келинди. Деҳқонлардан, қосиб ёки ҳунармандлардан чиққан шоирлар яхши, деб баҳоланди.*

— Булар, ахир, нотўғри-да. Ҳақ гапни айтадиган, ҳақ қарор топадиган замонлар келди. Нега энди ижодкор кимса камбағал, афтода аҳволда яшаса — "яхши шоиру", бадавлат яшаса — "ёмон" ижодкор бўлиши керак экан. Фақат санъаткорларга, уларнинг асарларига эмас, умуман, одамларга ҳам шу тахлитда баҳо бериб келдик. Бой одам бўлса, у — "аблаҳ", "муттахам"; камбағал бўлса, у — "яхши", "олийжаноб". Балки, камбағал кимса укуви йўқлигидан, ношудлигидан, меҳнатни уддалай билмаганидан шу кўйга тушиб қолгандир. Бой одам эса ақлли, тадбиркор, ишбилармондир.

"Эрк садолари" дostonини ёзиб юрган кезларим эди. Аваз Ўтар — асарнинг бош қаҳрамони. Бизни мактабда: "Аваз Ўтар хонни ёмонлаб, танқид қилиб шеър ёзгани учун хон уни калтаклаган, зиндонга ташлаган, жиннихонага

олиб бориб қабристонда сақлаган", деб ўқи-тишган. Ҳозир ҳам айрим муаллимлар шу тахлит гапларин айтиб болаларнинг фикрини чалғитади.

Ўша адабиёт муаллимларининг гапларини ўргандим. Аваз Ўтарни қайси қабристонга элиб, қўл-оёғини боғлаб қўйишган деб текширдим.

Бу аслида қандай бўлган ўзи?!

Қаердаки истеъдод учқуни пайдо бўлса, Феруз ўша ижодкорни ўз паноҳига — ҳимоясига олиб, раҳнамолик кўрсатган. Саройга олиб келган, моддий ва маънавий кўмак берган, камол топишига ҳомийлик қилган. Аваз Ўтарга ҳам ана шу марҳамат насиб этган. Саройда, Ферузхоннинг назарида бўлган. Аваз Ўтарнинг отаси Ўтар бобо ўта фасоҳатли, инжа табиатли киши экан. Хоннинг ҳам табиби, ҳам сартароши бўлган. Аваз Ўтар саройда хизмат қилиб юрган кезлари. Бир куни Хивада шаҳар кўчасига чиқиб турса, одамлар Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини зиёрат қилиб қайтишаётган экан. Шу кеча-кундузда ҳам буткул Хоразм эли, атроф-теварақдагилар Паҳлавон Маҳмуд руҳидан мадад сўраб қабрига мақбарасига бош уриб келади. Жума номози экан-да. Одамлар мақбарадан гуррос-гуррос чиқиб, кўчани тўлдириб келишаётган палласи.

— Халойиқ қаердан келаяпти, — деб сўрабди Аваз Ўтар.

— Паҳлавон Маҳмуд зиёратидан қайтишаяпти.

— Нега энди уни тавоф этишади? Ахир, у ҳам оддий кимса, худонинг бир бандаси-да.

Авазнинг бу гапи, албатта, хоннинг қулоғига етиб боради. Шунда хон уни ўлимга ҳукм қилади. Кейин одамлар ўртага тушиб, жазони юмшатадилар; калтаклаш билан алмаштирадилар.

Хон нега шундай қилди? Паҳлавон Маҳмуд руҳига шу қадар беписанд қараган шоир эртага улкан ижодкор бўлолмайди. Шуни Аваз билиб қўйиши керак, деб хон уни жазолайди. Сабоби, Паҳлавон Маҳмуд пир, даҳо шоир. Унинг руҳи-покига шаккоклик Ферузхонга оғир ботган.

Энди, илмда ана шу фақат ғоят хилма-хил талқин этилади. Бир жойда: "хонни, салтанатни танқид қилгани учун калтак еди", деймиз. Кейин: "жамиятни, ижтимоий тузум ноҳақликларини фош этгани боис жазога тортилди", дейилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий ҳақиқатдан беҳабарлик ва уни чалкаш талқин этишдан бўлак нарса эмас.

— *Бу ҳам замонасозликнинг бир белгиси. Шу ўринда бошқа бир масала кўндаланг бўлаётди. Хусусан, тарихий асарда факт, ҳақиқат ва бадий тўқиманинг ўзаро муносабати масаласи. "Хива дутори"ю "Она ва ўғил" ҳам, "Аждодлар қиличи"ю "Эрк садолари" ҳам тарихий материал асосига қурилган. Улардаги ҳар бир фактнинг ўзи драма, фожеа, даҳшатли бир қисмат.*

Тарихий фактлардан фойдаланиш меъёри, бадий тўқиманинг эса муайян меъзони бўлар экан-да. Биргина "Эрк садолари" дostonини оладиган бўлсақ, Аваз Ўтар, Ферузхон, Ўтар бобо, Аҳмад Табий сингари тарихий шахслар билан баробар Шарпа, Қаҳр, Нидо, Гиря, Айғоқчи, Хоразм кўшиғи, Африка кўшиғи, Чили кўшиғи, Акс садо каби рамзли маъно ташиган тўқима образлар ҳам бор. Тарихий воқеликка ретроспектив усулда ёндошилади. Ўтмишдан бугунга, Хоразм воқелигидан Африка қитъасида кечаётган зўравон

истибодда мурожаат этилади. Булар яхлитликда Шахс эрки ва қабоҳат, ҳурфикрлик ва халқлар озодлиги масаласини бадий ўзлаштиришга қаратилади.

Достонда Хон билан Аваз ўртасидаги ихтилоф ўзгача йўсинда талқин қилинади. Хусусан, Аваз "халқнинг буюк падарига тил теккизганликда, осийликда" айбланади. Аваз билан Ферузхон ўртасида кечган баҳс-диалогда ҳар икки шахсият тўқис намоён бўлади. Яъни, Феруз образи бир-ёқлама талқин этилгандек туюлади. У зукко ва ҳассос шоир, аҳли шуаронинг устоди сифатида кўзга ташланмайди. У Авазга қарата: "Эрк берганман сўзламоқликка", дейди. Хиёл ўтмай:

Эрку хурлик дерсан, айт-чи,

Ул ўзи надур?

...Эрк — бу қуш, деган. Таажжуб...

дея ўқувчи ишонмайдиган муҳокамалар юритади. Ўзи подшоҳ бўлатуриб, хонлар ҳаётини ўрмондаги хайвонлару қушларга қиёслаш эриш туюлади ("Подшоларсиз яшай олмас бандалар билгил. Хайвонлару қушларинг-да, бор ўз подшоси. Улар-да, ўз тожларига бўйин эгурлар").

— Ўринли савол. Феруз мураккаб сиймо. Бундай сиймоларнинг жисмида гўё икки киши яшайди. Бири — подшоҳ, иккинчиси — шоир. Подшоҳлик устун келган ўринлар ҳам, шоирлик подшоҳликни босиб кетган холлар ҳам бўлади.

Достонда Сиз тилга олган ҳолатда подшоҳлик ҳаммасидан устун келаяпти. Бунинг устига, агар, Ферузнинг шоирлигига, шоирга ғамхўрлигига асосий урғу бериладиган бўлса биласиз, Авазга муносабат масаласи бошқача талқинни талаб этардики, бу ҳақиқатга мос келмасди. Ўзимнинг изланишларимдан, шу масалага муносабатимдан келиб чиқадиган бўлсам, балладаю фожеада ҳам, "Эрк садолари" достонида ҳам биринчи навбатда тарихий шахслар олганман. Энди, "Қабул соатлари" достонида бугунги воқелик олинган эса-да, қаҳрамон реал шахс. Лекин ўтмишга бағишланган асарларимда тарихий шахслар тақдирини биринчи планга чиқарганман. Уларнинг ёнида кўшимча образлар ҳам бор. Бу тўқима образлар бош қаҳрамон яшаган муҳитда бўлиб ўтган кишилар.

Хусусан, "Эрк садолари"да бир қанча тўқима образлар бор. Феруз билан Авазнинг ён-веридидаги кўшимча образлар. Улар ҳаётда бор. Ўша воқеа-ҳодисалар жараёнида иштироки борлигига чуқур ишонч ҳосил қилганимдан кейин асарга киритилган. Тарихий факт — маълумотлар билан бадий тўқима меъёрини мана шунда деб биламан.

Ёхуд, "Аждодлар қиличини"ни олайлик. Қаҳрамонларнинг тўқсон фоизи тарихий шахслар. Лекин улар билан ёнма-ён курашган, ватан учун жон фидо қилган халқ қаҳрамонлари бўлган-ку. Бундай баҳодирлар юзлаб, минглаб. Фақат уларнинг исмлари тарихий солномаларга битиб қолдирилмаган. Уларнинг образларини, характер хусусиятларини Волида қиёфасидаги Замин образида, Ёвқоч ботир, Музаффар Малик, Занкижа, Ихтиёрдин ва бошқа образларда умумлаштирилган ҳолда жамлаб ёритишга интилдим.

Улар асарнинг ижтимоий-фалсафий йўналишини, тарихий қаҳрамонлар фаолиятининг бош йўналишини очишга хизмат қилгани учун ҳам "тўқимачилик" хусусиятини йўқотиб, ҳақиқий ҳаёт қаҳрамонларига айланади.

— Ҳоҳ тарихий, ҳоҳ тўқима образлар бўлсин, улар агар маънавий заруратдан ҳаётини эҳтиёждан келиб чиқмас экан, ўзининг ўша даврда яшаганлигига, курашганлигига ўқувчида ишонч уйғотолмайди. Муҳими — бадий ҳақиқатда, ишонтириш санъатида экан. Шундай асарлар борки, уларнинг қаҳрамонлари реал шахслар. Лекин, асарни ўқиб чиққач, уларнинг ўша даврда яшаганлигига, негандир, ишонмайсан. Боиси, назаримда, қаҳрамонларнинг фикр-ўйлари, психологияси, юриш-туриши, ҳатти-ҳаракати худди XX аср одамларига ўхшаб қолганида. Уларнинг аксарияти фикрлаш, тафаккур тарзига кўра худди бизнинг кўчадаги чилангар Аҳмаджон акани, тракторчи Маматқулни эслатади.

Назаримда, ҳоҳ тарихий, ҳоҳ тўқима образлар бўладими, ўша давр нафасини, ижтимоий муҳит ҳақиқатини гавдалантира билишда. Бош меъзон ана шунда. Лекин мазкур тарихий ҳақиқатга эришиш меъёри, чеки-чегараси бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир ижодкор ана шу меъзоннинг янги-янгиги ҳудуларини очади.

Тарихий асарнинг тарихийлиги, прототип масалаларига "Эрк садолари" достонида ҳам, "Аждодлар қиличи" фожеасида ҳам дуч келгансиз, албатта. Уларнинг ечимини нафақат олимларни, шу билан баробар кенг китобхонларни ҳам қизиқтиради. Зеро, улар халқ психологияси, давр колорити билан чамбарчас боғлиқ. Буларнинг ечимини, ўз навбатида, тил масаласига келиб туташади.

Ҳозир илмда тарихий асарнинг тили хусусида ҳар хил қарашлар бор. Айрим олимлар ўша ўтмиш даври тили асарда тўла тикланиш лозим, дейди. Баъзилар эса тарихий муҳит тили қисман сақланса ҳам етарли, дейишади. Тарихий асарда акс эттирилган давр одамларининг тил хусусиятларини тиклаш шарт эмас, деган қарашлар ҳам бор. Умуман, ўша тарихий давр одамларининг фикрлаш тарзини, дунёқарашини, тафаккур даражасини ифодалаш муҳим, дейишади.

Тарихий мавзуга бағишланган асарларингизда ўша муҳит тил хусусиятлари сақланмаган, албатта. Лекин қаҳрамонларнинг тафаккур тарзи ўша муҳит руҳиятини яратади. Ҳозирги шеърятимиздаги тарихий асарлар тили масаласи, аслида, алоҳида суҳбат мавзуи. Сиз уларнинг қай таҳлитда бўлишини маъқул кўрасиз?

— Қиёсларга мурожаат этайлик. Ойбекнинг "Навойи" романи фазилати нимада? Аввало, Навойи даври ҳаётининг оҳангини тил орқали бера билганида. Агар, Навойининг ўзи ҳам, даврдошлари ҳам бугунги тил билан гапирганида эди, ўша ранг, оҳанг, муҳит йўқоларди. Бу, демак, муаллиф тилида ҳам, қаҳрамонларнинг тилида ҳам ўша давр сўзлари, лексикаси, ифодаси устивор бўлиши керак, дегани эмас. Ўша сўзларнинг ўзида, қурилишда, руҳида, мазмун-моҳиятида тарихий давр колорити сақланиши керак. Мазкур уч омил — Ранг, Оҳанг, Руҳиятнинг сақланиши ўтмиш нафасини таъминлайди, асослайди.

Тарихий асарни катта бир қўшиқ дейдиган бўлсак, у ўз даврининг тилида ёзилиши керак. Қўшиқ оҳангида ҳамма нарса бўлиши зарур. Масалан, Жалолиддин яшаган шаҳар, сарой, минораларини, кўзи тушган гумбазларни ўша давр ифодасида берсам-да, Жалолиддиннинг ўзи бугунги тилда сўзласа, бир-бирига мос келмайди, албатта...

Ҳали кўнгиллаган режаларим мўл. Худо ҳоҳласа, халқимизнинг минг йиллик ҳаёти бадиий тарихини

яратишда баҳоли-қудрат улушимни қўша олсам, дейман.

— Дарҳақиқат, тарих — тафаккур офтоби; боқий билим, ёруғлик манбаи. Олов ҳеч қачон одамлар бошига қўланка ташлаганми? Асло. Ҳеч қачон ёруғликнинг оғирлиги бўлганми? Асло. Уни бошимиз узра қанчалик баланд кўтарсак шунчалик йўлимиз ёришади, олис-олисларни кўриш қобилиятимиз янаям ортади. Ёруғ ниятларингиз ушалишида омад аримасин.

НАЗМ

Сулаймон ШОДИЕВ

БОР ЁЛҒИЗ ЧИҚМАГАН
ЖОНИМДАН УМИД...

Яна келдим
Изларингни мен
Топмоқ бўлиб хазон бағридан.
Изтиробни соғиндим жуда,
Кечдим роҳатларнинг бахридан.

Олам якранг,
Тириклик нурсиз,
Сукунат ҳам ўлиб қолгандай.
Куюш парча музга ўхшайди
Не учундир менга қолганда...

Бузгим келди бу сукунатни
Бўронларга ўхшаб шу асно.
Фақат сенинг ел каби сокин
Оромингни бузмасман асло!

Энди сенга нима дахлим бор?
Дахлинг борми менинг бахтимга?
Яна келдим...
Ҳаққим бор ахир
Сигинмоққа мухаббатимга.

ШУРСУНАЛИ ПОЛВОНИЧИН
БУХОРО БОЗОРИДА ОЛОМОНГА
ХИЯЮБИ

Лайлаклари кетган юртнинг марди борми?
Юрагида ўти борми, дарди борми?
Эл ичида йигит деган қадри борми?
Эран бўлсанг, энг шимариб майдонга туш!

Тоғни талқон қилар бўлса билакларинг,
Шерникидай бўлса яна юракларинг,

Ер ҳидламай келган эса куракларинг,
Эран бўлсанг, энг шимариб майдонга туш!


Дунё қизиқ: бир ён бозор, бир ён мозор,
Аммо унинг яна битта майдони бор,
Унга кириш жўндир, фақат қолиш душвор,
Эран бўлсанг, энг шимариб майдонга туш!

Унда осмон зириллайди, титрайди ер,
Биров - остин, биров - устун, тирнайди ер,
Бунда аввал ўз-ўзини синайди эр
Эран бўлсанг, энг шимариб майдонга туш!

Бухоро



Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ



Шасалли

Йиғлама, ҳаммаси-яхши бўлади,
Сўзлар ҳам кўзлардан уялмай кўяр.
Қучоғинг сен суйган гулга тўлади,
Мухаббат ҳасаднинг ўтида куяр.
Ўйлама: бахт нима, севгими абас,
Янграса қизларнинг "Ёр-ёр" ўлани.
Тутақол бир ғариб юракнинг эмас
Гулларга буркаган тақдир қўлини.

Юрак ожиз, юрак адашмас,
Алдамоқ не билмаган юрак.
Ақлу-хушдан кечмасам бўлмас,
Энди хато қилмаслик керак.

Сафо излаб толди товоним,
Мухаббатда қолди гумоним,
Яхши экан ўша ёмоним,
Энди хато қилмаслик керак.

Пушаймоним билармикан дил,
Тавбам қабул қилармикан дил,
Хизматига олармикан дил,
Энди хато қилмаслик керак.

Кўзим ожиз, чиқмайди уним,
Топгандайман дунёда қўним,
Ер юзида бу сўнги куним,
Энди хато қилмаслик керак'.

Бу қиз энди мени демайди,
Кўнглимда не кечар-билмайди,
Билса нима, билса нима...
Энди хато қилмаслик керак.

Ҳали дилда висол соғинчи,
Ҳали ғазаб кўзачам ярим.
Тугамаган менинг кўз ёшим,
Сенинг эса аччиқ сўзларинг.



Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ
1966 йил Тошкент шаҳрида туғилган.
ТошДД, Филология куллийетини
битирган. Ҳозир "Тошкент оқшо-
ми" рўзномасида ишлайди. "Ёшлик"
да шеърлари илк бор чиқиши.



ДАРВОЗАСИ

МУСТАЖКАМ ЮРТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги транспорт Бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Анвар Соатқулович БАДАЛБОЕВ билан мулоқот

— Анвар ака, аввало транспорт милициясининг ўзига хос йўналиши ҳақида маълумот берсангиз. Мисол учун, у Давлат автомобил назорати хизматидан қандай фарқланади?

— Тўғри. Транспорт милицияси борлигини ҳанузгача эшитмаганлар кўпчилик бўлса керак. Тарихга назар ташласак, бизнинг дастлабки милиция бўлинмаларимиз Тошкентда 1920 йилда ташкил топган. Шундан буён Ўрта Осиёда темир йўл ва ҳаво йўлларида қатновчи транспортдаги йўловчилар ҳамда халқ ҳўжалиги юқларининг дахлсизлигини, бус-бутунлигини сақлаш учун курашиб келинмоқда. Биз илгари Москвадаги Бош Бошқарма ихтиёрида эдик. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ тасарруфига ўтдик. Ўзбекистон ҳудудидаги барча темир йўллар ва тайёрагоҳларда ходимларимиз жиноятчиликка қарши кураш олиб бормоқдалар.

Транспорт милициясининг Давлат автомобил назорати хизматидан фарқи ана шу муҳим тармоқда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳар бир келиб-кетиш поезд ва самолётларга кўз-қулоқ бўлиб туришдир.

Поездларнинг белгиланган манзиллари бор. Йўловчилар ҳам ҳар хил. Жиноят эса йўлда содир бўлади. Уни сўнгги бекатгача очиш керак. Тошкентдан поездни кузатишга чиққан милиционерлар, дейлик, уни Термизгача, Андижонгача, Нукусгача, Қўнғиротгача ёки Бухорогача олиб боради. Минглаб қақиримга чўзилган ана шу темир йўл ёқаларида уч юздан зиёд бекатлар жойлашган. Йўловчилардан ташқари, уларнинг асосий бўлинмаларида юқларни қабул қилиш ва жўнатиш, тижорат ишлари амалга оширилади. Вагонларда қимматбаҳо буюмлар, автомашиналар, ёнилғи - мойлаш матери-аллари ва бошқа хил маҳсулотлар бўлади. Содир этилган жиноятни бизнинг малакали, ўз ишининг устаси бўлган ходимларимиз очиш учун куну тун ишлайдилар.

Темир йўл транспортдан ташқари ўндан зиёд тайёрагоҳларга хизмат кўрсатамиз. Буларнинг ичида энг йириги — Тошкент тайёрагоҳидир. Бугунги кунда Тошкентдан халқаро йўналишдаги ҳаво кемалари билан Истамбул, Анқара, Куала-Лумпур, Лондон, Жидда, Варна, Кобул, Амстердам, Нью-Йорк каби шаҳарларга бемалол учи бориш мумкин. Бу эса биздан янаам ҳўшёрликни талаб этмоқда. Чунки, биз ўз миллий манфаат-

ларимизни четдан келадиган жиноятлардан ҳам сақлашимиз керак. Ўзбекистоннинг Интерпол Халқаро уюшмасига аъзо бўлганлиги қувончли ҳолдир. Энди дунё миқёсида гиёҳвандликка, марказлашган жиноятчиликка қарши курашишимиз учун йўл очилди.

Умуман, Республикамизда аҳвол соғломлашиб бормоқда. Кишилар ўзларининг дахлсизлигини ҳис қилмоқдалар. Албатта, булар Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг олиб борётган сиёсати, Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг ҳар томонлама ўйлаб, амалга ошираётган ишлари натижасидир.

— Дунёда гиёҳванд моддалар билан шуғулланадиган "безнесмен"ларга қарши кураш эълон қилинган. Бизда бу борада қандай чоралар кўрилмоқда? Айниқса, ёшлар ўртасида бу ҳол кўпроқ учраши сир эмас.

— Гиёҳвандлик — энг ёмон иллат. Дунёнинг илғор мамлакатлари унга қарши бекорга шафқатсиз курашаётгани йўқ. Бу йил гиёҳванд моддаларни сотиш билан шуғулланаётган кўплаб шахслар ушланди. Бундай ҳолатлар ўтган йилга нисбатан 8 ой давомида 0,5 фоизга ўсган. Жами гиёҳвандликка оид 506та ҳолат аниқлаб, улардан умумий миқдори 324 килограмм 286 грамм оғу тортиб олинди. Шундан, 174 килограмму 334 грамм қорадори, 20 килограмм 259 грамм кўкнори, 102 килограмм 284 грамм марихуанна моддаларидир.

Гиёҳванд моддалар орқали даромад ортиришни кўзлаган бандалар асосан поезд ва самолёт орқали захри қотилни олиб кетишга уринишади. Уларнинг кўзига жиноят эмас, ваъда қилинганкатта миқдордаги пул кўринадди шекилли, ўзларини минг хил кўйга соладилар. Кимдир "телевизор" олиб кетаётган, яна кимдир "тарвуз" олволган, бошқа бирови чанқоқни бостириш учун банкали "пиво" олган қилиб кўрсатади ўзини. Аёллар эса ўзини ҳомиладор қилиб кўрсатишдан ҳам тоймайдилар. Ходимларимизнинг кўзи пишиб қолган, жиноятчини тезда аниқлаб олади. Айниқса, бу ҳолнинг ёшлар ўртасида авж олаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Масалан, "Қо-

радори- 95" тадбирини ўтказиш вақтида асли самарқандлик 1977 йилда туғилган Гулнора К. исмли қизнинг ёнидан 2 килограмм "қора дори" топилди. Ёки "Тозалаш" тадбири вақтида Навоийлик, алоқа хизматида ишловчи, 1978 йилда туғилган Д. А. Волков 9,2 грамм "марихуанна" билан сафарга отланганда қўлга тушди. Энди улар қонун олдида жавоб берадилар.



Кейинги пайтда бошқа республикадан келиб жиноят содир этаётганлар, хусусан, гиёхванд моддаларни сотувчилар сафи кенгаймоқда. 1995 йил 27 май куни "Андижон - Москва" йўналишидаги №133 поездда кетаётган самаралик Т. И. Соловёванинг сафари Қўқон шаҳрида ўз "самараси"ни берди. Унинг сумкасидаги 2 дона тарвудан 3 килограмм 230 грамм "қора дори" чиқди. Шунингдек, Душанбе шаҳрида яшовчи фуқаро Г. Ф. Лазонина ҳам катта бойлик орзусида кетаётиб, ёнида 4 килограмм 200 грамм "қора дори" борлигини сездириб қўйди. Унинг ҳамшаҳари С.Н.Якубова ҳам "Душанбе-Москва" поездида кетаётиб 2 килограмм "оғу"ни нима учун олганлигини терговчиларга тушунтириб беролмади.

Гиёхвандлик, умуман жиноятчиликнинг олдини олиш учун ҳар йили турли хил тезкор тадбирлар ўтказилиб туради. Масалан шу йилнинг ўзида "Арсенал", "Юк-95", "Тозалаш", "Ҳосил-95", "Тошкент дарвозаси", "Қора дори-95", "Хавфсизлик оғи" каби бир неча тадбирлар шулар жумласидандандир.

— *Демак, хизмат кўрсаткичлари ҳам ижобий томонга ўсгандир. Жиноятлар кўпроқ қайси минтақаларда рўй берапти?*

— Мазкур йилнинг ўтган саккиз ойи давомида бошқармамиз бўйича бир қатор ютуқларга эришдик. Оғир жиноятларни содир этиш 3,2 фоизга, ўта оғир жиноятлар эса 5,0 фоизга, қотиллик — 25 фоизга, юкларни ўғирлаш 4,7 фоизга, шахсий мулкларни ўғирлаш 28,1 фоизга, безорилик 58,фоизга, тунаш 60 фоизга, босқинчилик 33,3 фоизга камайди. Лекин жиноятнинг баъзи бир турлари ўсиб кетди. Товламачилик 18,1 фоизга, катта миқдордаги юкларни талон-тарож этиш икки бараварига, зўрлаш ҳолатлари эса бир неча фоизга кўпайди. Айнан, ёшлар томонидан жиноятлар содир этиш бўйича 33 та ҳолат аниқланган. Бироқ, жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати саъй-ҳаракатлари натижасида ёшлар ўртасида жиноят содир этиш камаймоқда. 286 кишидан иборат бўлган 110 та уюшган жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди. Шу гуруҳлар 40 марта поездлардан юк ўғирлашган, 6та талончилик, 5та босқинчилик, 2 марта қотиллик, 52 марта гиёхванд моддаларни сотиш билан шуғулланишган, давлатга жуда катта миқдорда зарар етказишган.

Жиноятчилик барча минтақаларимизда мавжуд. Жиноятнинг каттаю кичиги бўлмайди. Қўшни республикалар билан чегарадош назорат-рухсат пунктларида ходимларимиз туну кун ишлашмоқда. Ана шундай пунктлар Қорақатпоғистоннинг Қорақалпоқ бекатида, Хоразмнинг Питняк бекатида, Бухоронинг Олот бекатида, Сурхондарёнинг Сариосиё, Амузанг бекатларида, Тошкентнинг Келес ва Андижоннинг Савай бекатларида жойлашган. Шу пунктлар орқали юртимизга кириб келаётган шахси номаълум, ҳужжатсиз кишилардан бир неча минг нафари ўз мамлакатларига қайтариб юборилди. 6 ой давомида 85та жиноят аниқланган. Шундан 69таси гиёхвандликка оид. 2та ўқ отар қурол, 195та жанговар ўқ-дори, 5та гранатани бемалол олиб кетаётган жиноятчи унсурларини ана шу назорат пункти ходимлари ушлаганлар. Мисолларга мурожаат қилайлик: шу йилнинг 3 май куни Қўқон шаҳрида Россия Федерациясининг Амур вилоятидан келган С.П.Каменев исмли шахсдан 4кг. 15гр. портловчи модда, 157 дона ов

ўқ-дориси (12 калибрли), 137 дона 5,6 мм. ли ўқлар, 1069 дона ов ўқ-дориси учун капсулалар, Макаров тўппончасининг 3 дона ўқи тортиб олинди. 24 июнь куни эса 57- йўналишидаги Волгоград-Тошкент поездини текшириш чоғида Россиядан келаётган фарғоналик 1965 йилда туғилган, Э.Кисилёв сафардан тиш-тирноғигача қуролланиб қайтибди. Лекин Бухоро худудидаги ходимларимиз ҳушёрлик қилиб, ушбу кимсадан товуш чиқармайдиган мосламаси билан 1 дона Макаров тўппончасини, 2та магазин ва 20 дона ўқ-дори, 4та жанговар граната ҳамда 4та запални олиб қўймаганларида нималар содир бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай воқеалар тез-тез содир бўлиб туради. Барча бўлимларимиз ёмон ишлаётгани йўқ. Термиз, Қарши, Қўқон, Самарқанд, Тошкент шохбекатларидаги тармоқ ички ишлар бўлимлари яхши натижаларга эришмоқда.

Кўрсаткичларимизнинг яхшиланишида Ички ишлар вазирлигининг, шахсан Вазиримиз, ички хизмат генерал-лейтенанти З.А.Алматовнинг хизматлари беқиёс. ИИБ томонидан Бошқармамизга тезуоран, замонавий энгил автомашиналар, криминалистик техниклар берилди, бир қанча иш ўринлари очилди, компьютерлар билан жиҳозланди. Буларнинг ҳаммаси иш натижаларига эришишимизга сабаб бўлмоқда.

— *Гуруч курмаксиз бўлмайди. Ҳар қандай маъсулиятли жамоада ҳам иродаси бўш, таъмагрилиги орқасида мансабини суистеъмол қилувчилар учраб туради. Умуман, ходимлар сифати, малакасида кўнглингиз тўқми?*

— Саволни тўғри қўйдингиз. Ички ишлар идораларига қандайдир йўллар билан ўрнашиб олганлар топилди. Бизнинг Бошқармада бундайларга нисбатан аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Хизмат интизоми ва қонунчиликни бузганларга нисбатан интизомий чоралар қўлланилади. Агар мунтазам равишда касб одоби, хизмат тартибини бузса ундайларга нисбатан ички ишлар идорасидан бўшатишгача бўлган чорани қўллаемиз.

Энди ходимларнинг сифати, малакасига келсак, Ички ишлар вазирлигининг бир неча ўқув юртлари бор. Шу ўқув юртларида тахсил олган мутахассисларни биринчи навбатда хизматга қабул қилаемиз. Иккинчидан, соғлом, жисмоний машғулотлар билан шуғулланган, шарқ якка курашларидан бирини эгаллаган, бўй-баста келишган йигитларни кўрик асосида танлаб олаемиз. Ҳозирда жойлардаги тармоқ бўлимларимизда махсус тайёргарликдан ўтган, тажрибали ходимлар, кўплаб ёшлар фаолият кўрсатишмоқда. Масалан, ёш мутахассисимиз, катта сержант Ҳайитбой Қўқоров Қўқон шохбекатида шу йилнинг олти ойи мобайнида 26 нафар қонунбузарни гиёхванд моддалар билан ушлаб, улардан жами 18кг 752гр қора дори, 3кг 103 гр наша, 90гр кўкнори мусодара қилган. Жасур ходимимиз яқинда Президентимиз Фармонига кўра "Жасорат" медали билан тақдирлангани бизни ҳам қувонтириб юборди.

— *Анвар ака, биламан, энг сермашаққат ишнинг бошида турибсиз. Республикамиз дарвозаларини қўриқлаш, юртимиз осойишталигини таъминлаш бевосита Сизларнинг хизматингизга боғлиқ. Мана шу сермашаққат ишларингизда омад ёр бўлсин!*


ОБУНА -96

"ЁШ КУЧ" нинг
АЗИЗ МУХЛИСЛАРИ!

"ЁШ КУЧ"

Йил давомида 6 марта чиқади ва уйингизга етиб боради! Шошилинг, муштарийлар!
Армонда қолмайсиз! Мулоқотимиз, дўстлигимиз давомли бўлишга ишонамиз!

"ЁШ КУЧ" журналининг жамоаси.



ДАҚОИМ

ҲА — АХБОР

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

ОДАМ ЎЛҒОНДИН СЎНГРА ЖОНИ ҚАЙТИБ
АНИНГ ГЎРИГА ВА ҲОВЛИСИФА ҚАНДОҒ
КЕЛМОҒИНИНГ БАЁНИ

Пайғамбар алайҳиссалом айдиларки: "Агар одами ўлса, уч кеча ва кундуз ўтгандин сўнгра анинг жони Худойи таолога илтижо қилиб айтур: "Эй бор Худоё, манга ижожат бергил, токи тамом умримда манго макон бўлгон қадрдон жасадимнинг ҳолини бориб кўрайин". Худойи таоло ижозат берур. Бас, жон қабрига келиб узоғдин назар қилиб жасадини кўрарки, ани мурунидин ва оғзидин ва тамоми баданидин зардоб оқиб турғондир. Бу ҳолни кўруб, кўб афсус қилиб, йиғлаб айтурки: "Эй ғариб жасадим, вой дўстум, тириклик вақтингни ҳеч ёд қилурмисан?! Бул ётқон манзилинг бало ва ваҳшатнинг, ғам ва курбатнинг, андуҳ ва пушаймонлиғнинг манзилидур". Андин сўнгра жон яна қайтиб осмонга чиқиб кетар. Бешинчи куни Худойи таолодин яна ижозат сўраб, қабрига келиб узоғдин туруб жасадиға қарар. Кўрарки, анинг мурунидин, оғзидин, қулоғидин ва тамоман баданидин қон ва зардоб оқиб турғондур. Бас, жон бечора кўб пушаймон бирлан йиғлаб айтурки: "Эй мискин жасадим, тириклик вақтингни ҳеч ёд қилурмисан?! Бу манзил ғам - андуҳнинг ва меҳнатнинг, қурт, йилон ва чаёнларнинг манзилидурки, алар гўштингни ерлар, терингни сўярлар ва аъзоларингни бирини бирини жудо қилурлар". — деб яна осмон тарафиға қайтиб кетар. Еттинчи куни яна айтур: "Эй бор Худоё, манга ижозат бергил, токи, бориб жасадимни кўрайин". Худойи таоло ижозат берур. Бас, жон келиб узоғдин туруб қарар. Кўрарки, жасадиға қурт тушгандур. Ани кўруб жон бечора кўб надомат қилиб, қаттиғ фарёд қилиб, йиғлаб айтур: "Эй нотавон жасадим, тириклик вақтингни ҳеч ёд қилурмисанки, санинг авлодларинг, ота-онанг, ақраболаринг ва ёру дўстларинг, қиёматгача санго таъзия қилиб йиғлайдурғон

меҳрибонларинг молу мулкларинг қайда қолди?!" — деб зор йиғлаб яна осмон тарафиға чиқиб кетар".

Абу Ҳурайра розийоллоҳу анҳу ривоят қилибдурларки: "Ҳазрат расулуллоҳдин эшиттим, айдиларки: "Ҳар вақт агар бир мўмин ўлса, анинг жони бир ойгача ҳовлининг атрофидин айланиб, андин қолгон молларини ҳовлисида қолгон ворислари қайси тариқада тақсим қилмоқларини ва анинг қарзи бўлса, қарзини қандоғ адо қилмоғларини кўруб юрар. Бир ой тамом бўлгондин сўнгра яна бир йилгача гўрининг атрофидин айланиб, жасадиға қараб юрар. Ҳар кимики, анго дуо қилиб, анинг ўлғониға ғамгин бўлса, ани кўриб турар. Бир йил тамом бўлгондин сўнгра арвоҳлар жамъ бўладурғон жойга чиқиб кетар. Андин сўнгра лайлатул-қадр кечаси тушар. Қавли Аллоҳ таолоки, ТАНАЗЗАЛУЛ—МАЛАИКАТУ ВАР—РУҲУ ФИЙҲА ²⁶ бул маънига далолат қилур. Ояти калимадаги руҳнинг маънисини баъзилар раҳмат маъносида дебдурлар. Яъни, лайлатул - қадр кечаси мўминларга раҳмат нозил бўлурки, ҳар бир мўминга ҳар фаришта раҳмат олиб тушурлар. Чунончи, баъзи қироатда ТАНАЗЗАЛУЛ—МАЛАИКАТУ ВАР—РАВҲ деб забар бирла айтурларки, маънийи "равҳ" раҳматдур. Аммо, ТАНАЗЗАЛУЛ—МАЛАИКАТУ ВАР—РУҲ деб, руҳ "пеш" билан ўқилғонда маъниси шулки, лайлатул-қадр кечаси фаришталар нозил бўлурлар ва алар бирла жаннатнинг шамоли ва райҳонларининг бўйи нозил бўлур. Яъни, фаришталар мўмин бандаларга жаннатнинг шамолидин ва райҳонларининг бўйидин еткузурлар.

Баъзиларнинг наздларида руҳнинг маъниси Худойи таоло тарафидин мўмин бандаларга раҳмат олиб келадурғон фариштадурки, лайлатул-қадр кечаси мўминларга раҳмат олиб келурлар. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ЙАВМА ЙАҚУМУР—РУҲУ ВАЛ—МАЛАИКАТУ СОФҲАН ²⁷ ҳам руҳнинг

фаришта маънисада эканлигига далилдур. Баъзи қавлда руҳдин мурод Жаброил алайҳиссаломнинг руҳларидурки, лайлатул-қадр кечаси дунёга тушурлар.

Баъзи ривоятда Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳлари муроддурки, лайлатул-қадр кечаси дунёга тушуб, жамиъ мўмин умматлариға салом бермоқ учун Худойи таолодин ижозат сўрарлар, Худойи таоло ижозат берур. Ул кишининг руҳи покларӣ дунёга келиб ҳар бир мўмин банданинг олдиға келиб "Ассалому алайкум, эй бандаи мўмин, иллоҳо Худованд азза зикруху ва васаъа фазлуху сизни раҳмат қилсун" деб дуо қилиб қайтурлар.

Баъзи уламанинг наздларида руҳдин мурод ўлган кишиларнинг руҳларидурки, лайлатул-қадр кечаси Худойи таолоға арз қилурларки: "Худоё, бизларға ижозат бергил, токи, ўз манзилларимизға тушуб авлод ва ақраболаримизни кўрайлик". Бас, Худойи таоло ижозат берур. Булар мазкур кечаси дунёга нозил бўлурлар. Чунончи, ҳазрат Ибн АББОС розийоллоху таоло анху ривоят қилибдурларки, агар ийд куни бўлса ва ё ашур ойининг аввалги куни, ва ё аввалги кечаси бўлса, ва ё ражаб ойининг аввалги жумъа куни ва ё аввалги жумъа кечаси бўлса, ва ё барот ойининг ўн бешинчи кечаси бўлса ҳамма мурдаларнинг жонлари уйларининг дарвозасиға келиб турарлар ва айтурларки: "Эй авлодларим, манго раҳм қилинлар, мани бир лўқма таомнинг савоби бирла йўқланларки, ман анго муҳтождирман. Таом бирла йўқламоқға қодир бўлмасанлар икки ракат намози нафлнинг савоби бирла бу муборак кечада йўқланлар. Эй манинг уйимда ўлтурғонлар, эй манинг хотинимни никоҳиға олғонлар, эй манинг молимни тақсим қилиб олғонлар, эй манинг авлодимни хор ва залил тутқонлар, эй манинг кўшкимда ўлтурғонлар, эй мани олиб бориб танг гўрга қўйғонлар, сизлардин ҳеч бир киши бормуки, эмди бу кеча бу ғариблиқда мани ёдиға олса ва мани бу ғурбатимда тафаккур қилса ва мани бу муҳтожлигимда дуо ва такбир бирла йўқласа, чунки манинг тириклигим дафтари беркилғондур, сизларнинг зиндакорчилик дафтарларингиз ҳануз очуқдур. Мурдалар гўр ичида ҳеч савоб тополмаслар, ҳамиша сизлардек кишиларнинг дуолариға муҳтождурлар. Эмди сизлар ёдларингиздин фаромуш қилманлар ва бир парча нон бирла йўқланлар. Чунки, бир кун бўлурки, сизлар ҳам мандек муҳтож бўлурсизлар. Ул вақтда шоядки, манго ҳадя қилғон нонларингизнинг ҳурматидин муҳтож бўлмасанлар. Манго ҳадя қилғон савобларингиз, шоядки, ўз авлодларингиздин

қайтса". — деб илтижо қилиб турар.

Бас, ани ҳовлисидин бир киши дуо қилса ва Қуръон ўқуб савобини анга бахшиш қилса, ул руҳ хурсандлик ва шодмонлик бирла қайтур. Агар ҳеч ким дуо ва фотиҳа қилмаса ғамгинлик ва андуҳгинлик бирла маъюс ва ноумид бўлуб, маҳалласининг масжидиға бориб йиғлаб айтурки: "Эй оқиллар, эй хушёрлар, эй Худонинг ибодатиға машғуллар, манинг тарбиятимда катта бўлғон авлодларим ва манинг ҳимматим бирла таълим олиб аҳли савод бўлғон фарзандларим ва манинг жамъ қилғон молимни тақсим қилиб олғон ворисларим мани хаёлларидин унутиб, фаромуш қилдилар. Мани бир калима Қуръон бирла йўқламадилар. Мани дуо қилмай, мандин ғофил бўлуб, ўз маишатлариға машғул бўлдилар. Эмди сизлардин умид қилиб келдимки, сизлар хушёрдурсизларки, Худойи таолонинг ибодатиға машғулдурсизлар. Намознинг олдида ман ғариб бечорға бир калима Қуръон ўқуб савобини бахшиш қилинлар. Илоҳо, ўқуғон намозларингиз даргоҳи Кибриёға мақбул бўлсун, сизлар мандек муҳтож бўлманлар" — деб илтижо қилиб турар. Агар масжид аҳилларидин дуо тегса, шодлик ва хушҳоллик бирла қайтур. Мабодо улардин ҳам дуо тегмаъса ғамгин бўлуб, озорлик ва шармсорлик бирла осмон тарафиға қайтиб кетур.

Аммо, жоннинг турадурғон маконида ихтилоф бордурки, баъзи камандишаларнинг наздларида жон бир боддурки, одам жасадининг баъзи жойида бўлур ва баъзи жойида бўлмас. Далиллари шулки, чунончи, бир одамдин неча адад чифқон ва мунга ўхшаш жароҳат чиқар, лекин ул киши ўлмас. Мундин маълум бўлурки, ул жароҳатлар жонсиз жойдин чиққондур. Бир кишидин бир адад жароҳат чиқар, чунончи, куйдурги ва мунга ўхшаш ёмон жароҳатдин, анинг сабаби бирла ул киши ўлур. Мундин маълум бўлурки, ул жароҳат жонлик жойға чиқиб жонға озор бергандур.

ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

26. *У(кеча)да фаришталар ва Руҳ Парвардигорларининг изни-ихтиёрила (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар. (97-4).*

27. *Руҳ (Жаброил) ва барча фаришталар саф тортиб турадиган Кунда (78-37).*

(Давоми келгуси сонда)



Шойим
ШЕРНАЗАР

КАРМАНА

Сардобанинг тубидан,
Қалқийди кўз ёшлари.
Малик минорасининг,
Мажақланган бошлари.
Қосим шайхнинг тоқидан,
Кўчиб кетган турналар.
Мир Саййид Баҳром руҳи,
Гўрида тик қийналар.
Боболар қурган чорбоғ
Пайхон бўлган, қуриган,
Масжидларнинг устун
Ўтин бўлган, чириган.
Бу охдан оқиларму
Қар Амина қулоғи?!
Хануз мени қийнайди,
Аждодларнинг сўроғи.

* Кармана атамасининг шарҳларидан бири
БЕВАФО ЁР

Кетди ташлаб бевафо ёр,
Йиғладим зор, йиғладим зор.
Кўз ёшларим артиб қолди.
Бизни таништирган чинор
Ёшин тўқди майсалар ҳам.
Кетди-ку ёр бир-бир босиб.
Кетаркансан, кетмасминдинг
Шу чинорга мени осиб

ҲАВОЛАБ КЕТИШАН ОДАМ

Энг юксаклик
Эди орзуси,
Етди чоғи
Оғзи кўпирди.
Энди келмас
Пастга тушгуси
Юқоридан
Ерга туфурди.



Кўнглинг кўчасида хувиллар шамол,
Хаёлинг япроқдек тентирар дайди.
Биргина ҳамдардинг чинор эҳтимол,
Сенинг ғамларингдан ўқиб сарғайди.
Саволга айланган йўлларинг айри,
Наҳот дарагини қушлар билмайди.
Кузларга ёшингни этсангда хайри,
Сен қутган баҳоринг нечун келмайди.
Қайларда юрибди ўша бепарво,

Кўкларда чарх урган қалдирғоч айтсин.
Валфажр сасини етказсин сабо,
Сенинг боғингга ҳам баҳорлар қайтсин

Шойим Шернезар (Шойиқул Бебитов) 1958 йили
Навоий туманининг "Туркман" қишлоғида туғилган. Ҳозир
"Ўзбекистон" жамоа хўжалиғида хизмат қилади.

Шеърлари жумҳурият матбуотида эълон қилинган. "Тун
эртаги" китобининг муаллифи.

*Рухимда
Ҳиссимизга
беомон ўғ бор...*

Жиззахнинг Пахтакор тумани эли меҳнатсеваргина эмас, шеър севар ҳам. Пахтакорликларни вазни енгил" шигирлар" билан ҳайратлантира олмайсиз. Туманда ўзига хос адабий муҳит бор. Бу муҳитда тарбияланиб, ўзига хос овоз ва услуб билан шаклланиб келаётган ижодкорлар интилиши умидлантирарли. Шу билан бирга туманда ижодкорларга эътибор — ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу қўллаб-қувватлашлар ҳам ўз мўъжизасини кўрсатса ажаб эмас. Қуйида пахтакорлик шоирлар шеърларидан айрим намуналар ўқийсиз.

ТАҲРИРИЯТ



Ўқтам
ОЛИМ

ЭТМАГАЧ ИЗҲОРИ КЎНГИЛ...

Бу жаҳонда ким кечибдур хонумондин бесабаб,
Мен-чи кечдим хонумондин аъло жондин бесабаб.

Боисин, дўст, ўйлар эрсанг балки ҳақ ошкор бўлур,
Чун ситам кўрдим вафога ул жонондин бесабаб.

Бош қотиб дилхастадурман, ким дегайларки яна:
Ёғмагайдур ўрнига тош осмондин бесабаб.

Этмагач изҳори кўнги, қилди ё мендин гумон,
Йўқса ёр кетгайму ишқи бегумондин бесабаб?

Найлай, ошкор айламакка йўқ мажол, ожиз тилим,
Ёр сабаб, ё ажралибман тил — забондин бесабаб.

Ул малакваш олдида йўқ қилча умрим қиммати,
Жон-ку майли, кечмагум ул жонондин бесабаб.

Ўйласанг, Ўқтам, зулмга бор сабаб ўзингдадур,
Тут шеъринг, токи қиёмат кўрма ондин бесабаб.

ТААММУЛ

Бу жаҳонга не сабабдин бахтлилар, хорлар келур?
Бир омадқаш ортидан ўн ташнабахт, зорлар келур?

Ҳукми дунёга ножинслар иқрорин бир ўйласам,
Зумда кўнглимга ҳаётга минглаб инкорлар келур.

Нега тақдир эътибори ҳаммага бирдай эмас?
Ҳолбуки бу чархга бирдай бахтга хушторлар келур.



Кўл тираб бошга, бу ҳолнинг боисин кўп ўйлагум,
Чексиз ўйдан гоҳи дунё кўзима торлар келур.

Суйса, дейлик, аҳли хақни бу ҳаёт, ўйга шу он-
Қанчалаб умри жувонмарг хаққа иқрорлар келур.

Учса Машрабга хаёлим, бу улуг зот ортидин
Сиртмогин ўйнаб, чекиб саф беҳисоб дорлар келур.

Ҳайриятким эл тирикдир, хайрият миллат тирик,
Ул шахидлар ўрни етмас, не бир шунқорлар келур.

Қолса ҳавф остида умринг, Ўктамай, ўқинмагин,
Шеъриятга жон фидолик кўнглида борлар келур.



Туроб
ЮСУФ


ТА ЗА РРУ

Тўхтади — зўр афсун қилганидай қор,
Олдимда оқишдан қилди ҳазар ё.
Ростмас бу кўрганим зинҳор-безинҳор,
Сенинг кўз ёшларинг — бетиним дарё.
Тотлимас қорайган, куйган бу жоним,
Оғули дарёнгдан ичиргин энди.
Гуноҳкор ўзимман, сарвиравоним,
Сен мени, сен мени кечиргин энди

Билмам ўз ёзугин англармикин, ох,
Беақл, ҳам далли девона қалбим.
Гарчи хор вужудим қилган қароргоҳ,
Лекин шууримга бегона қалбим.
Қайтсин мен деб кетган сабру-мадоринг,
Аларни юракка кўчиргин энди.
Оссанг — тумор бўлур бўйнимда доринг,
Сен мени, сен мени кечиргин энди.

Руҳимда жисмимга беомон ўч бор,
Чанқаган, оҳ урар зиндон танимда.
Азобга у бунча бўлмасди дучор
Сен эмас, балки мен йиғлаганимда.
Меҳрингни тиг айла, кўкрак-қафасдан
Дилимни самога учиргин энди.
Фақат, фақатгина сўнги нафасда
Сен мени, сен мени кечиргин энди.

У кунлар заволи кетмас хаёлдан,
Бошимда барқарор ҳайбатли соя.
Сўрайман ўзига тенг бир аёлдан
Дилга — юпанч, бахтсиз ишққа- химоя.



Гуноҳкор кунларим суратин мангу
Ёдингдан бешафқат ўчиргин энди.
Ҳаёт ҳам гуноҳлар кўйнида жанг-ку,
Сен мени, сен мени кечиргин энди.



Файзулла
БЎРОНИЙ
(Қуронов)

КЎНГЛИМДА СЕВГИНИ ПАЙДО ҚИЛИБДУР,

Ҳоҳи шодон бўлай, ҳоҳи аламонк,
Руҳим тоза менинг, кўнглим эрур пок
Ўз ўлимим ўйлаб ғуссага ботмам,
Халқ гар ҳароб бўлса — ёқам бўлур чок.

Тирикликдан сира нолима, эй дил,
Ҳаётни оғир жанг майдони билгил.
Тириксан муттасил олдинга талпин,
Йиқилсанг ҳам олға қараб йиқилгил.

Ул малак мени кўп шайдо қилибдур,
Кўнглимда севгини пайдо қилибдур.
Руҳим юлиб олиб макруҳ замондан,
Уни бир дилрабо дунё қилибдур:

Неки гуноҳ қилдим мен нодонликдан,
Дилим хуфтон бўлур нотавонликдан.
Тангрим, чиқарсанг ҳам олам уйдан,
Чиқарма мени дин, мусулмонликдан.





САҲОБИДДИН

МЕН СОҒИНЧМАН

Мен соғинчман. Бошқа ҳеч нарса.
 Қўй эртани. Эрта кунни қўй!
 Қўл чўзмайин сингулик бўлса--
 Чил-чил қилар паришон бу ўй!
 Қўй эртани. Эрта кунни қўй,
 Бугун содиқ сабрим бардошли.
 Эрта ҳақда эртақ сўйлама
 Бугунимга чўксам мардошли.
 Эртама гарчи дийдорга яқин,
 Қадринг топар бугун парвариш.
 ...Бугун содиқ сабрим бардошли,
 Ва...илинчман. Бошқа ҳеч нарса.

СОҒИНЧКИ СОҒИНЧ.

Деразамдан қарайман тонгда--
 Ёмғир ювар баҳор юзини.
 Мен юзимни юлмаган дамда..
 Ҳис қилмаган соғинч ҳиссини .
 Мен эмаклаб ўсган остона ,
 Бола изим қолган бир қишлоқ
 Бугун бирам-бирам мастона
 баҳоройнинг васлига етган!
 Мен бу файздан, бу фароғатдан
 Йироқларда хаёл сураман.
 Соғинмоқни истайман жуда--
 Хотирларга юзим бураман .
 Улар менга қўл силтаб турар
 Олисларда сароб мисоли
 Мудроқ руҳни бир фикр урар--
 "Соғинчлардан ўларкан соғинч!..
 Деразамдан қарайман тонгда --
 Ёмғир ювар баҳор юзини,
 Мен юзимни юлмаган дамда,
 Ҳис қилмаган соғинч ҳиссини.



ТОШКЕНТИ ҚАЙҚОҢИЯТ.

Тонг отса- туманлар тўшаги
 ...Кўз очсам шафаққа термилиб--
 Севгининг сеҳрли лаблари
 Борарми бўсага эврилиб!...
 Туман-ку оқбадан бир оғуш ,
 Ҳеч кимга ҳеч насиб этмаган...
 ...Лаблар ҳам тотли-ей ва намхуш,
 Ва кўздан хобида кетмаган...
 ...Юраклар тортади орқага --
 Бурчларми-- вужудни силталар .
 Ва юкин ортади орқага--
 Ит талар оромни, ит талар!....




Сақобиддин (Хўжанов) 1966 йили Фориш туманида туғилган. Тошкент Давлат Дорилфунини тугатиб, айни кунларда Жумҳурият радиосида хизмат қилмоқда. "Ёшлик"да илк бор чиқши.

**"ОПЛАМНИНГ
 ВАСИЯТИ
 ЭДИ БУ"**

"Алп Жамол" номидаги мукофотнинг ташаббускорларидан бири Муҳиддин Асомиддинов билан суҳбат

— Муҳиддин ака, суҳбатимизни бевосита яқинда сиз бошқараётган фирма ва Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳамкорликда ташкил этилган ва биринчи марта энг яхши асарлар муаллифларига берилган "Алп Жамол" номидаги мукофотдан бошласак. Мана, сиз тижорат соҳасининг вакилисиз. Бир сўм пул қандай машаққат билан ишлаб топилганини жуда яхши биласиз. Шундай бўлгач, сизга қутилмаганда, фалон сўм маблағ сарфлаб ижодкорлар учун мукофот ташкил этишга нима туртки берди? Бу хайр-эҳсонми ёки адабиётга бўлган меҳр-мухаббатми?



— Мен ҳам суҳбатимизнинг бошида бир нарсани айтиб ўтишни истардим. "Алп Жамол" номидаги мукофотни ижод аҳлига шунчаки хайр-эҳсон учун ташкил этмадик. Балки бунинг ўзига хос бир қатор жиддий сабаблари бор. Аввало, мен ижодкор оиласида туғилиб вояга етганман. Янада аниқроқ қилиб айтидиган бўлсам, бизнинг оиламиз ўз вақтида қаламнинг ортидан ишлаб топилган маблағ ҳисобига кун кечирган. Адам раҳматли Алп Жамол тахаллуси билан ижод қилганлар. 70-80 йилларда телевидениедаги "Телеминатюралар театри", "Оталар сўзи" кўрсатувларида у кишининг қаламига мансуб қатор асарлар узлуксиз равишда намойиш этилган. Буни муҳтарам журналхонлар ҳам яхши эслашса керак, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, дадамнинг адабиётга, умуман айтганда, ижод аҳлига ҳурмат ва садоқати жуда баланд эди. У киши ижодига ёлғон-яшиқ ва фисқу-фасод аралаштиришни сира ёқтирмасди. Менга ҳали кўзлари

Ҳаётда шундай ижодкорлар учрайдики, улар беҳуда аюҳаннос солмай ўзларининг беъмивнат асарлари билан оддий ўқувчилар қалбида сезиларли из қолдириб ўтади. Камтарин адиб Алп Жамол ҳам шундай ижодкорлар сирасига кирди. 70-80 йиллар ўзбек ҳажвчиллигида адибнинг ўз ўрни ва овози бор. Айниқса, ўша кезлари Ўзбекистон телевидениесидаги "Экран хандаси", "Телеминнатюралар театри" ва "Оталар сўзи- ақлнинг кўзи" Кўрсатувларида адиб қаламига мансуб асарлар мунтазам равишда намойиш этиб борилар ва табиийки, булар халқ ўртасида машҳур эди.

Адиб ижодига хос асосий хусусиятлар турмушдаги мавжуд иллатларни аёвсиз фош этиш ва кишиларга самимий кулгу улашишдан иборатдир.

Адиб ҳаёт бўлганда бу йил табаррук 80 ёшни қаршилар эди. Аммо ундан бизга ҳажман кичик, бироқ бадний жиҳатдан анча пишиқ бир талай асарлар мерос бўлиб қолди.

Муҳтарам журналхон!

Адиб ижодидан айрим намуналар ва у кишининг ўғли Муҳиддин ака Асомиддинов билан мулоқотни сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ

тирик пайтлари мудом шундай дея насиҳат қиларди: "Ўғлим Муҳиддин! Бир кун келиб ишларинг юришиб кетса, қўлингга пул тушса аввало ижод аҳлига ёрдам қил, унинг меҳнати қадрига ет. Ўзинг ҳам шу қаламнинг ортидан ишлаб топилган нонни еб, катта бўлганингни ҳеч қачон эсингдан чиқарма!" Кейинчалик тушуниб етдимки, бу дадамнинг менга қилган васиятлари экан. Мен узоқ вақт бу ҳақда ўйлаб юрдим. Қандай қилиб ижодкор аҳлига ёрдам берсам экан, деган ўй бир дам бўлса-да, хаёлимдан нари кетгани йўқ. Охийри, мана, ниятимиз холис экан, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси билан ҳамкорликда "Алп Жамол" номидаги мукофотни ташкил этдик. Мен ўзимнинг фарзандлик бурчимни бироз бўлса-да, оқлаганимдан албатта, мамнунман.

— Ўзингизнинг адабиётга муносабатингиз қандай? Аниқроқ айтганда, сиз бозор иқтисодиёти даврида адабиётнинг ҳаётидаги ўрнини қандай тасаввур қиласиз?

— Юқорида сизга айтиб ўтдим, мен ижодкор оиласида туғилиб, тарбия топганман. Отам ҳали ҳаёт пайтлари хонадонимиздан ёзувчи-шоирларнинг қадами сира узилмасди. Бир пиёла чой устида адабиёт ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қуришар эди. Мен ҳам давранинг бир четида ўтириб, бундай суҳбатларни жуда кўп тинглаганман. Кўнглимда адабиётга ва ижод аҳлига бўлган ҳурматим жуда баланд. Мен гарчи, ўзим ижод қилмасам-да, хануз худди болалик пайтимдагидек китоб ўқишни канда қилмайман. Энди бозор иқтисодиёти даврида адабиётнинг ҳаётидаги ўрни қандай бўлади, деган саволингизга келсак, бу ҳақида менинг фикрим шундай: адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрнини ҳеч нарса билан босиб бўлмайди. Ҳеч қайси даврда адабиёт ўзининг қадр-қимматини йўқотмайди, деб ўйлайман. Қолаверса, адабиётнинг маънавиятимизга бўлган кучли таъсирини ҳам унутмаслик керак.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти синовларини бошимиздан кечираётган бир пайтда фалон пул сарфлаб мукофот ташкил этиш албатта, осон иш эмас. Бунинг учун ҳар қандай орзу-хавасдан ташқари бел анча бақувват бўлиши керак. Айтинг-чи, сиз бошқараётган фирма асосан қандай иш билан шуғулланади? Агар сир бўлмаса, даромади қандай?

— Албатта, фақат орзу-хаваснинг ўзи билан ҳеч нарса

қилиб бўлмайди. Киши моддий томонидан сиз айтгандек, анча бақувват бўлиши лозим. Мен жумҳуриятимиз ўз мустақиллигига эришган илк кунлардаёқ тижорат билан шуғуллана бошлаган эдим. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимнинг самараси ўлароқ тез фурсатда фирма ташкил этиб, унинг фаолиятини тўғри йўлга қўйишга муваффақ бўлдим. Ҳа, дарвоқе, фирма "Алп Жамол" номи билан юритилади. Айни кунда фирмамизнинг иши худого шукур, ёмон эмас. Тошкент шаҳар Ибн Сино мавзёида салкам уч минг квадрат метр жойга жойлашган тикувчилик цехимиз маҳсулот ишлаб чиқариб турибди. Шаҳарда жуда кўп савдо шахобчаларимиз бор. Фирмамизда жами 600га яқин киши хизмат қилади. Биргина 1994 йилни оладиган бўлсак, биз 2 млн. 400 минг доллар миқдордаги молни четга олиб чиқдик ва унинг ўрнига 3 млн. 600 минг доллар миқдордаги молни Ўзбекистоннинг ички бозорига олиб кирдик. Мен шу ўринда ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бераётган жумҳуриятимиз раҳбариятига, шахсан президентимиз Ислоҳ Каримовга ўзимнинг миннаддорчилигимни айтиб ўтишни истар эдим.

— Энди яна "Алп Жамол" номидаги мукофотга қайтасак. Ушбу мукофотнинг келажаги қандай бўлади? Яъни, айтмоқчиманки, у бир йилликми ё кейин ҳам давом этадими?

— Биласизми, бозор иқтисодиёти даврида ишбилармон ва тадбиркорларнинг ижодкор аҳлига моддий кўмак бериб туриши табиий бир ҳол саналади. Бунинг мисолини чет эл мамлакатларида яққол кўриш мумкин. Шу маънода "Алп Жамол" номидаги мукофот ҳам бир йиллик эмас, у кейин ҳам давом этади. Биз Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг масъул ходимлари билан бу мукофотнинг низомини тайёрлаётган пайтда қўйидагиларни келишиб олдик: "Алп Жамол" номидаги мукофот халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаган, давр руҳи сингдирилган ва бадий жиҳатдан юксак асарлар муаллифларга ҳар икки йилда бир марта бериб борилади. "Алп Жамол" фирмаси эса, бу мукофот учун ўзининг йиллик соф фойдасини 10 фойизини ажратади.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

АЛП ЖАМОЛ

МУЪЗИТАН НАМ

Ҳажвия

(Трест директорининг ўринбосари Қиёмов ўз хонасида ўтирибди. Унинг ёнига ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Холдоров кириб келади.)

ХОЛДОРОВ: — Келдим, акажон...

ҚИЁМОВ: — Бир ўзингизми?

ХОЛДОРОВ: — Йўқ, бошлаб келдим, қабул-хонангизда ўтирибди қушча. Аввал ўзим бир кириб чиқай, дедим-да.

ҚИЁМОВ: — Қушчанинг қаноти бутунми ўзи?

ХОЛДОРОВ: — Менга йўлиқмасдан аввал муовинингизга дуч келган экан. Тўйида хизмат қилибди.

ҚИЁМОВ: — Унинг одати менга маълум, қўлига илинган қушнинг патини юлмай қўймайди.

ХОЛДОРОВ: — Кўринишига қараганда, пати унча юлинмаганга ўхшайди. Ҳар ҳолда, ўзини туттиши ёмон эмас.

ҚИЁМОВ: — Ўзингиз-чи? Ҳали бошлама-дингизми?

ХОЛДОРОВ: — Рухсат берсангиз бошлайвераман, юлганимни ярми сизники, ярми меники. Ҳозирча уч пат юлдим.

ҚИЁМОВ: — Ҳм... яхши, директорчи, директор! У киши отпусадан қайтсалар, нима деймиз?

ХОЛДОРОВ: — Нима дердик, қиссадан ҳисса, дегандек бир тақсим учда. У кишисиз сизу бизнинг томоғимиздан ўтармиди, дейсиз?!

ҚИЁМОВ: — Ўтишга-ку ўтади-я, аммо ҳазм қилиш қийин...

ХОЛДОРОВ: — Ҳа, шуниси қийин...

(Кулишади)

ҚИЁМОВ: — Бир тақсим уч дедингизми, шуни ҳисобга олиб юлаверинг. Эҳтиёт бўлиб тўзғитмасдан юлинг, жудаям чийиллатворманг, бундан кейин ҳам керак бўлади, патини ўстириб-ўстириб юлаверасиз.

ХОЛДОРОВ: — Тўғри айтасиз, ўзингиздан қиёс, директор кўл узатсалар, ўзингиз патингизни шундай тутиб турасиз.

ҚИЁМОВ: — Ҳа-а, биз дирктордан кўп нарса ўрганишимиз керак. У киши кулимсираб, ширин сўз билан, силаб-сийпалаб юладилар.

ХОЛДОРОВ: — Ўзаро гапку, силаганлари қурсин, баъзан товада қовурилган табакага ўхшатиб қўядилар.

ҚИЁМОВ: — Қани, чақиринг қушчани, рухсорини бир кўрайлик.

(Холдороров эшикни очиб, қушчани — Лочинбойни чақиради)

ХОЛДОРОВ: — Лочинбой, киринг, укам.

(Лочинбой кўлида сумкаси билан аста кириб келади. Салом-алик қилмасдан индамай стулга ўтириб олади. Қиёмов Холдороровга имо қилиб қўяди)

ҚИЁМОВ: — (четга) Лочинбой, лочин дейсану, аммо кўриниши мусичага ўхшайди-ку!

ХОЛДОРОВ: — (у ҳам пичирлаб) Кўриниши шунақа бўлгани билан ишига пишиқ, ишига!!

ҚИЁМОВ: — Хўш, ука, буфет деган нарса, мен сизга айтсам, етти хазинанинг бири. Секин оқиб келаверади. Бир томонда ароқ, бир томонида коньяк, вино, шампан, пепси... Ҳаммаси чакава, ҳаммаси қуйиб сотилади. Эпчил бўлсангиз, укажон...

ХОЛДОРОВ: — Қиёмхон ака, бу киши ўз отлари билан Лочинбой!..

ҚИЁМОВ: — Ҳа, яшанг, қани, ҳужжатларингизни беринг. Эртадан буфетни қабул қилиб оласиз. Ўша буфет сизники энди.

(Лочинбой сумкасидан магнитофон олиб стол устига қўяди)

ҚИЁМОВ: — Ие, бу нима, ҳа-а, совғами?

ЛОЧИНБОЙ: — Йўқ, ҳужжат!

ҚИЁМОВ: — Ие, қанақа ҳужжат?

ЛОЧИНБОЙ: — Мана эшитиб кўринг, кейин биласиз.

(Лочинбой магнитофон тугмачасини босади. Магнитофондан Қиёмов ва Холдороровнинг овози эшитилади)

"Бошлаб келдим. Қабулхонангизда ўтирибди қушча. Аввал ўзим бир кириб чиқай дедимда". "Қушчангизни қаноти бутунми, ўзи?"

"Менга йўлиқмасдан аввал муовинингизга дуч келган экан. Тўйида хизмат қилибди."

"Унинг одати маълум, кўлига илинган қушни патини юлмай қўймайди".

"Кўринишига қараганда пати унча юлинмаганга ўхшайдию ҳар ҳолда, ўзини тутиши ёмон эмас."

"Ўзингизчи ҳали бошламадингизми?"

"Рухсат этсангиз, бошлайвераман. Юлганимни ярми сизники, ярми меники. Ҳозирча уч пат юлдим."

(Холдороров ва Қиёмов бу гапларни эшитиб ҳангманг бўлиб қолишади. Ранглари оқаради, бир-бирларига тамом бўлдик, деган маънода қарашади. Қиёмов кутилмаганда магнитофонга ёпишади)

ҚИЁМОВ: — (бўшашиб) Ўчиринг. (Холдороровга) Пат юлмай ҳар бало бўл!

ХОЛДОРОВ: — Ҳар баломи, бир баломи, нима бўлсак бўлдик. Пат юламиз, деб патимиз тўзиди.



Илҳом БОТИРОВ

ДУНИ-Я

Маҳаб-ба-т — бадҳайбат кангулсан...
Салим АШУР.

Дуни-я, қаламсан, сан кангулда,
Нур-афшон нурларнинг макони.
Дуни-я, алам-сан, сан кан-гулда
Армон-инг қо-оп-лаган самони...
Дун-и-я, алам-сан, сан кангулда.

Дуни-я, борми-и, ай-йт сан-да, шафо-ат,
Дуни-я, қани ул, нур-ри ул, хидо-о-ят...
Қон-и-мда ўй-ғонар, маҳо-бат,
Ҳар куни рў-ўй берар қабо-ҳат...
Дун-и-я, қани-и ул, нур-ри ул хидой-йат...

Дуни-я, моз-э-орсан севгига,
Ул гулни не-е, учун су й-й-дима-а...
Дун-и-я, қуч ма-ни кел-гин-а,
Ул мандан, ман ундан, куй-йдим-а...
Ул гулни не-е уч-чун суй-й-дима-а...

Дуни-и-я, до-о-стониим узундир,
Узундир-р, ай-йт нега бунчалик,
Яқинсан жонга ул тан-дан-да...
Дуни-и-я, до-о-стониим узундир...
Дун-и-я, кел сани, чо-орладим,

Туй-й бергум, май-хона ашк-имдир,
Дуни-и-я, кел ман-им тўй-й-имга,
Пойингда уйноқи рашк-имдир...
Дуни-и-я, кел сан-и чо-орладим.

Дун-и-и-я, ман санга сиф-ғмадим,
Кў-уксингни, беай-йов тифладим.
Кел ахир, сан манга сиф-ғасан...
Дар-димга топиниб тинасан...
...Дуни-я, ман санга сиф-ғ-мадим...

Дуни-я, сан гўдак, чечак-сан,
Ман санда номсиз би-ир, аъмолман.
Дун-и-я, сан гулсан, гул киби бир гўз-зал,
Ман йеса, рўй-ингга шайдо бир шамолман...
Дун-и-я, сан гул-сан гул киби бир гўз-ал...

Дун-и-я, шеър-ми сан шунчалик...
Хай-олдек, учмишдир ғир-отлар.
Дун-и-я, айт нега бунча-алик
Мафтункор, минилмас ғиротлар...
Дун-и-я, шеърми сан шунчалик...

Кўз-э-имни очаман, очофат,
Хуснингни ютадир кўз-эларим...
Дун-и-я, сан ўз-э-инг, маҳорат,
Ман санде ўз-э-имни изладим...
Дун-и-и-я, сан ўз-э-инг, маҳорат...

Дун-и-я, ман ким-ман, шоир-ми, дардпар-аст...
Ишқ излаб, муҳаб-ба-т гадоси.
Тахай-й-ул, жомиди, шеърпараст,
Тахай-йул, жомининг адо-о-си...
Дун-и-я, ман ким-ман, дардпар-аст...
Тугал-мас, туган-мас, дий-диё,
Фақ-ат, Ишқ, манг-у-дир
ДУН— И — ИЯ!

Сирдарё



Ҳар кимнинг таъби ҳар хил. Ушбу оддий аксиома мутолаа соҳасига ҳам дахлдор. Дейлик, кимдир "Фалсафа масалалари" отлиғ қалин журнални суюб ўқиса, бошқа биров "СПИД — Инфо"га мубтало...

Москвада "MEGAPOLIS — КОНТИНЕНТ" номли жиддий газета нашр этилади. Қизиги шундаки, унинг "Скандалы" номли иловаси ҳам бор. Аталишидан билиниб тургандир, илова асосан дунёда юз бераётган шов-шувли, ҳайратингиз воқеа-ҳодисаларни ёритишга мўлжалланган.

Куйида "Скандалы" нинг шу йил 14- сонидида босилган айрим мақолаларни жузъий қисқартиришлар билан эълон қиламиз. Марҳамат, танишинг. Уларга ишониш-ишонмаслик эса ўзингизга ҳавола.

У ДУНЁДАН ХАБАРЛАР

Инглиз руҳшуноси ва файласуфи Константин Рудив ўзга дунёдан келган хабарларни магнит тасмасига ёзиб, фан оламида катта шов-шув ясади. Олим бир гуруҳ мутахассислар қошида ушбу мавзуда маъруза қилди ва фикрининг исботи тариқасида Бенито Мусолини, Лев Толстой, Уинстон Черчилл, Жод Кеннеди ва тарихда из қолдирган бошқа бир қанча таниқли зотларнинг тасмага ёзиб олинган овозларини эшиттирди. Шунингдек, тасмада Гитлер, Сталин ва Геринг ҳам камида уч бор ўз овозлари билан иштирок этишди. Тингловчиларнинг эътироф этишларича, бу учала диктаторнинг ҳам овози бир хилда ҳаяжонли бўлган.

Одатда, овозлар ўзларини ўзлари танитар эканлар. Сўнг улар ўзларининг ўтмиш ҳаётларини завқ билан эслаб кетишади.

Марҳумлардан бири тўғридан-тўғри:

— Бу ердан вақт тушунчаси йўқ, — деган.

Бошқа биттаси эса:

— Рудив, антидунё мавжуд! — дея шохидлик берган.

Бироқ шу захоти кўпол ва кескин овоз бу эътироф соҳибининг гапини бўлган:

— Бўлди! Бўлди! Бизга керагидан ортиқ гапириш мумкин эмас!

Афтидан, Сталин, Гитлер, Герингдай яккахокимият ишқибозлари ҳеч бўлмаса у дунё да тоталитар режим меваларидан тотиниб кўришмоқда шекилли...

БУ АЖИБ ДУНЁ...

ҲАММАН ПЛАДАРИНИНГ АРВОҲИМИ?

Ҳатто, қадимги юнонлар ҳам марҳумнинг арвоҳи тирикларни таъқиб этиши мумкинлигига қаттиқ ишонишган. Арвоҳларни, шарпаларни излаб топувчи биринчи расмий клуб эса Англияда 1655 йили ташкил этилган. Бу борадаги кенг кўламли ва чуқур тадқиқотлар 1882 йилдан бошлаб ўтказилмоқда. Зеро, айнан Англия арвоҳларнинг севимли мамлакатига айланиб қолганди. Ким билади, балки бунга маҳаллий биноларнинг ўзига хослиги, кўҳна кўрғон ва минораларнинг кўплиги ҳамда машҳур инглиз тумани сабаб бўлгандир.

Асримизнинг 30-йилларига келиб олимлар телепатия ва парапсихология билан жиддий шуғулланишга берилиб кетдилар. Натижада бирмунча олимлар арвоҳлар ва шарпаларнинг чиндан-да моддий равишда мавжудлигини илмий асослашга уринмоқдалар.

Мисол учун, канадалик нейрорфизиолог Майкл Персинжер 37

йил давомида олиб борган тадқиқотлари якунларига кўра, арвоҳлар айниқса магнит бўронлари кучайган вақтларда кўплаб учрашини аниқлади. Демак, Гамлетнинг отасининг безовта арвоҳи бежиз Шекспир қаламига тушмаган шекилли...

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Англияда истиқомат қилувчи эр-хотиннинг қисмати ажойиб. Хотин — Аманданинг бўйи 165 сантиметр. Эр — Полники эса бор-йўғи 70, бунинг устига у мажруҳ.

Аммо муҳаббатнинг кўзи кўр бўларкан. Эр-хотин бир-бирини беҳад яхши кўришади. Ҳатто келин томон ота-онасининг ёш оиладан юз ўгириши ҳам бахтга соя соллолмади.

Афсуски, Аманданинг биринчи фарзанди ҳам мажруҳ туғилди. Бироқ ёш она сира тушқунликка тушгани йўқ.

— Ҳали ҳаммаси олдинда, — дейди у гурур ва ишонч билан. — Энг муҳими — бизнинг муҳаббатимиз голиб келди...

